Guliston

3
2001







Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла ОРИПОВ институт меҳмони.

Журналнинг ушбу махсус сони Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалари, собиқ битирувчиларининг илмий, адабий ва публицистик мақолаларидан ташкил топган.

Guliston

5

2001

may-iyun

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi

Bosh muharrir –
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
Rustam ABDULLAYEV, Sa'dulla ABDULLAYEV, Bahodir ABDURAHIMOV, Bobur ALIMOV, Oqilxon IBROHIMOV, Otanazar MATYOQUBOV, Mahkam MAHMUDOV (bosh muharrir o'rinbosari), Asqar MAHKAM, Alisher MIRZAYEV, Ma'pura NABIYEVA (mas'ul kotib), Yo'ldosh SULAYMON, Muhsin QODIROV, Tursunali QO'ZIYEV

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

O'z DK

USHBU SONDA

To'ra NORBOEV. Milliy istiqlol g'oyasi 2
Mansur BEKMURODOV. O'zbek mentaliteti 3
Aziz TO'RAEV. Ma'naviyatning gurkiragan bog'i 4
Usmon QORABOEV. G'oya va madaniyat 6
Abduxalil MAVRULOV. Urf-odat va milliy qadriyatlar 7
Soyibnazar DAVLATOV. Xazina 8
Ulug'bek KARIMOV. Madaniyatda marketing 9
Nazira ODILOVA. Avlodlar shukronasi 10
Mahmud SATTOROV. Tog'ay Murodni tanish 12
Nasiba ABDULLAEVA. San'at ekan mening nasibam 14
Aziz QAYuMOV. Alisher Navoiy - bibliograf 15
Abdulla ORIPOV. Oybek domla taqdiri kabi 16
Rahmatjon TURSUNOV. Temuriylar davrida musiqa 17
Malohat RAHIMOVA. "Turon" - xalq xizmatida 18
Sa'dulla ShODIEV. Murabbiylik odobi 20
Ortiq OTAJONOV. O'z uyimda kontsert berganman 21
Larisa MOSKALYOVA. O'zbek xalqiga rahmat 22
Barno G'ANIEVA. Mutolaa - san'at 23
Saodat YO'LDOShEVA. Xalq qalbining ko'zgusi 24
Rislig'oy HOTAMOVA. Ozorli dunyoda oroli gulim (She'rlar) 26
Yoqutxon QAYuMXO'JAEVA. Maktab kutubxonasi fondining namunaviy shakli 29
Nizomiddin MAHMUDOV. Kadrni qaerdan tanlaymiz? 31
Erkin XUDOYBERDIEV. Mahorat kaliti 34
Farrux ZOKIROV. Ma'rifat fidoyilari 35
Ashurali JO'RAEV. Hayotning jajji saboqlari 38
Klara MAHMUDOVA. To'y - ma'naviy qadriyat 40
Ergash YO'LDOShEV. Bolalar kitobxonligi 42
Ravshan JOMONOV. O'zbek lotin alifbosi 44
Shuhrat ShAMSIEV. Kutubxonachilik ta'limi tizimi 45
Abdumannon NAZAROV. Aruz va musiqa mushtarakligi 46
Ma'murjon TO'XTASINOV. Xalqimga ta'zimdaman 48
Malik MURODOV. Dil bulog'idan qatralar 49
Musa TUROPOV. Beruniy va bibliografiya 51
Sobirjon JUMAEV. Qadimiy cholg'ular 52
Adiba NOSIROVA. Ma'naviy burch 53
Mahkam MAHMUD. Ruh bulbuli (Foruq Sodiqov siyratiga chizgilar) 54
Doston UBAYDULLAEV. Mening dorilfununim - yangi ijodiy bosqich 56
G'ayrat JALOLOV, Nozim QOSIMOV. "Alpomish" dostoni genezisiga doir 58
Husan MIRPO'LATOV. Teatr va badiiy tarbiya 63

Муқовамизнинг биринчи бетида:
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – институтнинг собиқ талабалари:
Насиба МАДРАҲИМОВА, Илҳом ФАРМОНОВ, Раъно ЗОКИРОВА, Собиржон МЎМИНОВ.

«Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир».
Ислом КАРИМОВ



Миллий истиқлол ғояси

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ ўз ифодасини топган. Ҳар қандай янги ғоя инсон онгига чуқур сингса, ҳаётда чуқур илдиз отса, амалиётда ўзини оқласа, ўшанда реал воқеликка ва катта ижтимоий кучга айланади. Айни пайтда одамларимизда мустақиллигимиз ҳақидаги билим ва тушунчалар, миллий истиқлол ғояси тўғрисида тасаввур бўлса-ю, ана шу билим ва тушунчалар эътиқоду дунёқарашга айланмаса, ундай ғояларнинг замини бўш бўлади, амалий аҳамияти сезилмайди.

Президент И.Каримов асарларида илгари сурилган асосий тушунча — миллий истиқлол ғояси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этишдан иборатдир. Зеро, «ғоя» ва «мафкура» Президентимиз ибораси билан айтганда, «Ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир». Президентимиз Олий Мажлис иккинчи чақириқ 1-сессиясида қилган маърузасида шундай деган эди: «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат. Бу, лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш демакдир. Бу мамлакатимизда миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир».

Бу борада қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор бериш даркор:

— мамлакатимизда сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. Бунда жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириб, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини мукаммал кафолатлаш зарур;

— миллий истиқлол ғояси ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни, энг аввало, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитининг қарор топиши билан боғлиқ. Бинобарин, Президентимиз айтганларидай, «Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда ва шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар бир партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил фикрлари ўз ифодасини топиши лозим»;

— ҳақиқий муҳолифатнинг вужудга келиши учун, унинг ҳокимият билан ғоявий амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифат бўлиши учун сиёсий вазият ва барқарорликни таъминловчи механизм ҳамда системалар кучли бўлиши керак. Ҳар бир давлат, жамият ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий синфлар, табақалар, миллат ва элатлар, диний эътиқод вакилларини шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи умуммиллий ғояга эга бўлади.

Умумдавлат ва умуммиллат талаблари ҳамда эҳтиёжлари доирасида миллий ғоя асосларини яратиш лозим. Шундай қилингандагина, бирор бир мафкура умумдавлат мафкураси даражасига чиқмайди. Ана шундагина умуммиллий ғоя концепциясида баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳар бир фуқарога етиб бориши таъминланади. Ўзбекистон Президенти асарларида асосланаётган нуқтаи назар ва ғоялар мажмуаси моҳиятан умумхалқ ғоясидир. Бу ғоя халқимиз тарихи, маданияти, фалсафаси, ахлоқи, сиёсий онги, бадиий диди, диний анъаналари ва келажаги ҳақидаги орзу-умидларини мужассамлаштирган.

Президент И.Каримов ўзининг илк асарларидаёқ, «Европада илдиз отиши мумкин бўлган нарса, Шарқда униб ўса олмайди. Буни ҳамиша ҳисобга олмоқ керак. Бу ўринда Шарқнинг турмуш тарзини, руҳиятини, фалсафасини, унинг буюк ислом динини ҳисобга олмоқ керак. Асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишдан иборат. Бу маънода ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли бор», деган эди. Президент И.Каримов асарларини чуқур ўрганиш миллий истиқлол ғоясининг илмий-назарий жиҳатлари юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

— миллий ғоя жамият ҳаётида катта аҳамият касб этади, чунки усиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мумкин;

— қаерда ғоявий бўшлиқ вужудга келса, ўша бўшлиқни бегона ғоя тўлдиради;

— XX асрдаги кўп азобу уқубатлар, хатолар, фожеалар, урушлар, қатағонларга ғоявий курашлар асосий сабаб бўлганлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур;


— XXI аср бошида ҳам турли хил эски ва янги ғояларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатлироқ тус олмоқда. Дунёда ҳозирги вақтда икки қарама-қарши куч барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоялар кураши давом этмоқда. Мазкур ғоявий курашлар бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаблар ва секталар ўртасидаги фикр талашувлар баъзан қуюшқондан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда;

— ғоявий курашдан кўзланган асосий мақсад — инсонлар, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, улар дунёқарашини бўйсундириш, маънавий жиҳатдан бутунлай ўзига тобе қилишдан иборатдир. Президент И.Каримов ибораси билан айтганда, ёшларнинг маънавий юксалишига эътиборни кучайтириш зарур, чунки «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам дахшатлидир».

Демак, ғоявий кураш полигонлари ядро полигонларига нисбатан қудратлирокдир; ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий тазйиқларни олдиндан билиш, сезиш, кўриш мумкин, аммо ғоявий тазйиқларни олдиндан билиш ва оқибатларини тезда илғаб олиш мушкул;

— табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум — бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди; бинобарин, миллий истиқлол ғояси биз учун миллатни ягона мақсад йўлида метиндек жипслаштирувчи байроқ вазифасини бажармоғи зарур.

Тўра НОРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент



Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ

Мафкура жамиятдаги турли-туман ғоялар, нуқтаи назарлар ҳамда қарашлар тизимидан иборат бўлиб, кишиларнинг ташқи оламга, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий тартиботларига, шунингдек, одамларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини акс эттиради.

80-йилларнинг ўрталаридан давлатларни сўз ва информация билан, мафкуранинг қудратли кучи билан «босиб олиш» тенденцияси фавқулодда катта аҳамият касб этди. Мафкуравий босқин XX аср охирига келиб, нафақат сиёсий тузумлар, балки жамиятнинг ахлоқий-эътиқодий тузилмалари мазмунига ҳам жиддий хавф туғдира бошлади. Асрлар мобайнида мамлакатлар ўзига хослигини, жамиятлар ижтимоий-сиёсий мувозанатини таъминлаб келган диний-ахлоқий қадриятлар мазмунини ўзгартириш борасида ҳам мафкуравий тазйиқлар кўлами кенгайди. Жаҳон сиёсий-ижтимоий муҳитида иқтисодий, интеллектуал, эстетик глобаллашувга кўра мафкуравий информацион глобаллашув, айниқса, кучайиб кетди. Совет тузуми расмий сиёсий онг доираларидан четга чиққан шахсларга фақат террор, кўркув, ваҳима ҳисси орқали тазйиқ ўтказар ва муайян мафкуравий тарғиботлар тизими орқали ўзини яъни, давлатни халқдан муҳофаза этиб келар эди.

Ҳозирги даврда дунёнинг кўп қутблилиги, умуминсоний тамойилларнинг кучайиши давлат тизимини куч билан эмас, ишонтириш, эзгулик ва адолатга даъват, тарғибот-ташвиқот воситасида бошқариш жамиятдаги мафкуралар тизимини консолидация этиш — муайян миллий ғоя доирасида якдил бирлаштириш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда. Ана шу ижтимоий эҳтиёжни ўз вақтида теран англаган Президентимиз Ислом Каримов жамиятдаги турли хил нуқтаи назарлар, қарашлар, диний-эътиқодий оқимлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, партияларни умуммиллий ғоя доирасида бирлаштириш зарурлигини асослаб берди. «Фақат шу йўл билангина, — дейди Президент, — мухолифларимизнинг энг ёвуз қуроли — миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкура таъсиридан ҳимояланишимиз мумкиндир».

Жамиятдаги турли-туман кучларнинг бирлашув жараёнлари, ижтимоий интеграция ҳодисасининг рўёбга чиқиши эса бетартиб тарзда эмас, юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри англаган ҳолда, онгли идрок асосида амалга ошуви жуда муҳимдир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, мафкуранинг ҳаётийлиги халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади.

Миллий мафкуранинг ҳаётчанлиги халқ феъл-атвори, менталитети билан қанчалик чамбарчас боғлиқлиги билан белгиланади. Агар ҳар қандай мафкура маълум мақсад йўлида ижтимоий-маънавий бирлашувни мақсад қилиб қўйса, ўзбек менталитетида бу имконият аллақачон тарихан шаклланган дир. Энди гап уни қандай бошқаришда. Ғарб мамлакатлари халқлари учун ижтимоий бирлашув жараёнларига улардаги рационализм, индивидуализм халал бериб турса, ўзбеклар азалдан интеграцияга, ижтимоийлашувга мойил халқдир. Ўзбекнинг ҳар бир одати, маърака ва маросими бошқаларни бирлаштириш орқали юз беради.

Ўзбек менталитетидан мафкура масалаларида фойдаланиш учун бу менталитетнинг таркиби, тарихи, ҳозирги ҳолати ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи менталилети тарихан кўплаб этник бирикмалар билан уйғунлашган ҳолда таркиб топган. Айни чоғда халқимиз маънавияти зардуштийлик, будда, ислом сингари диний-мафкуравий таъсирлар доирасида ҳам шаклланган.

Миллий мафкурамизнинг аҳоли турли қатламлари онгида мустаҳкам ўрнашуви учун халқимиз менталитетида ижобий шарт-шароитлар ҳозирловчи жамоавийлик, эътиқодда мустаҳкамлик, урф-одат ва маросимлар орқали ўзликни ифодалаш фазилатларидан унумли фойдаланмоғимиз лозим. Зеро, халқимизнинг моҳиятан жамоавий табиатга эга бўлганлиги боис, у тарбиявий таъсирни ўнғай қабул қилади, жамоавийлик хусусияти ибратга мойилликни ҳам англатади. Ибратга эргашиш фазилати яхши сўз, яхшиликни рағбатлантириш, яхшиликка даъват қилишни мунтазам изчилликда амалга ошириш натижасида таркиб топади. Шу боисдан ҳам миллий мафкуранинг ҳаётийлигини таъминлашда халқимизнинг ижобий фазилатларига мустаҳкам таянишимиз зарур.

Глобаллашув жараёнлари бадиий-эстетик савия, дид даражаларининг ҳам умумжаҳон миқёсида стандартлашувига олиб келмоқда. Бундай муштараклик миллий-маънавий ранг-баранглик, миллий ўзига хосликнинг аста-секин йўқолишига ҳам олиб келиши мумкин. Ана шу ҳолатда халқимиз менталитетидаги аждодлар маънавий меросини эъзозлаш, ворисликка содиқлик хусусиятларини фаоллаштириш жуда зарур.

Зеро, халқимиз менталитети ўзгараётган замон ва макон мантиғига мувофиқ тарзда бойиб, такомиллашиб бормоқда.

O'zR Prezident kutubxonasi
O'zR Davlat kutubxonasi
Milliy bibliografiya bo'limi

Азиз ТЎРАЕВ,
институт ректори

Маънавиятнинг гуркираган боғи



Юртимиз қисқа давр мобайнида том маънодаги озодлик, эрк, ҳурликка эришди, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдек муқаддас имкониятга эга бўлди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, мафкуравий-ахлоқий жабҳаларида рўй бераётган барча ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўн йил давомида эришилган энг катта ютуқ — ҳар биримиз учун энг буюк неъмат бўлган мустақилликни авайлаб-асраш, янада мустаҳкамлаш муқаддас бурчимиз эканлигини чуқур англаш масъулияти бўлди.

Дарҳақиқат, истиқлол ўзбек халқининг ўз тарихий хотирасини тиклаш, бугунги босқичдаги даражасини англаб етиш, келажакдаги муҳим вазифаларни аниқлаб олиш, унинг жаҳон ҳамжамиятига бошқалар билан тенг қаторда кириб боришига тарихий имконият яратди. Шубҳасиз, мазкур жараёнлар силсиласида маънавий-маърифий омилларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. «Маънавий-маърифий соҳадаги энг асосий вазифамиз, — дейди Ислом Каримов, — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир...»

Юқорида таъкидлаб ўтилган муҳим вазифаларни бажаришда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти ўзига хос алоҳида ўринга эгадир. Институт 1974 йилда ташкил этилган. Ушбу институтнинг таъсис этилишидан кўзланган асосий мақсад республикамизда минглаб маданий-маърифий муассасалар, маданият масканлари, кутубхоналар учун юқори малакали ходимлар тайёрлашдан иборат эди. Шу мақсадда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг кутубхоначилик, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси ҳамда М.Уйғур номидаги Санъат институтининг тегишли бўлимлари заминида ташкил этилган Маданият институтида республика маданий ҳаёти учун зарур ходимлар тайёрлаш жараёни бошланди.

Институт тоталитар тузум қийинчиликларига, мафкуравий-сиёсий тазйиқларга қарамасдан, ўзбек миллий маданияти ва санъатини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Толибжон Бадинов, Раъно Низомова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Одил Камолхўжаев, Султон Ҳайитбоев, Раҳматжон Турсунов, Рустам Неъматов, Қодир Мирзаев, Бахтиёр Сайфуллаев, Акбар Мўминов, Форуқ Содиқов каби таниқли санъаткор-мураббийлар билим ва тажрибалари асосида тарбияланган кўплаб талабаларимиз ҳозирда мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айниқса, Фаррух Зокиров, Ортиқ Отажонов, Насиба Абдуллаева, Шариф Султонов, Гиёс Бойтоев, Муҳриддин Холиқов, Ойбек Султонов, Маҳмуджон Азимов, Феруза Солиҳова, Маъмуржон Тўхтасинов, Каримбой Раҳмонов, Назриддин Шерматов, Насиба Мадраҳимова, Зиёда Мадраҳимова, Гавҳар Аминова, Рушана Султонова, Гулнора Низомова, Гулчеҳра Фозилжонова, Бахтиёр Султонов, Дониёр Тошмуҳамедов, Қаландар бахши, Норбой бахши, Андрей Петровец, Владимир Барамиков, Илҳом Фармонов, Лариса Москалёва, Аббос Алиевлар каби таниқли санъаткорларнинг номлари Маданият институти билан бевосита боғлиқлиги бизнинг даргоҳимиз ижтимоий нуфузидан даракдир.

Маданият институтининг том маънодаги ўрни ва роли мустақиллик йилларида, айниқса, яққол кўзга ташланди. Шахснинг ҳар томонлама камол топишида маданий-маърифий фаолият ва халқ бадиий ижодиётининг тутган ўрни жуда аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда, уларга Ватан туйғусини сингдиришда, юксак одамийлик фазилатларини шакллантириш ва камол топтиришда халқ даҳоси яратган бебаҳо мерос — халқ бадиий ижодиёти ва миллий санъатининг барча турларини ўқитиш ва ўргатиш аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимиз мустақиллигини маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурияти, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонун ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар асосида институтнинг мазмун-моҳияти тамомила янгича сифат даражаларига кўтарилди. Ҳозирги кунда институтда «Ижтимоий-маданий фаолият», «Халқ бадиий ижодиёти», «Кутубхоначилик — библиография», «Касбий-педагогик тайёргарлик» йўналишлари бўйича юқори малакали ходимлар тайёрланмоқда.

Айни вақтда 150 га яқин профессор-ўқитувчилар талабаларга мутахассислик, турли фан асослари, ма-

даният, халқ бадиий ижодиёти бўйича мукаммал билимлар бермоқдалар. «Фольклор-этнографик жамоалар раҳбари», «Китобшунослик ва китоб савдоси», «Архив иши ва архившунослик» каби бўлимларнинг ташкил этилиши ва улар бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилганлиги институт ижтимоий нуфузини тобора оширмоқда. Жорий ўқув йилида барча фанлардан «намунавий» ва «ишчи» дастурлари қайта кўриб чиқилди, улар институт услубий кенгашида муҳокама этилди. Ушбу дастурлар асосида барча фанлардан маъруза матнлари тайёрланди. Жумладан, институт профессорларидан Ш.Акрамов, А.Маврулов, М.Бекмуродовлар республика олий ўқув юртлари учун маъруза матнлари тайёрлашда фаол иштирок этдилар.

Институтда талабалар билимини аниқлаш учун «рейтинг назорати» бўйича «Низом» ишлаб чиқилиб, шу асосда «жорий», «оралиқ», «якуний» назорат ўтказилмоқда. Талабалар билимини назорат қилиш эса барча фанлардан «ёзма», «тест саволлари» орқали, маълум пайтларда якуний назорат компьютерлар ёрдамида ташкил этилмоқда. Ўқув жараёнини ташкил қилишда янги, илғор педагогик технологияни жорий этиш, ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш билан узвий алоқада бўлишига ҳам эътибор берилмоқда. Амалий лаборатория машғулотлари кутубхоналарда, маданият уйларида ўтказилмоқда. Ҳозир улар билан қўшма кафедралар ташкил этилмоқда. Масалан, кутубхоначилик-библиография факультети А.Навоий номидаги республика Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси ФА кутубхонаси, «Турон» номли Тошкент вилоят кутубхонаси билан яхши ижодий-амалий муносабат ўрнатган. Бошқа йўналишлар бўйича ҳам худди шундай ҳамкорликлар йўлга қўйилган.

Институтда катта ҳажмда маънавий-маърифий ишлар бажарилмоқда. Бу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, мамлакат ҳукумати кўрсатмалари, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонун талаблари асосида олиб борилмоқда. Жорий ўқув йилида «Миллий ғоя ва илмий дунёқараш» деб номланган талабалар илмий семинари ташкил этилган. Мунтазам равишда ўтказиладиган мазкур семинарда талабалар миллий ғоя, миллий мафкура, уларни фуқаролар онгига сингдириш муаммолари хусусида доимий баҳс-мунозаралар ташкил этмоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, талабаларнинг миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига қизиқишлари доимо ортиб бормоқда. Бу жараён, айниқса, улар ўртасида ўтказилган «Миллий ғоя ва миллий мафкура — менинг тақдиримда» иншо танловида яққол кўринди. Талабаларимиздаги миллий ғоя ва мафкура тўғрисидаги изчил, мукаммал билимлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси телевидениеси орқали намойиш этилаётган турли баҳсларда ўз аксини топмоқда. Биргина ушбу ўқув йилида талабаларимиз 6 марта шундай мунозараларда фаол иштирок этдилар.

Талабалар ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. «Ниҳол» талаба-ёшлар ижодий-бадиий уюшмаси мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Унда 30 га яқин ҳаваскор ёзувчи, бастакор, журналистлар ўз асарларини муҳокамадан ўтказмоқдалар. Шунингдек, «Ёш дирижёр», «Ёш хонанда», «Туғён», «Халқ чолғулари» махсус тўгараклари талабалар ижодиётини ташкил этишда маълум роль ўйнамоқда. Институтда таниқли олим, адиб, жамоат арбоблари билан учрашувлар ўтказиш ҳам анъана тусига кириб қолган. Хусусан, қисқа давр мобайнида таниқли олимлар Азиз Қаюмов, Нарзулла Жўраев, Отаназар Матёқубов, Султонмурод Олимов, Муҳаммаджон Имомназаров, адиб, санъаткорлардан Абдулла Орипов, Йўлдош Сулаймон, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммаджон Абдуқундузов, Барот Бойқобилов, диний маърифат вакиллари Абдуҳаким Жузжоний, Фозил қори Собиров кабилар билан қизиқарли учрашувлар талабалар маънавий-маърифий, илмий дунёқарашларини бойитишда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда институтнинг республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорлиги тобора самаралироқ бўлиб бормоқда.

Институтнинг илмий салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда 20 га яқин фан докторлари, профессорлар, 60 дан ортиқ фан номзодлари, доцентлар мамлакатимиздаги маънавий-маърифий муаммоларни илмий жиҳатдан таҳлил этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессор М.Муродов, С.Мирвалиев, М.Расулов, профессор У.Қорабоев, А.Маврулов, М.Бекмуродов, М.Ёқубова, Э.Йўлдошев, Ғ. Жалолов, доцентлар Ш.Шамсиев, С.Йўлдошева, Э.Худойбердиев, М.Сатторов, Н.Қосимов, К.Расулов, С.Маликова ва бошқалар илмий изланишнинг турли йўналишлари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Институт аспирантураси фаолият кўрсатмоқда.

Институтнинг ҳамкорликдаги илмий ишлари дастури амалга оширилмоқда. Фанлар Академияси ва тармоқ институтлари, хусусан, тарих, фалсафа ва ҳуқуқ, тил ва адабиёт институтлари билан ижодий ҳамкорлик маълум самара бермоқда. Булардан ташқари, Германиянинг Штутгарт шаҳридаги Олий кутубхонашунослик ва информация мактаби, Гёте институти, «Очиқ жамият» институти — Кўмак жамғармаси билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик Маданият институтида ўқув, илмий-тадқиқот ишларининг такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Институт моддий базаси ҳам мутасил равишда бойиб бормоқда. Компьютер, лингофон синфлари ташкил этилди, биргина 2000 йилда 12 млн. 500 минг сўмлик таъминлаш ишлари олиб борилди, 1 млн. 300 минг сўмлик янги адабиётлар, 6 млн. 200 минг сўмлик мебель ва ўқув жиҳозлари, 2 млн. 150 минг сўмлик мусиқий асбоб ва жиҳозлар сотиб олинди. Энг замонавий нусха кўпайтиргич, ҳисоб аппаратлари сотиб олиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Тошкент Давлат Маданият институти ўз зиммасига юклатилган залворли масъулиятни чуқур ҳис қилиб, бундан буён ҳам жонажон Ватанимизнинг комил инсонларини тарбиялаб етиштиришда замонамизнинг олдинги сафидаги олий даргоҳларидан бўлиб қолади. Институтимиз илмий жамоаси учун ўз бағрини кенг очган "Гулистон" журнали таҳририятига,чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Умид қиламизки, биз бошлаган ушбу самарали ижодий ҳамкорлик озод диёримизнинг юзлаб интеллектуал жамоалари салоҳиятининг рўёбга чиқишига дебоча бўлиб қолади.

Усмон ҚОРАБОЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ғоя ва маданият

Одил, озод, обод, фаровон, ҳуқуқий жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мустақил Ўзбекистонда янги миллий ғоя ва мафкура концепцияси Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида жорий этилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий мафкура «жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор»дир.

Миллий мафкурани тарғиб қилиш учун унга хизмат қилувчи барча восита, усул ва шакллардан самарали фойдаланишимиз зарур. Бу борада, айниқса, маданиятнинг ўрни бениҳоя каттадир. Миллий маданиятсиз миллий мафкурани тасаввур этиб бўлмаганидай, ўз навбатида, миллий мафкура миллий маданиятнинг равнақ топиши, эзгу мақсадлар учун хизмат қилишида ёрдам беради.

Маданият миллий ғояни тарғиб қилишда самарали восита ҳисобланади. Халқ ижодиёти (мақол, асотир, афоризм, афсона, эртак, достон), анъаналар (халқ одатлари, маросимлари ва байрамлари) адабиёт (назм, наср, публицистика, пьеса), санъат (мусиқа, театр, рақс, тасвирий ва амалий ижод) каби маданият турлари мазмунида миллий ғоянинг асосини шакллантирувчи имонэътиқодлилик, ҳурфикрлилик, ватанпарварлик, ҳалоллик, маърифатпарварлик каби инсоний фазилатлар тарғиб қилинади.

Санъат асарларида тарихий меросга, миллий қадриятларимизга мурожаат этилаётганлиги қувончли ҳол. Бироқ, ҳозирги баъзи санъат асарларининг савияси етарли даражада эмас. Ҳолбуки, буюк қадриятлар ҳақида паст савияда гапириб бўлмайди. Масалан, Аҳмад ал Фарғоний ғояларини ифода этиш учун ўша даражадаги ижодкор керак. Агар Аҳмад ал Фарғоний ҳақида спектакль яратаётган драматург, режиссёр ва актёрнинг ғоявий, фалсафий, маънавий ва маданий савияси паст бўлса, юқори даражадаги асар яратилмайди. Паст даражадаги асарлар эса аҳолининг маданий савиясини юқорига кўтара олмайди.

Адабиёт инсоният маънавий тараққиётида муҳим роль ўйнаган, XX асргача асосий ғоялар кўпроқ адабий асарлар орқали халққа етиб борган. XX аср бошида миллий уйғониш жараёнида ҳам, XX аср охирида мустақилликка эришишда ҳам адиблар катта роль ўйнадилар.



Халқ одатлари миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини ёш авлод онги ва қалбига сингдиришда муҳим восита ҳисобланади. Асрлар оша шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб келган, бироқ шўролар даврида таъқиқланган халқ анъаналари, аждодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикрлари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини ўзида мужассамлаштирган. Улар ёш авлоднинг ғоявий-маънавий камол топишида муҳим омил сифатида хизмат қилади. Айниқса, миллат, жамиятни бирлаштирувчи анъаналардан фойдаланишимиз зарур. Жумладан, Наврўз, Гул сайли, Меҳржон, Ҳосил байрамларида хафагарчилик унутилади, аразлаганлар ярашади, танишиш, қариндош тутиниш, дўстлашиш, меҳмондорчилик каби фазилатлар равнақ топади.

Истиқлол даврида жорий этилган «Наврўз», «Мустақиллик куни», «Устоз ва мураббийлар куни», «Хотира ва қадрлаш куни» каби байрамлар озодликнинг қадрига етиш, Ватанни эъзозлаш, ота-она ва устозларни ҳурмат қилиш, миллат анъаналарига содиқ бўлиш, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, ёрқин келажак сари интилиш, эл-юрт, халққа хизмат қилишга ундашда самарали воситага айланмоқда.

Дин ҳам маданиятнинг энг нозик ва мураккаб томонидир. Динни ноқоб қилиб Ватанимизга нур эмас, ёвузлик-қўпорувчилик олиб киришга уринганлар ҳам пайдо бўлди. Президентимиз айтганидек, «Биз фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз зарур...»

Миллий ғоянинг шаклланиши ва тараққий этишида маданий-маърифий муассасалар, зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу ишда ҳар кимнинг ўз вазифаси бор: агар олимлар миллий ғояни шакллантириш бўйича тадқиқотлар, ёзувчилар миллатни бирлаштирувчи ғояларни тараннум этувчи бадиий асарлар, санъаткорлар эзгуликка, миллий тараққиётга хизмат қилувчи ижод намуналарини яратсалар, кутубхоначилар, музей, клуб ва истироҳат боғи ходимлари жойларда миллий мафкура тарғиботи, мактаб ўқитувчилари ўқувчилар онги ва қалбига инсонпарварлик ва миллатпарварлик ғоя ва туйғуларини сингдириш билан фаол шуғулланишса, табиий тарзда жамият олға дадил қадам ташлайди.

Хуллас, миллий ғоя ва мафкурага таянган ўзбек маданияти ўз тарихий томирларидан куч олиб, гуллаб-яшнаб, аждодларимиз тажрибасига таяниб, жаҳон даражасига чиқиб, умуминсоният цивилизацияси тараққиётига яна хизмат қилади деган умиддамиз.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Урф-одат ва миллий қадриятлар



Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган энг залворли ютуқлардан бири топталган миллий қадриятлар, урф-одатлар, диний анъаналарнинг қайта тикланиши бўлди. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутеълик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда». Мустақиллик миллий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни том маънода тикланиши учун ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, руҳий-ахлоқий замин яратди. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунингдек, миллий анъаналар умуминсоний анъаналарнинг бир қисми ёки унинг конкрет миллатда ўзига хос ифода этилишидир. Урф-одатларнинг маънавий қадриятлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти хилма-хилдир. Улар инсон ва табиат, инсон ва жамият муносабатлари, оила турмуш тарзида, давлат ва жамият муносабатларида ўз ифодасини топади. Шу аснода урф-одатлар ҳозирги кунда алоҳида ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Улар, биринчидан, ҳар бир инсон онги, руҳияти, ички маънавий дунёсининг ифодаси сифатида намоён бўлиши, иккинчидан, урф-одатларда муайян халққа, миллатга хос хусусиятлар ана шу халқ ва миллатга мансуб бўлган инсонларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати, тафаккур тарзининг ўзига монанд тамойилларида ифодаланиши билан изоҳланади. Учинчидан эса урф-одатларда халқнинг, миллатнинг тасаввурлари, орзу-умидлари ва идеаллари ўз ифодасини топади.

Миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар ҳеч қачон мафкуравий, синфий, партиявий нуқтаи назардан баҳоланмаслиги лозим. Масалага шу тарзда муносабатда бўлиш қандай оғир ижтимоий оқибатларга олиб келгани яқин тарихдан маълум.

Истиқлол йилларида маданий меросниг тиклана бориши, Наврўз байрамининг умумхалқ шодиёнасига айланиши, диний қадриятларга нисбатан муносабатнинг ўзгариши миллий маънавий тараққиётдан далолат беради. Ўтмишдаги буюк алломаларимизнинг таваллуд кунларини ўтказиш анъанага айланди.

Хусусан, шеърият султони Алишер Навоийнинг 1991 йилда 550, 2001 йилда 560 йиллик тўйини нишонлаш, 1994 йилнинг Улуғбек йили деб эълон қилиниши, 1992 йилдан машрабхонлик кунларининг ўтказилиши юқоридаги фикрларнинг ифодасидир. Мустақилликнинг ўтган ўн йиллигида қўлга киритилган энг катта ютуқлардан яна бири — жадидчилик ҳаракатига муносабатнинг ўзгариши, қатағон қурбонларига нисбатан меҳр-оқибатнинг кўрсатилиши бўлди. Айниқса, Ўзбекистон ҳукумати, шахсан мамлакат Президенти И.Каримов томонидан «Шаҳидлар хиёбони»нинг ташкил этилиши миллатимиз учун жуда муҳим маънавий-мафкуравий, ахлоқий-руҳий кўтарилиш бўлди.

Ўзбекистонда Амир Темур шахсига нисбатан ижтимоий адолат ўрнатилди. Ислом Каримов 1996 йил 18 октябрда Темурийлар тарихи Давлат музейининг очилиш маросимида Соҳибқирон даҳосига муносиб баҳо берди: «Бутун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Амир Темур бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир. Амир Темур халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир».

Мустақиллик даврида дин ва диний қадриятларга бўлган муносабатимиз ўзгача тус олди. Президентимиз И.А. Каримовнинг 1990 йил 2 июндаги «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги, 1992 йил 7 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича комитет ташкил қилиш тўғрисида»ги, 1992 йил 27 мартдаги «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги (1998 йил) қонунини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Ислом динининг миллий қадрият сифатида эътироф этилишини 1995 йилда Тошкентда Халқаро ислом тадқиқот марказининг ташкил этилиши, Тошкент Ислом Университетининг юзага келишидан ҳам билса бўлади. Ушбу марказларда ислом назарияси ва тарихи, диний асарларни таржима қилиш, Ватанимиздан етишиб чиққан йирик исломшунос олимлар ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш, юртимиздаги исломий қарашларнинг ўзига хос томонларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Имом Бухорийнинг 4 жилддан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилмоқда. Ислом оламининг буюк алломалари юбилейларини байрам сифатида нишонлаш миллий, маънавий ҳаётимизга ҳаётбахш таъсир қилмоқда. Жумладан, Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбандинг 675 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг 910 йилликларини ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида нишонланиши жуда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этди.

Демак, мустақиллик миллий урф-одат, анъана, қадриятларнинг тикланиши ва ривожланишини таъминлашнинг ҳал қилувчи шартидир.



Хизмат

XIX асрнинг 50-йилларида қадимшунослар инсоният илк маданияти яралган ўлка – Мисрнинг Дажла дарёси соҳилларидан тахминан 3000 йил илгари яшаган Ассурия давлати подшоҳи Ашурбанипанининг 22000 кесак плитадан иборат бутун бошли бир кутубхонасини топишга муваффақ бўлишган.

Ундаги китоблар кутубхонага йиғилмасдан 2000 йил аввал ёзилган бўлиб, ҳар бир плита саҳифасида ўша даврга хос давлат ҳужжатларидан тортиб, илм-фанга оид маълумотлар ўз аксини топган эди. Ҳар бир плитанинг оғирлиги 1,5-2 килограмм бўлган. Инсоният маданияти марказидан яна бири ҳисобланган Хитойда Мисрга нисбатан китоб кашф этиш бир оз бошқача усулда амалга оширилган.Бу ерда ҳам дастлабки китоблар милоддан олдин V асрларда яшаган император кутубхонасида мавжуд бўлиб, бу китоблар кесак плитадан эмас, балки бамбук дарахтидан ясалган тахтачалардан иборат бўлган. Бу тахтачалар ҳозирги китоблар сингари саҳифаланиб, варақлари бир-бирига иплар билан боғланиб, катта-катта аравада олиб юрилган.

Кесак ва бамбук плиткаларидан ясалган китоблардан фойдаланиш ёки давлатлар ўртасидаги ўзаро ёзишмалар, дипломатик алоқалар бир оз қийинчилик туғдирар эди. Шу сабабли, инсоният эҳтиёжи кейинчалик қамишсимон папирус ўсимлигидан варақ тайёрлашни кашф этди. Бу ўсимликдан тайёрланган китоблар ёғоч ғилоф ёки чарм халталарда сақланган.

Кейинчалик одамлар ҳаёт тарзи ва маданий турмуш тажрибаларининг ўсиб бориши натижасида китоблар хурмо дарахти баргларига, мум суртилган ёғоч плиткаларга,суякларга ёзилган саҳифаларни бириктириш орқали ярата бошлади. Славянлар қайин пўстлоғидан фойдаланишган. Милоддан бир неча асрлар муқаддам пергамент усули, яъни ҳайвон терисининг юпқа қилиб ишланган саҳифаларига ёзиш орқали китоб тузишган. Масалан: «Авесто» китоби 25000 ҳўкиз терисига битилганлигини биламиз. Пергамент жуда қимматли, айни чоғда, кўпгина ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлишидан ташвишга тушган авлодлар кейинчалик терига ёзилган ёзувларни ўчириб ташлаб, бошқа ёзувларни ёзишни ҳам анъанага киритишган. Бироқ пергаментга ёзилган кўпгина ноёб фикрлар, асарлар йўқ бўлиб кетиши ҳам кўпчиликни ташвишга солганлиги боис, пировард натижада қоғоз ишлаб чиқариш кашф этилди. Академик Д.С. Лихачевнинг тадқиқотига кўра, дастлабки қоғоз китоблар Исо алайҳиссалом таваллудидан икки асрлар олдин бўлган экан. Бу биринчи маротаба Туркистон ўлкасида пайдо бўлган латта қоғоз эди. Кейинчалик бу қоғоз Сурия, Миср ва Ғарбий Европага тарқалган.

Инсоният хат ёзиш учун минг йиллар мобайнида турли-туман материалларнинг бир талайини синаб кўрган бўлса-да, кўнглидаги мақсад амалга ошмади, чунки бу материалларнинг бири оғир, бошқаси чидамсиз, учинчиси эса ниҳоятда қимматга тушарди.

Одамлар ўз илми, тажрибаси ва кашфиётини Ер қуррасининг истаган жойига олиб бориши ёки уларни элта оладиган пишиқ, арзон, енгил ва қулай материал изларди. Табийки, бундай материал қоғоз эди.

Ватанимизда бундай материал биринчи маротаба эрамизнинг 650 йилларида Самарқандда яратилганлиги архившунослик топилмаларидан маълум. Лекин бу қоғоз Самарқанднинг ўзида тайёрланганми ёки бошқа мамлакатдан келтирилганми, бу ҳақда маълумот йўқ.

Эрамизнинг 751 йилида ҳозирги Жамбул шаҳри яқинидаги Тараз водийсида араблар билан хитойлар гуруҳлари ўртасида жанг бўлиб ўтган. Шу жангда Хитой лашкарлари енгилиб, бир нечта хитойлик асир олинган. Улар орасида қоғоз тайёрлаш йўлини биладиган аскарлар ҳам бор эди. Араблар улардан қоғоз тайёрлаш усулини ўрганишиб, бу ҳақида халифаликка хабар беришгач, қоғоз ишлаб чиқариш ва ундан китоб тайёрлаш йўлга қўйилди. Шундан сўнг, араблар Испаниянинг Андалузия воҳаси орқали ислом динини тарғиб этишлари жараёнида муқаддас фикр ва каломларни қоғозларга ёзиб, китоблар нашр этганлар. Натижада, Европага ҳам қоғоз тайёрлаш, китоб чоп қилиш ана шу тариқа кириб борди. Европада қоғоз воситасида китоб тайёрлаш усулини эрамизнинг XII асрларида эгалладилар. Шу тариқа жаҳонда китоб тайёрлашнинг қулай ва арзон йўли кенг тарқалди. Қоғознинг ихтиро қилиниши билан башарият инсон фикрини сақлаб қолиш ва кенг ёйиш, тафаккур тараққиётига хизмат қилиш учун ажойиб манбага эга бўлди. Шунинг учун ҳам мутафаккир ўзбек шоири Алишер Навоий қоғозни донишмандлар фикрини, билимини оламга ёювчи қушга ўхшатгани бежиз эмас.

Китоблар дунёнинг янада гўзаллашиши, инсониятнинг ҳаёт кечириш тарзини яна ҳам ривожлантириши, умуман тараққиётнинг тезлашишига ёрдам берувчи манбага айланди. Истиқлолни қўлга киритган ҳур Ўзбекистон ўзининг иқтисодий, маданий ва сиёсий такомилига эришишида билим манбаи китобларнинг бениҳоя буюк хизмати бор.

Сойибназар ДАВЛАТОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Улуғбек **КАРИМОВ,** *техника фанлари номзоди, доцент*

Маданиятда маркетинг



«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида фаолият кўрсатаётган институтимиз жамоаси тўрт таълим йўналишида бакалаврлар етиштирмоқда.

1. «Кутубхонашунослик ва библиография». Мазкур таълим йўналишини тугатганлар кутубхоначи-библиограф, товаршунос-библиограф, китоб савдоси менежери, архившунос, архив ҳужжатларини яхлитловчи ходим лавозимларида ишлашлари мумкин.

2 .«Ижтимоий-маданий фаолият». Мазкур йўналиш бўйича таълим олганлар маданий-маърифий муассасаларда менежер, маданият соҳаси социологи, маданий дам олиш ташкилотчиси, маданий-маърифий тадбирлар услубий ташкилотчиси лавозимларида фаолият кўрсатиши мумкин.

3. «Халқ бадиий ижоди» таълим йўналишини тугаллаганлар халқ ва фольклор-этнографик жамоалари, шунингдек, турли хил ижодий жамоалар бадиий раҳбарлари, оммавий халқ байрамлари ва тадбирлари ташкилотчи-режиссёри вазифаларида хизмат қилишлари кўзда тутилади.

4. «Касбий педагогик тайёргарлик» таълим йўналишида таълим олувчилар келгусида маданий-маърифий соҳада фаолият кўрсатувчи академик лицейлар ва коллежларда педагогик фаолият билан шуғулланадилар.

Институтимизда тайёрланаётган кадрларга бўлган эҳтиёж қандай? Қайси таълим йўналишларида ўқиш учун республика фуқароларидан кўпроқ аризалар тушмоқда? Институтда тўлов-шартнома асосида ўқиш қай ҳолда? Олиб борилаётган маркетинг тадқиқотлари юқоридаги саволларга жавоб излаши ва оптимал ечимлар топиб институтнинг келажагини белгилаш учун тавсиялар ишлаб чиқиши лозим. Маркетинг бўлими томонидан «Кутубхонашунослик ва библиография» таълим йўналиши бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат: 2000 йилги маълумотларга қараганда Маданият ишлари вазирлигига қарашли 6000 дан ортиқ кутубхона мавжуд. Бу кутубхоналарда ишловчи олий маълумотли ходимлар сони 3000 дан кўпроқ, жумладан, 2000 дан ортиқ махсус олий маълумотлилар ва 1000 дан ортиқ бошқа соҳадан ўтиб ишловчи олий маълумотли мутахассислардир. Демак, Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналарда олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар ишлаши лозим бўлган иш ўринлари сони камида 6000 бўлгани ҳолда амалда 3000 дан ортиқроқ кутубхоначи олий маълумотга эга. Бўлимимиз томонидан ўтказилган сўровлардан маълум бўлдики, 55 ёшдан ўтган олий маълумотли кутубхоначилар сони 150 дан ортиқ, 45 ёшдан 55 ёшгача бўлганлари 1300 дан ортиқ, 1600 дан кўпроқ кутубхоначилар 25-45 ёш орасида.

Республикамиз мактаблари, лицейлар, коллежлар ва олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган кутубхоналарни ҳам эътиборга оладиган бўлсак, умуман республика бўйича олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар учун иш ўринлари сони 16000 дан ортиқ бўлади. 16000 дан ортиқ иш ўринлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш қай аҳволда? Фактларга мурожаат қиламиз.

Институтимизнинг «Кутубхонашунослик-ахборот фаолиятини бошқарув» факультетини 1990-2000 йилларда 960 та мутахассис тугаллаган, маълумотларга қараганда 2001 йили 36, 2002 йили 44, 2003 йили 31, 2004 йили эса 38 талаба «кутубхонашунослик ва библиография» таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалавр даражаси олиши кутилмоқда.

Юқоридаги рақамлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, 16000 дан ортиқ олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар иш ўринлари учун 15 йил давомида 1109 та олий маълумотли мутахассис тайёрланиши мумкин. Мазкур таълим йўналишининг кундузги бўлимини бор-йўғи 15 талаба тугаллади. Буларнинг 8 таси Тошкент шаҳридан, 2 таси Тошкент вилояти, 2 таси Қашқадарё вилояти ва 1 таси Самарқанд вилоятидан. Кейинги йилларда Фарғона водийсидан мазкур йўналишда таълим олаётган талабалар сони кескин камайиб кетган. Андижон вилоятида 508 та, Наманган вилоятида 434 та, Фарғонада 708 та кутубхона фаолият кўрсатаётган бўлса-да, кейинги 15 йилда Андижон вилояти учун 30 та, Наманган вилояти учун 23 та, Фарғона вилояти учун 30 та олий маълумотли кутубхоначи-библиограф тайёрланган. 2000-2001-ўқув йили учун мазкур таълим йўналишига 20 та давлат гранти ажратилган.

Ҳозирги кунда «Кутубхонашунослик-ахборот фаолиятини бошқарув» факультетининг 1-курсида 38 та талаба таълим олмоқда. Маданият институти мазкур таълим йўналишида кадрлар тайёрловчи республикада ягона олийгоҳ.

Демак, 1990 йилда 165 та мутахассис тайёрланган бўлса, 2000 йилда 15 та мутахассис тайёрланди.

Кутубхоналарнинг ҳозирги ачинарли аҳволига асосий сабаб кадрлар тайёрлашдаги талаб ва таклиф орасидаги мутаносибликнинг бузилишидир. Мазкур йўналиш бўйича тайёрланаётган мутахассислар сонини ошириш ва юқори малакали кутубхоначилар тайёрлашда замон талабларига мос усуллардан фойдаланиш зарур. Бугунги кунда кутубхоначилар янги ахборот технологияларидан хабардор бўлишлари лозим. Компьютерларни ишлата билиш, «Интернет» тармоғидан ахборот олиш кундалик ишга айланмоғи лозим.

Мамлакатимизда яратилаётган нашрлар ҳақида хориждаги китобхонларга ахборот бериш ва чет эллардаги фантехника, маданият ва санъатдаги янгиликларни тезлик билан ўз ўқувчиларига етказа оладиган кутубхоначилар тайёрлаш давр талабидир. 2000 йил февраль ойидан бошлаб институтимиз кутубхонаси «Интернет» тармоғига уланди. Бугунги кунда Маданият институти талабалари «Интернет» тармоғи орқали дунёдаги энг сўнгги маълумотларни бевосита ўз кутубхоналаридан олишлари мумкин. «Интернет кафе» орқали дунёнинг хоҳлаган қисмидаги ўз тенгдошлари билан мулоқотга киришишлари мумкин. Мазкур таълим йўналишида олий маълумотли ва юқори малакали 28 та профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган фикрлар асосида кутубхонашунослик ва библиографик таълим йўналиши учун ажратилаётган давлат грантлари сонини имкон қадар ошириш лозим, деган хулосага келиш мумкин. 1998 йили институтга 160 та давлат гранти ва 114 та тўлов-шартнома асосида талаба қабул қилинган. 1999 йили бу кўрсаткич мос равишда 160 ва 120 та бўлган, 2000 йили эса давлат гранти асосида 128 та, тўлов шартнома асосида 195 та талаба қабул қилинган. Ҳозирги кунда институтда тўлов-шартнома асосида таълим олаётганларнинг умумий сони 460 дан ортиқ. Бу рақамлар институтда тайёрланаётган мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Назира ОДИЛОВА, *филология фанлари номзоди,*
Абдулла Қодирийнинг набираси

Авлодлар шукронаси

Мен, халқимизнинг севимли адиби Абдулла Қодирийнинг набирасиман. Онам, Адибахон Абдуллаева Қодирий бобомнинг суюкли қизлари бўлганлар. Учинчи авлодга мансуб бўлсам ҳам Қодирийлар сулоласи бошидан кечирган азоб-уқубатларни мен ҳам яхши биламан. Тоғам — Ҳабибулла Қодирийнинг бобомни оқлаш йўлида югуриб-елиб чеккан заҳматлари, оқибат ўзларининг ҳам жазога мустаҳиқ бўлиб, Сибирь ўрмонларида бошдан кечирган хорлик-зорликларини ўз оғизларидан эшитганман.

Қодирий бобом, умуман, ўзбек зиёлиларининг катта қисми совет замонининг сўнгги чорагида оқланган бўлса-да, аслида мустақиллик йилларига келибгина бизнинг авлод кўкрагига шамол тегди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг фармони билан бобомнинг таваллуд кунига 100 йил тўлишига Абдулла Қодирий Давлат уй-музейи ташкил этилди. Қурилиб, таъмирланиб, ишга туширилди. Адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бобомиз Абдулла Қодирий Ватан олдидаги хизматлари учун мустақил Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, Мустақиллик ордени билан мукофотланди.

Маданият институти, Жиззах Давлат Педагогика институти бобомнинг муборак номи билан аталадиган бўлди. Метрополитен бекати, мактаблар, жамоаю кўчаларга Қодирий номи берилди. Институтимизнинг муҳташам бир хонасида Абдулла Қодирий музейи ташкил этилди. Биз, бу сулола авлодлари, кўлимиздан келганча, ушбу музейни бойитиш, бобомнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида талабаларга кўпроқ маълумот етказиш ҳаракатидамиз.

Бундан ташқари ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида махсус Қодирий бурчаги ташкил этилган бўлиб, унда бобом сиймоси акс эттирилган ҳайкал-тарошлик ва тасвирий санъат намуналари, Қодирий ижоди ҳақида кафедра профессор-ўқитувчиларининг тадқиқотлари ўрин олган.

2000 йилнинг 12 майида Тошкентимизнинг Юнусобод тумани, Шаҳристон даҳасида «Шаҳидлар хиёбони» очилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистонда миллий Истиқлолнинг қарор топиши, мустақил давлатнинг тикланиб, қудратли замонавий мамлакатга айланиш бунёдкори Ислом Абдуғаниевич Каримов катта нутқ сўзладилар. Ўз нутқларида йўлбошчимиз Ўзбекистонимизнинг бугунги мустақил, обод кунлари учун курашиб, ўз жонини қурбон қилган, қарийб бир асрдан буён халқимизнинг кўплаб авлодларини миллий анъаналар, ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялаб келаётган Абдулла Қодирий номини ибрат қилиб кўрсатдилар. Биз, бутун Қодирийлар сулоласи юртбошимизнинг бу юксак баҳоларидан бошимиз осмонга етди.

Ўша анжуманда мен ҳам сўзга чиқиб, халқимизнинг шундай рўшнолик кунларига етишганидан Оллоҳ таолога беадад шукроналар қилдим. Миллатни, халқни, давлатимизни нурли манзиллар томон етаклаб келаётган Президентимизга чуқур миннатдорчилик изҳор этдим.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги авлод чинакам бахт-саодатли авлоддир. Мустақиллик, шу жонажон, жаннатмакон Ватанга эгалик, ворислик туйғуси, айниқса, биз каби қатағон кўрган сулола вакиллари учун ниҳоятда муқаддасдир...

Қуйида улуғ бобом ижодий фаолиятининг бир қиррасига бағишланган мақолани эътиборингизга ҳавола этаман...



Абдулла Қодирий ва миллий маданият

Абдулла Қодирий ўз замондошлари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар каби аср бошида маърифатпарварлик йўлидан борган. Унинг «Улоқда», «Аҳволимиз», «Миллатимизга бир қарор», «Тўй» каби шеърий ва насрий асарлари ҳамда Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси таъсирида ёзилган «Бахтсиз куёв» (1915 й.) пьесасида ана шу маърифатни тарғиб қилиш ғояси бош ўринда туради.

«Бахтсиз куёв» драмаси 4 пардали фожеа бўлиб, унда хизматкор Солиҳ оғир шартлар билан бойдан қарз олиш эвазига уйланади. Лекин тўйдан сўнг қарзини узолмайди, уй-жойини бойга топширишга мажбур бўлади. Ноҳақликка чидай олмай ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганида синглиси Раҳима пичоқни ўз кўксига уради ва жон таслим қилади. Катта орзу-умид билан бахтга интилган Солиҳнинг қарз туфайли бахтсиз бўлиб қолиши кўрсатилади. Адиб бунга сабаб илмсизлик, маърифат ва маданиятдан узоқлик деб билади. Ёзувчи ана шундай жаҳолат, зулмдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ўқиш, маърифатли бўлиш, деган ғояни илгари суради.

Абдулла Қодирий шеър, наср ва драматик асарлардан ташқари қатор мақолалар ёзиб, театр, актёр, кино,

ношир ва ноширлик ишлари, матбуот, сатира ва юмор масалаларини ўртага қўйди. Унинг «Бизда театр ишининг бориши» (1919), «Нашриётчилар ва матбаачилар» (1925), «Қироатхоналаримиз» (1910), «Матбуот» (1922), «Матбуот куни» (1924), «Миллий ашулачимиз» (1925), «Кулги ҳақида» (1926), «Қулдиргувчиларимиз», «Равот қашқирлари» (1927) каби мақолалари ва чиқишлари том маънодаги миллий маданиятимизни тарғиб қилишга йўналтирилган.

Бу мақолаларни мазмун, мундарижаси, хусусиятига қараб уч туркумга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи турдаги мақолалар асосан, матбуот, матбаачи ва матбуот келажаги ҳақидаги қарашлардан иборат. Ўзбекистонда матбуот маданиятининг пастлиги, нашриётларнинг камлиги фан, маданият, санъат ва адабиётнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётганлигини афсусланиб ёзади. Шу туфайли Абдулла Қодирий матбуот-нашриёт ишлари «ислоҳга муҳтождир» деган масалани кўтариб чиқиб, замон талабига мос келадиган полиграфия, матбаа ишларини амалга оширишга даъват этади.

Абдулла Қодирийнинг иккинчи туркум мақолалари санъатнинг турли муаммоларига бағишланган бўлиб, уларда кўпроқ миллий ашула, миллий кино, миллий масхарабозлик, аския ҳақида фикр юритилади. Айниқса, унинг «Кулги ҳақида» (1926) мақоласида кулгичилик тарихи, хусусияти, миллийлиги ва ҳозирги аҳволи ҳақидаги қарашлари ҳам амалий, ҳам назарий қимматга эгадир. У кулгуни ички маъно томонидан учга: а) мутояба (шарж маъносида); б) юмор (ҳазил маъносида); в) сатира (ҳажв)га бўлади. Буларнинг ҳар биридан «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Овсар», «Ўтган кунлар» асарларида қандай фойдаланганлиги ҳақида фикр юритади.

Абдулла Қодирийнинг кичик асарлари орасида яна бир мақола эътиборни тортади. У ҳам бўлса «Миллий ашулачиларимиз. Фалончи Италияда ўқиб қайтдими?» (1925) деган киноялы асардир. Бу фельетон руҳидаги мақолада кўрсатилишича, жумҳурият ҳукумати ва халқи 20-йилларда талантли бир ашулачини тарбиялаш, миллий маданиятга Европа маданиятини омухталаш, умуман миллий ашулачилик санъатини кўрсатиш ва келажагини таъминлаш учун уни Италияга ўқишга юборади. Бу шахс давлат берган ва халқ тўплаб ёрдам қилган пулларни Италияга бормай, Москва ресторанларида айш-ишратга сарф қилиб, маиший бузуқлик йўлига кириб кетганлигини қоралайди.

Абдулла Қодирийнинг яна икки асари борки, буларнинг бири миллий кино санъати, яна бири миллий театр санъати ҳақидадир. «Равот қашқирлари» (1927) фильми таҳлили мисолида ўзбек миллий кино санъатининг туғилишидаги қийинчиликлар, унинг олдида турган муаммолар ҳақида жиддий фикрлар ўртага қўйилади. Жумладан, «Равот қашқирлари» фильмигача кўрсатилган чет эл фильмларининг миллий ҳис-туйғу ва характердан йироқлиги, миллий тарбияга зарар келтириши қайд этилади. Шу билан бирга ўзимизда яратилган «Ажал минораси», «Мусулмон хотин» каби фильмлар ҳақиқий ҳаётдан анча узоқлиги, ҳаёт ҳақиқатига мос келмаслиги, «афсоналар» билан тўлалиги кескин танқид қилинади.

Томошабин мазкур фильмларни кўриб «Турмушимиздаги шундай гапларни биз билмас эканмизда» деб мутойиба қилишгани айтилади. Шу жиҳатдан «Равот қашқирлари» фильми ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатга анча мослиги, унда иштирок этган актёрларнинг жонли, ишончли ва маҳорат билан ўйнаганлиги алоҳида қайд этилади. Айниқса, ўша вақтда мазкур фильмга тақриз ёзган Гафизнинг «Правда Востока» (1927) газетасидаги «Ҳақиқат йўқ» деган фикрига қарши ёзувчи «Ҳаёт бор, хаёл йўқ» деган қатъий жавоб қилади.

Мақоланинг яна бир муҳим хусусияти шуки, фильмларнинг сценарийси миллий ёзувчилар томонидан ёзилиши зарурлиги, борди-ю, европалик ёзувчилар сценарий ёзса, ўзбек ёзувчилари ҳамкор бўлишлари шартлиги ҳақидаги фикри якин кунларгача ҳам ҳал этилмаган ҳаётий муаммо бўлиб келди. Адиб шу мақолада, шунингдек, фильмда иштирок этувчи барча актёрлар ўзбек бўлиши, бўлмаса миллий хусусиятларга путур етиш хавфи борлигини кўрсатади.

Абдулла Қодирийнинг биз учун алоҳида қимматга эга бўлган яна бир асари «Бизда театру ишининг бориши» («Театр ва музика») мақоласидир. Бу мақола 1919 йилда «Иштирокиюн» газетасининг 11 декабрь сонида босилган. Ёзувчининг миллий халқ театри аҳволи, тарихи, келажаги, назарияси, актёр ва унинг маҳорати, драма ва унинг саҳнавий талқини, миллий сценарийчилик, мунаққид ва режиссёрлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари кишини ҳайратга солади.

Абдулла Қодирий театр асосини драма асари ташкил этгани ҳолда унинг санъат асарига кўчиши саҳнавий талқин орқали ҳал бўлишига алоҳида урғу беради. Шу туфайли ҳам адиб ўша даврда масхарабозлик, қизиқчилик руҳида тарбияланган айрим мутахассисларнинг театрни бир эрмак деб сафсата сотишларига кескин зарба беради, унинг санъат асари эканлигини айтади. Шу билан бирга «Театру, — дейди ёзувчи, — турмушдаги етишмаган ва ортиқча ерларни кўз олдимизда маҳкум этиб кўрсатувчи бир ойнадир». Адиб мақолада драма, комедия, трагедия жанрларининг ўзига хос фарқи-тафовути, хусусияти ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. Жумладан, «Комедия деганда нима тўғри келса, шундан кула бермак эмас, балки ўзининг туб шартига мувофиқ этиб кулмоқ ва адабиёт тарозусига солиб кўрмоқ керакдир», — деб ёзади адиб. Худди шу ўринда ёзувчи драма деб аталган айрим асарларнинг мавзуи билан мазмуни, қаҳрамон билан унинг нутқи, характери ва унинг саҳнавий ҳаракатининг мос келмаслигини кўрсатиб ўтади. Мисол тариқасида Хуршиднинг «Жадид ва Қадим» номли драмасини келтириб, ундаги ғоявий-бадиий ва саҳнавий нуқсонларни очиб беради.

Демак, ўзбек миллий театрини ривожлантириш адиб фикрича, актёр, саҳнавий безак ва ҳаракатлардан ташқари биринчи галда етук драма асарлари яратиш билан боғлиқдир. Бу ишга профессионал драматург-санъаткорни жалб этишни ва бу борада талантли ёш драматургларни тарбиялаш зарурлигини уқтиради.



Маҳмуд САТТОРОВ, *ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти*

Тоғай Муродни таниш

(Мустақиллик адабиётининг туғилиши)

Тоғай Мурод билан университетда бир даврда (1966-71) ўқиганмиз. У журналистика бўйича, мен филология соҳасидан сабоқ олганмиз; у Сурхондарёда, мен Қашқадарёда туғилганман. Бир замин, бир феълли одамлар фарзандлари эканлигимиз шундан.

Собир Мирвалиев «Ўзбек адиблари» деган китоб ёзадиган бўлди. Мен «Ўзбек удумлари» деган китоб ёздим. Профессор менга ўз китобига масъул муҳаррирлик қилишимни таклиф этди. Жон деб рози бўлдим. Мирвалиев Тоғай Муроддан автобиографик маълумот ололмай қийналди. Охир-оқибат мендан илтимос қилди. Мен Тоғай Муродга (Менгноров) қўнғироқ қилдим.

— Э, дўст, — деди у, — мени Мирвалиев деган профессор йўқлатибди. Саид Аҳмад айтди. Ўзим ҳақимда маълумот ёзиб берар эмишман. Ёзиб бермайман, дедим. Танимаган одамимга ўзим ҳақимда фикр беролмайман, дедим...

— Сиз менга қулоқ солинг, оғайни, — дедим унга. — Бу китоб — маълумотлар мажмуаси. Ўзбек адиблари ҳақида ихчам саҳифалардан иборат. Юздан ортиқ ёзувчилар кирган. Ўзбекнинг энг зўр наср устаси кирмай қолса, уят бўлмайдими!? Сиздан нима кетди! Таниш-танимасликнинг нима аҳамияти бор?

— Сизга жоним билан, дўст, — деди у. — Ҳамма маълумотни бериб юбораман. Саид Аҳмад китобимга ёзган сўзбоши бор. Ҳали эълон қилинмаган. Шуни ҳам юбораман. Ўз таржимаи ҳолимни ихчам баён этиб, қаерда туғилдим, ўқидим, хизмат қилдим, нима ёздим, ҳаммасини айтаман. Фақат китоб чиққач, 20-30 тасини менга берасиз. Пулимга оламан. Дўст-душманга, мана ман, дейман. Тоғай Муродман, дейман. Мен ҳақимда ёзишибди, дейман. Кўрсатаман. Сўраганларга бераман. Келишдикми?

— Келишдик, жўра, — дедим. — Фақат у маълумотларни Сиздан қандай оламан? Маъсума ҳалиям Ғафур Ғуломдами?

— Ҳа, ўша ерда муҳаррир, —жавоб қилди Тоғай Мурод.

— Ундай бўлса, Маъсумадан бериб юборинг. Мен жума куни пешиндан кейин бориб оламан.


Маълумотларни айтилган кун Ғафур Ғулом номидаги нашриётга бориб, ёзувчининг турмуш ҳамроҳи Маъсума Аҳмедовадан олдим. Тоғай Муроднинг таржимаи ҳолига доир саҳифалар ўз қўли билан томдан тараша тушгандай тик ёзилган эди. Саид Аҳмаднинг «Тоғай Муроднинг қўшиқлари» деган китоб сўзбошиси майин бир оҳангдай жозибали, ипакдай мулойим битилганди. Шулар асосида мен Тоғай Муроднинг ихчам «портрети»ни ёздим. Айрим адабий хулосаларни, худонинг ўзи кечирсин, Саид Аҳмаддан ўғирладим. Мирвалиевга енгил бўлиши учун Тоғай Муроддан ташқари кўнглимга яқин, айрим тенгдош ижодкорлар портретларини ҳам ўзим ёзиб қўя қолдим. Ёзувчининг ихчам портрети бу турур:

Тоғай Мурод

(1948)

Тоғай Мурод (Менгноров) ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилидир. У 1948 йили Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги 43-ўрта мактабни 1966 йилда тугаллаб, ўша йили Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кирган. 1972 йилда университетни муваффақиятли тамомлаган. Республика радиоси «Ватандошлар» таҳририятида бўлим муҳаррири бўлиб 1976 йилгача хизмат қилган.

Тоғай Мурод 1973-1974 йилларда Армия сафларида хизмат қилиб қайтди. 1976-1978 йилларда эса «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномасида таржимон, 1982-1984 йилларда «Фан ва турмуш» ойномасида бўлим муҳаррири бўлиб ишлади. 1985-1987 йилларда Москвада, М.Горький номидаги жаҳон адабиёти олийгоҳида таҳсил олиб қайтди. Ёзувчи ўз ижодини 1976 йили «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан бошлади. Бу қисса ўзбек адабиётига туғма истеъдод эгаси кириб келаётганидан дарак берди. Қиссада Бўри полвон, Тиловберди, Абил полвон образларида ўзбек миллий кураши бадиий ифодасини



топди. Адибнинг 1979 йилда битилган «От кишнаган оқшом» қиссаси бу умидни чинакам ҳақиқат, ишончга айлантирди. Асар бош қаҳрамони Тарлон от китобхон қалбига қадрдон бир одамдай кириб борди.

Ёзувчининг 1980 йили чоп этилган «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси ўзбек миллий адабиётининг ноёб намунаси бўлди. Қисса қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомо фарзанд орзуилинжида кун, ой, йилларни бир-бирига улаб яшашади. Ҳали туғилмаган боланинг бобоси, момоси бўлиб зурриётни, бир-бирларини ардоқлашади. Асар қаҳрамонлари фожеаси умид ва ёруғликка тўла мунгли, ҳазин қўшиқ қилиб куйланади.

Тоғай Муроднинг 1985 йили битилган «Момо Ер қўшиғи» қиссаси ўз ғояси, адабий йўналиши билан ўзга қўшиқ-қиссаларидан ажралиб туради. Қиссада миллий заминдан оёғи узилган, Ватан тупроғида яшаб, юрагида юрт туйғуси бўлмаган, 80-йиллар мафкураси қурбони, Ғарб адабиётига сиғинди банда бўлиб қолган ижодкор образи ўзбекона киноя билан тасвир этилади.

Тоғай Мурод истеъдодли таржимон ҳамдир. У 1974-1975 йилларда Ж.Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси ва кўпгина ҳикояларини ўзбек тилига ағдариб нашр эттирди. 1989 йили Э.Сетон-Томпсоннинг ҳайвонлар ҳақидаги машҳур «Ёввойи йўрға» китобини маҳорат билан таржима қилди.

У 1986-1992 йиллар давомида ўзининг илк романи «Отамдан қолган далалар» асарини битди. «Отамдан қолган далалар» — рамзий роман. Унда умр бўйи кетмон чопиб, мустамлака юртда косаси оқармай келган ўзбек халқи сиймоси Деҳқонқул образи тимсолида тасвир этилади.

Ёзувчи айни камолот ёшида янги ижодий ниятлар устида ишламоқда.

* * *

... Адабиёт бизларни бирлаштиради. Тоғай Мурод унинг ичида. Мен унинг атрофида.

* * *

Президент Ислом Каримов 1993 йили ўзбек зиёлиларини йиғиб, адабиёт, санъат, маънавият тўғрисида суҳбат қилди. Бу анжуманда Озод Шарафиддинов, бугунги кунда ҳам ўзбекнинг яхши ёзувчи-шоирлари зўр асарлар ёзишаётганию фақат уни нашр қилиш мушкул вазифа бўлиб қолаётганлигини айтди. Президентнинг «қандай янги, зўр асарлар пайдо бўлди?" деган саволига Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи бугунги кун ўзбек адабиётида воқеа бўлгани, бироқ уни чоп этиш осон кечмаётганлигини куйиб-пишиб баён қилди.

Президент: «Ундай бўлса, Тоғайга бир журнал очиб берайлик, зўр асарларини бемалол чоп этсин» деган фикр билдирди. Ўткир Ҳошимов сўз олиб журналлар етарли, жумладан, Тоғай Мурод асарини «Ёшлик» босгани, «Шарқ юлдузи» ҳам жон деб босишини айтди...

* * *

1999 йилнинг сентябрида мустақиллик байрами муносабати билан Тоғай Мурод сценарийси асосида Шуҳрат Аббосов режиссёрлигидаги «Отамдан қолган далалар» икки серияли кинофильм телевизорда намойиш қилинди. Бу орада байрамолди Давлат мукофотлари олганлар рўйхатида Тоғай Муроднинг ҳам Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига лойиқ топилгани эълон қилинганди. Бор эканку ҳақиқат.

* * *

Бир куни адабиёт муаллими билан китоб дўконига кирдик. «Зиёкор» магазинида янги чиққан китоблар кўп экан. Банк, молия, иқтисод, ҳуқуқшунослик, сиёсат. Бадиий асар нисбатан кам. Илмий-тарихий асарлардан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома"си бежирим нашр қилинган. Шуларнинг қаторида Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи турибди. Биттасини сотиб олдим. Кеч соат 4 да ҳамкасбимиз Эркин Худойбердиев «Адабиётшуносликка кириш» деган дарслиги учун мукофот олганига чойхонада ош қилиб берди. Собир Мирвалиев учаламиз бўлдик. Наримон ака келолмади. Уйга қайтиб, «Отамдан қолган далалар»ни варақладим. Сўнгсўз сифатида ёзилган «Мен»ини ўқидим. Бир хил бўлиб кетдим. Секин болалардан паналаб, компьютер хонага кирдим. Оила аъзоларим олдида йиғлаб юборишдан чўчидим. «Мен қишлоғимга қайтдим, — деб ёзади адиб, шаҳарда (Тошкент) иши юришмай, руҳи тушган дамларини хотирлаб. — Онам сандиқ ковлади. Латталар остидан бир тугунча олди. Тугунчани уч-тўрт айлантириб очди. Тугунчадан бешолти сўм пул чиқди. Онам шу пулни менга узатди. Шунда мен бир бошқа бўлиб қолдим. Мен ташқарига отилиб чиқиб кетай дедим. Бу пул... онамни... ўлимлик пули бўлди. Мен деворни ушлаб қолдим. — Олмайман, — дедим.

— Ол, сен шоир бўлсанг бўлди, ол! — деди онам.

— Йўқ, — дея бош чайқадим.

— Ол, сен шоир бўлмагунингча, мен ўлмайман, — деди онам. — Мен сенинг шоирлигингни кўрмагунча ўлмайман...

Мен тағин Тошкент қайтдим».

Адибнинг дил розини ўқиб, кўнглим бузилиб кетди. Олдинига индан, кейин баралла йиғладим. Ётиб ухлаб қолдим. Азонда туриб қилган ишим Тоғай Муроднинг романи мутолааси бўлди.

* * *

Садриддин Айнийнинг «Қуллар» эпик полотноси 1931-34 йилларда ёзилиб, 1934 йили ўзбек, 1936 йили тожик тилларида дунё юзини кўрди.

Романда қуллар ижтимоий тақдирининг уч босқичи уч авлод мисолида тадрижий баён этилади. Тарихий жиҳатдан адиб Ўрта Осиё ҳаётининг 1825-1932 йиллар — бир асрдан зиёд босқичининг бадиий картинасини яратди.

Тоғай Мурод XX асрнинг сўнгги чорагида яратган «Отамдан қолган далалар» романида ҳам қуллик мавзуига қайтиб, тарихий яхлит бир босқични 1865-1991 йиллар — 126 йиллик асорат, миллий маҳдудлик, мутеълигу ўзга халққа қарамлик даврини қаламга олди.

«Қуллар»да Айний Абдураҳимбойнинг интеллектуал (фикрловчи) мулки Неккадамни биринчи авлод вакили сифатида тасвирласа, Т.Мурод «Отамдан қолган далалар»да покиза чорбоғига ногаҳон ифлос чўчқа оралаган Жамолиддиннинг ўз руҳи ва рўзғорини янгилаш йўлида бу жаннатмакон манзилни тарк этишини биринчи авлод қисмати сифатида бадиий талқин қилади.

Бу икки замондошнинг фарзандлари бўлмиш иккинчи авлод вакиллари «Қуллар»даги Эргаш, «Отамдан қолган далалар»даги Сурхони Ақраб образларида андак ўхшашлик бор. Бу яқинлик ҳар иккисининг инқилоб — «қизиллар» салтанати дастлабки даври авлодлари эканлигида кўринади.

С.Айний талқинида Эргаш «қизиллар»га мойил, «қизиллик»дан моддий ва маънавий манфаатдор. «Қизиллик» унинг тақдири аъмоли. Унда ҳеч қачон бўлмаган ҳокимият гарови. Тоғай Мурод тасвирида эса Сурхони Ақраб («Сурхон» сўзида Ватан рамзидан ташқари, «қизил» ишораси ҳам бор — М.С) замонасининг Жалолиддини каби қўлдан кетган эркини қайтариш, босқинчини мўътабар Ватандан ҳайдаш мақсадида яшайди.

Айнийда қизиллар либосини кийган «халоскор» Эргаш, Т.Мурода «босмачи» ёрлиғини олган фидойи Ақраб бир миллат, бир замин, бир замон фарзандлари, тенгдошлар. Икки қутбдаги бу икки характер икки санъаткор талқинида бир замоннинг икки қаҳрамони даражасига кўтарилади. Эргаш — новатор, янги тузум тарафдори, советпараст. Ақраб — консерватор, эски тузумни ёқловчи миллатпарвар.

Айнийда Эргаш қуёши чиқаётган, бозори қизиётган қатлам — йўқсиллар, қуллар, ялангоёқлар — ҳамманинг ўзидай, бирдай бўлишини истайдиган инқилобчи. Ақраб — Тоғай Мурода қуёши сўнаётган, бозори қайтаётган, бор мол-давлати эрку ҳақ-ҳуқуқига қўшиб талон-торож қилинган аблаг шахс.

Учинчи авлод вакили Сафарқул — қул бозоридан сотиб олинган Неккадамнинг набираси. «Қизил»лар замонига келиб, қишлоқ советининг раиси — хўжайинга айланди. У энди жамиятнинг олди, авомнинг боши.

Ёзувчи Тоғай Мурод романининг учинчи авлод вакили — Деҳқонқул худо ургани етмагандай, пайғамбар ҳам ҳассаси билан турткилаб ўтган бир нобакор, ота-боболари, авлоду аждодларини, умуман одамлигини мутлақо унутиб бўлган манқурт.

Садриддин Айний — қулдан хўжайинлик даражасига кўтарилиш динамикасини бадиий ҳақиқатга айлантирса, Тоғай Мурод хўжайиндан қулга айланиш жараёнини адабий санъат қилиб кўрсатди. Назаримда, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи билан Садриддин Айнийнинг «Қуллар» эпопеяси, ўзбек халқининг қуллик психологияси ниҳоясига етди. Ниҳоясига етгани, барҳам топгани рост бўлсин...



Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти

САНЪАТ ЭКАН МЕНИНГ НАСИБАМ...

«Рўйи замин сайқали» Самарқандда туғилиб-ўсганман. Самарқанд — илм-фан, санъат-адабиёт, ижод рамзи. Мен ҳам ҳаётимдаги, санъат соҳасидаги эришган барча ютуқ ва муваффақиятларимни она шаҳрим Самарқанд номи билан боғлайман. Болаликда онанг, туғилиб ўсган тупроғингни қанчалик севсанг, улғайгач, Ватанинг — Ўзбекистонни кўз қорачиғидай асрагинг, унинг шуҳратини бутун дунёга ёйгинг келаверар экан...

Санъат, қўшиқ, мусиқа сеҳри билан дунёнинг жуда кўп мамлакатларига саёҳат қилдим. Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва ҳатто «сеҳрли диёр» — уммон орти Америка қитъасида концертлар бердик. Ҳамма ерда ўзбек маданияти, санъатини мазкур мамлакат халқига манзур қилардик. Одам мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайди, дейишади. Қанчалар дунёни таниганинг сайин Ватанинг қадри ортиб бораверар экан.

Самарқанд каби қалбимга яқин манзиллардан яна бири мустақил давлатимизнинг пойтахти, шаҳри азим Тошкентдир. Пешонада ёзилган бўлса керакки, Самарқандда униб, ўсиб, Тошкентда яшаб ижод қилмоқдаман. Болаликда Тошкент деганда кўз ўнгимда муҳташам Навоий театри ва унинг олдидаги пахта чаноқли гўзал фаввора гавдаланар эди. Ақлимни таниганимда, санъат соҳасида олий маълумот олишим муносабати билан бир камтарин манзил кўнглимга яқин бўлиб қолди. Бу — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг мактаб биносига жойлашган ўқув корпуслари. Шаҳар чеккасидан макон топган бу даргоҳ ўз номига мос маърифат, адабиёт-санъат, маданият маркази, ижод боғи эканлиги билан биз каби шогирдлар кўнглидан чуқур ўрин олган. Мен ҳам шу институтнинг «Халқ бадиий ижодиёти» факультетида беш йил сиртдан ўқидим. Не-не санъатсевар фидойи домлалардан сабоқ олдим. Институтнинг мўъжаз, бироқ ҳамиша уйғоқ кичик залида концертлар тинглаб, не-не ҳаяжонли лаҳзаларни бошдан кечирганмиз.

Маданият институти шаҳарнинг узоқ чеккасида эмас, балки Тошкентнинг гавжумроқ, марказроқ жойида бўлишини орзу қиламан, десам кўпчиликнинг дилидаги гапни айтган бўламан.

Ўзбекистоннинг санъат кабутарлари бот-бот жам бўлиб, бир-бирлари билан дийдорлашадиган уч марказни биламан. Бу — Ўзтелерадиокомпания, Маданият институти ва Консерватория. Маданият институти ижодкорлар уйи, истеъдодлар чашмасидир. Санъат соҳасига эндигина атак-чечак қадамлар қўяётган бошловчи талантдан тортиб, халқ меҳрини қозонган катта санъаткоргача бу даргоҳга бирдек толиблик таъзимини бажо келтиради.

Мен ҳозирги кунда институтда таҳсил олаётган ва унга кириб ўқиш орзусида бўлган истеъдодли ука-сингилларимга: «Олтин давр»нинг қадрига етинг, бебаҳо ёшлигингизни ҳавога совурманг, ижод, санъат, маданият чўққиларини забт этинг, биз етолмаган манзилларга, сарҳадларга Сиз етинг» деган тилакларим бор.

АНВАР... ҒАНИЕВМИ ЁКИ САНАЕВ?

Мактуб

«Ҳурматли таҳририят! Мен Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани «Сурхон» жамоа хўжалигидан Абдусамад Номозов бўламан. Бу йил ўрта мактабни тугатиб, Тошкентга, Маданият институтига ўқишга бормоқчиман. Радиодан Анвар Ғаниевми, ё Санаев (ҳозир эсимда йўқ) билан суҳбат берилганда унинг Маданият институтида ўқиганлиги айтилганди.

Ҳозирги кунда ёшлар орасида Анвар Ғаниев ҳам, Анвар Санаев ҳам жуда машҳур. Иккаласининг ҳам ўз эстрада йўли бор. Уларнинг қайси бири А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида ўқиган? Шуни аниқлаб жавоб қилсангиз...»

Журнал таҳририяти муштарий мактуб-саволини Тошкент Давлат Маданият институти ҳодимлар бўлимига йўллаб, унинг бошлиғи М.Раҳимовадан қуйидаги жавобни олди:

«Қадрли Абдусамад Номозов! Саволингизга жавоб сифатида шуни маълум қиламизки, республикамизнинг жуда кўп номдор санъаткорлари бизнинг Маданият институтимизда таҳсил кўришган ва ҳозирги кунда ҳам кўплаб истеъдодлар таълим олишяпти. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Ортиқ Отажонов, Маъмуржон Тўхтасинов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Муҳриддин Ҳолиқов, Маҳмуджон Азимов, Рушана Султонова, Оролмирзо Сафаров, Сайёра Қозиева ва бошқа ўнлаб Сизга номлари яхши таниш бўлган санъаткорлар бор.

Қизиғи шундаки, Сизни қизиқтирган Анварларнинг қай бири эмас, балки ҳар иккаласи ҳам А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг кундузги бўлимини битказишган. Анвар Ғаниев 1988 йили «Ашула ва рақс» гуруҳини, Анвар Санаев эса 1993 йили «Оркестр дирижёрлиги» бўлимини битказиб, ҳаётга йўлланма олганлар...»

Азиз ҚАЮМОВ,
академик, Маданият институтининг биринчи ректори

Алишер Навоий – библиограф



Шарқ адабий манбашунослигида библиографияга кенг ўрин берилган. Турли даврларда яшаб ижод этган шоирларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот берувчи тазкиралар тузилган. Уларда ўша шоирларнинг асосий асарлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбек тилида (у вақтларда туркий тил деб аталган) биринчи бор тазкира тузган олим Алишер Навоийдир. Унинг қаламига мансуб «Мажолис ун-нафоис» («Нафис йиғинлар») тазкирасининг қўлёзма нусхалари бизгача тўла етиб келган.

«Мажолисун-нафоис»да Навоий ўзигача ўтган ижодкорларга бир бўлим бағишлайди. Сўнгра эса ўзига замондош бўлган шоирлар ва фозиллар тўғрисида маълумот беради. Бу китобда ўзбек ва тожик тилларида шеър ёзган шоирлар баравар кўрсатилган. Навоий шоирларни қайси тилда ёзганига қараб ажратмайди. Бу истеъдодларнинг кўпи ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида шеър ёзганликлари инобатга олинса, бундай ёндашувнинг тўғри экани очиқ кўринади.

Навоий Котибий ижоди тўғрисида ёзади: «Мавлоно Котибий ўз замонининг беназири эди. «Ва маснавийлари ҳам мисли «Тажнисот», «Баҳрайн», («Икки баҳрли») ва «Зул қофиятайн» («Икки қофияли») ва «Ҳусн ва ишқ» ва «Носир ва Мансур» ва «Баҳром ва Гуландом» бор. Аммо ғазалиёт ва қасоид девони машҳурроқ ва яхшироқ воқеъ бўлубтур. Охири умрида «Хамса»га татаббуъ бунёд қилди...» (Ж. 13 с. 15). Шундан маълум бўладики, Котибий бир неча достонлар ва яна «Хамса» битган. Аммо унинг шеърлар тўпламлари халқ орасида кенгроқ шуҳрат топган.

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний тўғрисида ёзар экан, Навоий унинг «Қасидаи Бурда»ни мухаммас қилгани, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозилус-сойирин» асарига шарҳ ёзгани тўғрисида хабар беради.

Мавлоно Ҳусайн Хоразмий тўғрисида сўзлаб Навоий бу кишининг «Мақсади ақсо» («Сўнгги мақсад») номли асари борлиги; унинг Жалолиддин Румийнинг маснавийсига шарҳ битгани, «Қасидаи Бурда»га Хоразмий ўзбек тилида шарҳ ёзганини билдиради. Яна бу кишининг «ўзга мусаннафоти» (асарлари) борлигини ҳам ёзади (с.13).

«Насоимул-муҳаббат» асарида Навоий турли даврлардаги мутафаккирлар ва шоирлар тўғрисида ҳикоя қилади. Шунда уларнинг қандай асарлар яратганликлари тўғрисида ҳам сўз юритади.

Низомий тўғрисидаги мақолада Навоий ёзади: «Аларнинг беш маснавийси, «Панж ганж»га машҳурдир...

«Искандарнома» тарихики, аларнинг китобларининг охиридур, беш юз тўқсон икки эқандур» (592 й. ҳ. 1195-1196й.м.).

Ҳофиз Шерозийни таърифлар экан, Навоий: «У ғайб тилини билувчи ва сирларни таржима қилувчидир. Ғайб сирларини ва ҳақиқатнинг маъносини сўз кийимининг гўзаллиги орқали ва мажоз (дунёвийлик) либосида кўрсатадир... Ҳофиз девонидан яхшироқ ҳеч бир девон йўқ...»

Шайх Авҳадиддин номли шоир тўғрисида «Ва анга шеър девони бор... Ва «Жоми Жам» отлиғ маснавийси бор. Шайх Саноийнинг «Ҳадиқа»си услуб ва вазни била. Ва Саноийнинг «Риоя» қасидасиға яхши жавоб айтибдур», деб ёзади (Ж. 15.с. 176).

Навоий ўз дўсти, маслакдоши, устози ва пири Абдураҳмон Жомийни (1414-1492) жуда эъзозлар, барча эзгу ишларда бу улуғ шоир ва мутафаккирни ибрат деб билар эди. Мутафаккир ўзининг айрим асарларида Жомий қаламига мансуб ижод намуналарини алоҳида қайд қилиб ўтади. «Насоимул-муҳаббат»да Навоий ўз устози Жомийга махсус мақола бағишлаган.

Бу мақолада ўқиймиз: «Назм ва наср таснифларидан элликка яқин борки, замон аҳли андин баҳраманддурлар. Назмларидан уч девондур. «Фотиҳатуш шабоб»қа машҳур; иккинчиси «Воситатул иқд»қа маъруфдур ва учинчи «Хотиматул ҳаёт»қа мавсум... Ва маснавийдан «Ҳафт авранг»дур, етти дафтар тартиб топибтурки, «Туҳфатул аҳрор» ва «Силсилатуз заҳаб» ва «Юсуф ва Зулайҳо»ни «Ошиқ ва Маъшуқ»қа мавсумдур ва «Лайли ва Мажнун» ва «Хирадномаи Искандарий» ва «Сибҳат ул-аҳрор» ва «Саламон ва Абсол»дур.

Ва насрларидан «Тафсир»дур ва «Шавоҳидун нубувват»дур ва «Нафоҳотул унс» ва «Шарҳи «Фусус» ва «Ашиъатул ламаъот» ва «Лавоеҳ» ва «Лавомеъ» ва «Шарҳи рубоиёт»дур. Чун барчаси аларнинг «Куллиёти»да мастур ва мазкурдур» (Ж.15 с. 184-186).

Жомий тўғрисидаги бундай маълумот Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида ҳам бор. Яна Навоий устози Жомийга бағишлаб махсус «Хамсатул мутаҳаййирийн» китобчасини ёзган.

Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил тўғрисидаги муҳокама») асарида шоирнинг ўзи ёзган асарлар тўғрисидаги маълумоти мавжуд. «Муҳокаматул-луғатайн»да Навоий ўзининг қисқача автобиблиографиясини ҳам келтирган.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Навоий асарларида библиографик материал кўп. Уларни замонавий библиографик услуб ва метод ёрдамида тадқиқ этиш, илмий истифодага киритиш ўзбек библиографиясининг галдаги вазифаларидандир.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси

Ойбек домла тақдири каби....

... 30-йиллар охирларида қатағон тўлқинидан омон қолган Ойбек домла ҳамма фуқаролик ҳуқуқларидан мосуво бўлиб, ишдан қувилади. Тирикчилик манбаидан бутунлай маҳрум бўлади. Куни Зарифа опанинг арзимас хизмат моянасига қараб қолади. Ана шундай оғир дамларда Ойбек истеъдодининг ашаддий мухлиси Жуманиёз Шарипов ўзи директорлик қилиб турган «Ўқувпеддавнашр» (ҳозирги «Ўқитувчи») нашриётига домлани таклиф этиб, ўзбек тили ва адабиёти редакциясига муҳаррирлик лавозимига тайинлайди. Ҳозирги замон тили билан айтганда, ижодкорга шундай ижтимоий буюртма беради: «Оға, Сиз грек, рим адабиётини яхши биласиз. Ишга чиқмасангиз ҳам, уйда бу адабиётни рус китоблари асосида таржима, таҳлил ва таҳрир қилинг. Қўлёзмани пешма-пеш нашриётга етказиб туринг. Хизмат ҳақи таъриф ставкасидаги ойлик маош».

Устоз Ойбек бир йилдан ошиқроқ вақт мобайнида «буюртма» устида ишлади, ниҳоят, 1940 йилда «Лотин адабиёти» номли антик адабиёт тарихи, тадқиқи, асосий асарлар хрестоматик намуналари берилган китоб-қўлланма дунёга келади...

Муқояса қилиш ўнғайсиз бўлса-да, бу воқеани эслаганимнинг боиси мен ҳам 70-йилларнинг охирларида қарийб Ойбек домла ҳолатига тушиб қолганман. Асарларим чоп этилмади, ўзим ишсиз қолдим. Тирикчилик манбаи қуритилди. Шундай мураккаб вазиятда ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият инситутига, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига мени ўқитувчиликка ишга таклиф этишди. Ҳиммат номдор адабиётшунос олим, институт ректори, муҳтарам Азиз Пўлатович Қаюмов томонидан бўлган. Шу зайлда бир муддат у ерда домлалик қилганман.

Бу институт билан мени кўп яхши таассуротлар ҳамиша боғлаб туради. Ҳозирги ректори Азиз Оппоқович Тўраев ҳам 70-80-йилларда менга қарши компания ҳужумларида адабиётсанъат ҳомийси бўлган камёб раҳбар сифатида бир неча бор жонимга оро кирган...

Кафедрада Иброҳим Азимов, (бевақт ўтиб кетди, Оллоҳ раҳмат қилсин), Норқул Бекмирзаев, Гулчеҳра Расулова каби ёш, истеъдодли домлалар ўшанда ҳам мени ўтирғизгани жой топишолмас, ҳамюрт, ҳамшаҳримиз деб еру кўкка ишонишмасди. Мудир Собир Мирвалиев ижодий фаолиятим учун муайян шароит яратиб берган эди...

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти менинг тақдиримга, таржимаи ҳолимга халоскор олий даргоҳ бўлиб кириб қолган...

Тошкент, Дўрмон.
2001 йил, март.



Хайрихоҳ

Ҳамдам ахтаради ҳар қандай одам,
Дўстим деб атайди топса бегумон.
Дўст излаб беҳуда кезгунча олам,
Оёғинг остига боқсанг-чи, инсон!
Мунис кўзларини тикиб, мўлтираб,
Болакай юзингдан узмайди нигоҳ.
Унда не мурод бор? Унда не талаб?
У сенга сомеъдир, сенга хайрихоҳ.
Изингдан термулиб қолди кекса чол,
Кўзда таважжуҳи, дуоси тилда.
У сенга тилади барака, иқбол,
Яна бир хайрихоҳ топибсан элда.
Сен ғаним атаган қай битта инсон
Сен учун қайдадир чекди танҳо оҳ.
Ўша ҳасрат ҳаққи келтиргум имон,
У сенга хайрихоҳ, чиндан хайрихоҳ.
Хайрихоҳ одамлар бетамаъ ҳамдам,
Олам бир бутундир шу иноқликдан.
Ахир муҳаббат ҳам, ахир дўстлик ҳам
Бошланган эмасми хайрихоҳликдан?
Улар бор — руҳингга ғам келмас ғолиб,
Майли, гадо бўлгил, майли бўлгил шоҳ.
Гар дўст йиқитса ҳам оёғинг чалиб,
Бошингни силайди ўша хайрихоҳ.

1978.

Абдулла ОРИПОВ шеъри
Раҳматжон ТУРСУНОВ мусиқаси


Соҳибқирон Темур

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.
Темурбек юлдузи «Олтин қозиқ»дек
Чарақлар буюклар қаҳқашонида.

Жаҳонни мўғуллар истилосидан
Қутқариб қологан барлосий ботир.
Қочолмай тарихнинг тақозосидан
Фотиҳ деб, ном олмиш ўзи ҳам охир.

Энг олий бинолар мужассам бўлмиш,
Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор.
Темурбек жанг жадал шавқига тўлмиш
Қўлида шамширу тагида тулпор.

Саъй-ниятларга руҳингиз сардор,
Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик.
Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,
Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик.



Раҳматжон ТУРСУНОВ, *профессор*

Темурийлар даврида мусиқа

Темурийлар даврида вояга етган файласуфлар, шоирлар, санъаткорлар, меъмор ва ҳунармандлар жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшганлари барчага маълум. Афсуски, бу давр маданияти, илм-фани, айниқса, мусиқа санъати бадиий-эстетик қадр-қиймати чуқур ва тўла ўрганилган, деб айта олмаймиз. Ҳолбуки, темурийлар давридаги расмий, дипломатик, ҳарбий тантаналар, байрамлар, қабул, зиёфатларда хонанда ва созандалар фаол иштирок этганлар. Халқ томошалари ўзига хос мусиқа байрамига айланган.

Манбаларда келтирилишича, ўзбек мумтоз мақом санъати билан бирга ҳарбий-расмий мусиқа турлари, фольклор ривож топди. «Амр қилдимки, — деб ёзади Темур ўз «Тузуклар»ида, — қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар».

Мазкур манбанинг яна бир бўлими Амир Темурнинг халқ чолғу асбобларига бўлган муносабатини яққол намоён қилади. «Амр қилдимки, ўн иккита амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, туман туғи ва чортуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора берсинлар. Тўрт беглар-бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берсинлар».

Қизиғи шундаки, Соҳибқирон амрига биноан миллий чолғу асбоблари қонуний равишда ҳоким ва лашкарбошиларнинг ижтимоий ва ҳарбий мавқеини белгилаб берувчи тимсолга айланди. Темур даврига хос бўлган маънавий кўтаринкилик мусиқа санъатининг деярли барча соҳалари учун кенг имконият туғдириб берди. Созандалик ва хонандалик, мусиқа таълими, бастакорлик ижоди, мусиқа илми камол топди. Асрлар қаърида шаклланган анъанавий «устоз — шогирд» усули кенг қулоч ёйди. Бу жараён, нафақат Темур салтанатининг пойтахти Самарқанд, балки унинг авлодлари ҳукмдорлик қилган бошқа шаҳарларда ҳам давом этди.

Соҳибқироннинг мусиқа асбобларига бўлган меҳрини унинг ҳарбий юришлари тасвирланган кўпгина миниатюралар ҳам тасдиқлайди. Темурийлар даврида махсус ноғорахоналар қуриш одат тусини олган. Бу ҳол мусиқа санъатига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир. Маълумки, сарой мусиқа гуруҳларининг — асосан карнайчи ва ноғорачилардан иборат етакчиларини ҳукмдорнинг шахсан ўзи тайинлар, уларни «Меҳтар» деб аташар эди.

Ҳарбий юриш пайтида карнайчи ва ноғорачилар олдинги сафда бўлган. Бу асбоблар садосининг тўсатдан янграши душманни довдиратиб, лашкарларга катта ёрдам берган.

Амир Темур даврида қўшиқчилик санъати ҳам ривожланган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида ҳикоя қилишича, ҳунармандлар санъати хилма-хил бўлиб ўзида ашула, сўз, рақсни жамлаган.

Амир Темур даврида Мироншоҳ саройида машҳур мусиқачи Хожа Абдулқодир Мароғий ижод этгани маълум. Амир Темур уни 1393 йилда Бағдоддан Самарқандга олиб келган. Бу ерда унинг ижод этиши учун барча шароит яратиб берилган. Амир Темур вафотидан сўнг Мароғий Шоҳруҳ, Халил Султон ва бошқа темурийларнинг саройида хизмат қилди. Ушбу мисоллар Темур ва темурийлар даврида мусиқа санъати ўзига хос тарзда ривожланганини кўрсатади.

O'z R D kutubxonasi
Milliy bibliografiya bo'limi

Малоҳат РАҲИМОВА, *доцент*

«Турон» — халқ хизматида

Маърифатли инсонларни тарбиялашда кутубхоналарнинг аҳамияти катта.

Республикамиздаги йирик кутубхоналар орасида Тошкент вилояти «Турон» номли илмий универсал кутубхонанинг алоҳида ўрни бор. Вилоят кутубхонаси услубий марказ сифатида ўз тасарруфидаги барча кутубхоналарни бутлаш жараёнини мувофиқлаштириб мослаб, назорат қилиб боради. Ҳозирги кунда республикамизда 20 мингга яқин кутубхона мавжуд бўлса, "Турон" шулар ичида энг йирик, кекса зиё масканларидан биридир. «Турон» кутубхонаси фонди Россия ва хорижда нашр этилган турли соҳалардаги китоблар, матбуот намуналари, маҳаллий газета ва журналлар, илмий ҳамда бадиий нашрлар билан таъминланиб, бойиб келмоқда.

«Турон» вилоят кутубхонаси фондидан ўзбек маданияти ва адабиёти, санъати атоқли намояндалари — Чўлпон, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маннон Уйғур, Элбек, Боту, Ғози Юнус каби зотлар баҳраманд бўлганлар. Бугунги кунгача 1917 йилдан кейин чиқарилган кўплаб матбуот нашрлари кутубхона фондида сақлаб келинмоқда. Булар қаторида «Туркистон», «Шарқ ҳақиқати», «Мулла Насриддин» ва бошқа нашрларни кўрсатиш мумкин.

1992 йилнинг охирларида бу кутубхонанинг номи «Турон» қайта тикланиб, илмий универсал кутубхонага айлантирилди.

Кутубхона фондини яхлитлашнинг асосий манбалари — кутубхоналар коллектори, китоб магазинлари, обуна йўли бўлган.

Фонд нашр турлари бўйича тартибланган, вақтли нашрлар алоҳида сақланади. 1950 йилда кутубхона фондида 36.000 босма бирликдан иборат турли фан соҳаларига оид адабиётлар олинган. 1955 йилда 62.000 нусха, 1965 йилда фонд 152.301, 1970 йилда фонд 179.150 га 1980 йилда 258.137 нусхага етган.

«Турон» вилоят кутубхонаси фондини комплектлашнинг асосий манбаи барча даврларда вилоят кутубхона коллектори бўлган.

«Турон»даги китобларнинг асосий қисмини ижтимоий-сиёсий, бадиий адабиётлар ташкил этади. Техника, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига тегишли адабиётлар етарли даражада олинмаган.

Ҳар 8-10 йилда ахборотлар 2 баробар ошар экан. Шунинг учун матбуотларга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Бугунги кунда «Турон» универсал кутубхонаси энг йирик муассаса сифатида ўзининг бой фонди билан китобхонлар оммасига хизмат қилмоқда.

1990 йилда кутубхона фонди 3267073 нусхани ташкил қилди. Шундан 15.259 таси рисолалар, вақтли матбуот асарлари, 31.440 таси журналлар, 279.374 таси китоблар эди. Фонд 1985 йилга қараганда 27 минг нусхага кўпайган. 1990 йилда 9.827 нусхада 10.332 сўмлик китоб олинган. Кўпгина кутубхоналар тузилган режалар асосида ўз фондларини пухта текширишга киришдилар.

Режа асосида ўтказилган назорат туфайли «Турон» кутубхонаси фондидан 12.300 босма бирликда эскириб қолган адабиётлар фонддан чиқарилди. Вилоятдаги бошқа кутубхоналарда ҳам кутубхона фондини тартибга солиш борасида ана шундай ишлар амалга оширилди. Кейинги йилларда кутубхоначилик соҳасида юз бераётган қийинчиликлар туфайли 1993 йилда «Турон» вилоят кутубхонаси вилоят болалар кутубхонаси билан бирлаштирилди. Бунинг натижасида «Турон» вилоят кутубхонасининг фонди 1991 йилда 327.910 босма бирликдан 1993 йилда 404.200 босма бирликка етди.

Шу билан бирга кутубхонанинг категорияси ошди. Масъулияти кенгайди.

1994 йилда «Турон» кутубхонасига 1000 номда 2600 нусха адабиёт олинди. Бунинг асосий сабаблари: китоблар нархининг ошиб кетиши, нашриётлар фаолиятининг қисқариши, кутубхоналарга китоб олиш учун маблағ камлиги, кутубхона коллекторининг сўнгги йилларда қониқарсиз иш олиб бориши кабилардан иборат эди.

«Турон» кутубхонаси вилоят аҳолисига ҳаммаси бўлиб, 623 та кутубхона воситасида хизмат қилади. Фонди 9664,5 минг нусхани ташкил этади. Фонддаги адабиёт 187,3 минг нусхага камайган. Бизнингча, янги лотин алифбосига ўтиш муносабати билан баъзи кутубхоналар ўтган йилларда кирилл ҳарфида босилган жуда кўп ажойиб, мумтоз китобларни ҳам чиқитга чиқаришлари зиёлиларни ташвишлантирмоқда.

Шунга қарамасдан «Турон» вилоят кутубхонаси 1999 йилда марказлашган усулда ўзига қарашли кутубхоналарни нашр билан таъминлашга ҳаракат қилиб, ажратилган маблағ вилоят кутубхонасининг ўзидан нашриётга, вилоят коллекторига ўтказилиб янги адабиётлар олинмоқда. Бу адабиётлар «Турон» вилоят кутубхонасининг комплектлаш бўлимидан туман кутубхоналарига тарқатилган. Россиянинг Москва шаҳридан 575 минг сўмлик нашрлар олинган бўлиб, улар кўпроқ иқтисодий, ҳуқуқ, маркетинг, менежмент ва бошқа фан соҳаларига оиддир. 100 минг сўмлик компьютер олинган. Россиянинг кўпгина вақтли матбуот журналлари текин олинган.

«Турон» вилоят кутубхонаси бугунги кунда кенг истиқболлар очилаётган бир вақтда фондни комплектлашда олинаётган адабиётлар билан чекланиб қолмасдан, бошқа ерлардан ҳам, яъни нашриётлар билан шартномалар тузиб, китобхон эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда.

«Турон» кутубхонаси келгуси авлод учун ҳам зиё тарқатувчи маърифатнинг энг кўзга кўринган масканларидан бўлиб қолади, деб умид қиламиз.



Кутубхона директори ***Зуҳрахон БЕРДИЕВА***

БУ БЎСТОН САҲНИДА...

(Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири Равшан Жомонов билан суҳбат)

— Институтда фаолият кўрсатаётган 18 кафедра орасида ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг ўзига хос мавқеи сезилиб туради. Кўп йиллардан бери етакчи кафедралардан бири сифатида ўқув жараёнида, маънавий-маърифий фаолиятда, илмий-тадқиқот ишларида пешқадам бўлиб келаётган мазкур кафедра тарихи ва бугунги жамоаси тўғрисида гапириб берсангиз.

— Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси институт ташкил топган 1974 йилдан бошлаб фаолият кўрсатади. Кейинчалик унинг негизида бир неча кафедралар ташкил этилган. Кафедра жамоаси ўқув жараёнидаги иштироки, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда ўқув-услубий, ижодий фаолияти билан нафақат институтда, балки республикамизда ҳам танилган. Кафедрамизда турли йилларда филология фанлари докторлари, профессорлар С.Мирвалиев, Ҳ.Абдусаматов, Ғ.Жалолов, Х.Абдураҳмонов, Х.Эгамов, Н.Маҳмудов, филология фанлари номзодлари, доцентлар Э.Худойбердиев, М.Сатторов, Ш.Усмонов, Г.Расулова, Ш.Мирзаева, С.Йўлдошева, Н.Бекмирзаев, С.Султонсаидова, Р.Юнусов, А.Рафиев, И.Азимовлар меҳнат қилишган. Профессор Собир Мирвалиев 20 йилдан ошиқроқ кафедрага раҳбарлик қилган. Кўп йиллик самарали меҳнати учун «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган. Шунингдек, институтимизнинг биринчи ректори, академик Азиз Қаюмов ва Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Абдулла Ориповларнинг ҳам бизнинг кафедрада маълум муддат ишлаганлигини ифтихор билан эслаймиз.

— Кафедрада ўқитиладиган фанлар тўғрисида гапириб ўтсангиз.

— Ҳозирги кунда талабаларга «Адабиётшуносликка кириш», «Ўзбек адабиёти тарихи», «XX аср ўзбек адабиёти», «Ҳозирги ўзбек тили», «Эски ўзбек ёзуви», «Лотин ёзуви», «Нутқ маданияти асослари», «Жаҳон адабиёти» фанларидан машғулот олиб борилади. Ҳар бир сабоқда ўзбек маданияти, маънавият ва маърифат масалаларига эътибор қаратилади. Шунингдек, кафедрамизда «Адабиёт ғунчаси» номли тўгарак ишлаб турибди. Ҳар бир ижодкор талаба билан бевосита шуғулланиш, улардаги маҳорат сирларини ошириш ҳамда ижодий-адабий жараёнга йўллаш тўгаракнинг асосий мақсадидир.

— Домла, талабаларнинг она тили ва адабиёт фанларига муносабати ҳақида фикрингиз қандай?

— Маълумки, ҳар қандай миллий маданиятнинг биринчи белгиси унинг тилидир. Шу боисдан ҳам ўзбек маданиятининг ҳақиқий жонкуяри, шу соҳанинг фидойиси бўламан деган ҳар бир талабада ўз она тили ва адабиётига меҳр ўзгача бўлади. Айниқса, кутубхонашунослик ва халқ бадиий ижодиёти йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларда бу туйғу анча кучли. Бизнинг профессор-ўқитувчиларимиз машғулотларни ҳар бир йўналиш ва бўлимларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда олиб бормоқдалар. Лекин талабалар орасида ўзбек тилининг адабий меъёрларини яхши эгалламаган, она тили ва миллий адабиёт намуналарини пухта ўзлаштира олмаётган бефарқ, лоқайдлари учраб туради.

— Баъзида «аралаш тил»да сўзловчилар ҳам...

— Фикрингизга тушундим. Афсуски, баъзи талабалар, ҳатто айрим ўқитувчиларимиз ҳам ўз она тилини яхши билмайдилар. Бунинг устига, сўз қўллаш ва сўз ўзлаштириш ҳодисаларини фарқлай олмайдилар. Айниқса, сўз қўллашда ўта бепарволик кўзга ташланади. Она тилимизнинг чексиз имкониятлари, тасвирий-ифода воситалари мавжуд бўлишига қарамасдан ўзга тил сўзларини ўринсиз ишлатадилар. Назаримда, бу ҳодиса, аввало, «шўро даврининг маҳсули» бўлса, иккинчидан, ўзлигимизни теран англамаётганимиз ҳамда кимларнинг вориси эканлигимизни ёддан чиқараётганимиз натижасидир. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда «Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак». Ёки ҳаммага маълумки, институтимиз ўз номи билан «Маданият институти». Маданиятнинг боши бадиий адабиётда. Институтимизнинг барча факультет ва бўлимлари учун ўзбек адабиёти асос — хамиртуруш ҳисобланади. Режиссёр, актёрга сценарий керак, ҳофизу мусиқачига шеър матни керак, кутубхоначига бадиий китоб, нотиқ-маърифатчига адабий сўз намунаси керак. Кўйинги, адабиётсиз олий даргоҳимиз бир қадам ҳам илгари силжимайди. Бу ижодий ўқув юртининг бошқалардан фарқлари, хусусияти ҳам мана шунда...



Феруза УБАЙДУЛЛАЕВА,
ижтимоий-маданий фаолият факультети 1-курс талабаси



МУРАББИЙЛИК ОДОБИ

Тарбиячи, муаллим бурчининг таркибий қисмлари нималардан иборат? Аввало, маданият ходимининг доимо ўз маърифатини ошириши, замонавий талабларга мувофиқ бўлиши, санъат, ижтимоий руҳшунослик, ижод психологияси, сценарий ва режиссёрлик маҳорати борасидаги билимларини бойитиши, санъатнинг турли соҳаларидаги энг янги, илғор ғояларни ўзлаштириши, кинонинг театрга, тасвирий санъатнинг фотографияга (ва аксинча) таъсиридан фойдалана билиши, маданий ҳодисалар ва улар атрофидаги баҳслардан хабардор бўлиши талаб этилади.

Педагог-ўқитувчи бурчи жамоа аъзоларини замонавий талаблар даражасида ўқитиши, уларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишини таъминлаши, турли сабабларга кўра ўқишда оқсаётганларга ўз вақтида ёрдам бериши зарур, у тингловчиларнинг қобилиятларидан қатъи назар, жамоанинг барча аъзолари билан тенг, дўстона муносабатларни сақлай билиши, сабр-тоқат билан тушунтира олиши билан талабалар орасида ҳурмат-эътибор топади. Қолаверса, раҳбар-педагог уддабурон, тадбиркор ва талабчан бўлиши, шу билан бирга жамоа аъзоларининг ҳаққоний тенглигини таъминлай олиши керак. Айниқса ихтилофли, кескин вазиятларда раҳбарнинг адолатлилиги синовдан ўтади. Бу нарса раҳбардан мулоҳазакорликни, ихтилоф моҳиятини аниқлаш ва уни ҳал этишда педагогик сезгирликни талаб этади. Бунинг учун раҳбар қуйидаги ахлоқий қоидаларга амал қилиши талаб этилади:

1) ишни яхши ташкил этиш учун кучни аямаслик керак, адолатли тарзда моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, ишнинг узвийлигини таъминлаш, тадбиркорлик таклифларининг ҳисобини юритиш;

2) вазифаларни белгилаш, кадрларни жой-жойига қўйишда ўз дунёқараши, ҳис-туйғусига эга жонли инсонлар билан иш кўраётганлигини унутмаслик керак;

3) танқиддан чўчимаслик, ўз вақтида тегишли хулоса чиқаришга одатланиш;

4) бировни танқид қилганда ўз айбларини ҳам тан ола билиш;

5) бировларнинг орқасидан гапиришга йўл қўймаслиги, жамоа аъзолари билан бировни ғийбат қилиш ахлоқсизлик эканлигини тушунтириш;

6) одамлар олдида ва орқасида, умуман икки хил гапиришга, иккиюзламачиликка йўл қўймаслик;

7) бировнинг ҳамиятига тегадиган танбеҳларга ўрин қолдирмаслик.

Ўз манфаатини жамоа манфаатлари билан мувофиқ тарзда уйғунлаштириш раҳбар этикасининг муҳим тамойилларидан биридир. Ушбу тамойил раҳбар томонидан ўзи бошқараётган жамоанинг манфаатини доимо эътиборга олиб, уларни жамият манфаатига мос равишда йўналтиришдан иборат.

Бошқарув этикасининг у ёки бу тамойилларини эгаллаш ўқув гуруҳи, курс, факультет фаолиятини ташкил этиш, бошқарув фанларини ўрганиш, амалиёт ўташ билан биргаликда олиб борилади. Бироқ давлат микёсида фикрлаш лаёқати ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу борада мамлакатдаги маданий-маърифий тенденцияларни ўзлаштириш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашда узлуксиз меҳнат қилиш талаб этилади.

Раҳбар фаолиятидаги муҳим тамойиллардан яна бири аниқ мақсадга интилувчанликдир. Бунда раҳбарнинг ҳар бир вазиятни қўйилган мақсадга етишиш йўлидаги босқич сифатида баҳолай олиши ва эришилган натижани мўлжалланган режа билан қиёслай билиши, вазият ўзгарганда унга янгича ёндашувни танлай олиш қобилияти кўзда тутилади. Хайрли мақсадга интилувчанликнинг этик жиҳатини инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида инсонпарварлик, яратувчанлик, қатъият ташкил этади.

Маданий-маърифий ишларда вақтни тежаш тамойили ҳам зарур ва муҳим. Раҳбар тегишли масалалар юзасидан зарур қарорлар қабул қила билиши ва ундан чекинмаслиги, қўл остидагиларнинг меҳнат ва оилавий муваффақиятини ўз вақтида сезиши, узилиш ва ихтилофларга йўл қўймаслик каби хислатларни ўзида тарбиялаб бориши келажакдаги муваффақиятлар гаровидир.

Айни пайтда жамоа томонидан раҳбарга инсон сифатида бериладиган баҳо ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, бошқарув психологиясига оид

тадқиқотлар муаллифлари раҳбар шахснинг қуйидаги хусусиятларини муҳим деб ҳисоблашади, раҳбар ўзининг ва жамоанинг хатти-ҳаракати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, принципиаллик, изчиллик, қатъиятлилик, иродалилик, ўзига бўлган комил ишонч.

Жамоатчилик ишида иштирок этиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Ҳар қандай жамоатчилик тадбирини амалга ошириш ва уни уюштиришда қатнашаётган талаба-ташкилотчида бўлажак раҳбарлик хусусиятлари намоён бўлади. Одатда ўз гуруҳига раҳбарлик қилаётган талабанинг билим даражаси, синов ва имтиҳонларда бераётган жавобларини гуруҳ аъзолари тўғри баҳолайди, унда манманлик, кибру ҳавонинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Фаол талаба билимларни пухта ўзлаштиради, ўз олдига мураккаб, ижодий мақсадлар қўяди, гуруҳ, курс, институт ҳаётида фаол иштирок этиш натижасида ўз ўртоқлари орасида обрў-эътибор қозониб бораверади. Зарур пайтларда унга мурожаат қилишади, у бора-бора жамоанинг норасмий етакчисига айланади.

Шунингдек, анкета саволларига жавоблардан ҳам педагог-талабаларнинг хулқ-атвори, ўқишда эришаётган муваффақиятлари ҳақида муҳим маълумотларни билиб олиш мумкин. Балки бу саволлар у ёки бу камчиликни тугатишга ҳам ёрдам берар. Сиз меҳнат фаолиятига оид мазкур саволларга жавоб бериб кўрингчи:

1. Ўзингизнинг ўқув, ижтимоий ва бошқа фаолиятингизда нималарга интиласиз?
2. Ишбилармонлик нуқтаи назаридан ўзингизни фаол шахс деб ҳисоблайсизми?
3. Ишбилармонлик юзасидан муносабатда бўладиган танишингиз кўпми?
4. Ишга оид масалаларда ўзингизни қатъиятли, бир сўзли деб биласизми?
5. Ҳар доим ҳам ўз тамойилларингизга содиқ қола оласизми?
6. Ишга оид хатти-ҳаракатингиз пухта ўйланганми?
7. Характерингизнинг қайси жиҳатлари ишга оид муносабатларингизга халал беради?

Ишбилармонлик, тадбиркорлик тушунчалари кенг расм бўлган ҳозирги пайтда ҳамма буни ўзича тушунади. Раҳбар шахс ишбилармон бўлиши керак, бироқ бу хусусият ахлоқ, маънавий қадриятларга зид келмаслиги лозим. Юқоридаги саволлар ўзингиздаги шу хусусиятлар устида мулоҳаза юритишга сабаб бўлади деб ўйлаймиз. Йилдан йилга, вақт ўтиши давомида талабалар ўзларида ишбилармонлик қобилиятини такомиллаштира боради.

Бундай турдаги хислатлар орасида одамларга ҳурмат билан муомалада бўлишни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Бўлғуси раҳбар жамоа аъзоларининг хислатларини, ижодий ишларидаги ўзига хосликни кўра билиши, уларни рағбатлантириши ниҳоятда муҳим, айни пайтда камчиликни кўрар экансиз, улардан кўз юммаслик зарур. Инсонийлик ва хайрихоҳлик ҳар қандай касб эгасига обрў келтиради...

Саъдулла ШОДИЕВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент

Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон республикалари халқ артисти

ЎЗ УЙИМДА КОНЦЕРТ БЕРГАНМАН...

Тақдир тақозоси билан Хоразмда, Комилжон акадан таълим олганимдан кейин мунтазам, изчил ўқишга фурсат бўлмади. Тинимсиз, муддатсиз гастроллар менга маҳорат, шуҳрат, обрў келтирса ҳам, олий маълумот олишимга имкон бермас эди. Консерваторияда ўқишни бошладим, битириш насиб бўлмади.

Тошкент Давлат Маданият институти таъсис этилиши билан консерваториянинг «маданий-оқартув ишлари» факультети янги институтга ўтказилди. Шундай қилиб мен Маданият институтининг талабаси бўлиб қолдим. Бу даргоҳда менга турли фанлардан сабоқ берган домлаларим Ҳамид Абдуллаев, Ҳусан Файзиев, Карим Азимовларни ҳамиша ҳурмат билан тилга оламан.

Гастроллар кўпайиб, таҳсил вақти камайгани сабабли, ўқишимни сиртқига ўтказдим. Ниҳоят, институтни битириш палласи ҳам етиб келди. Давлат имтиҳонида, ҳеч қандай илмий даража ва унвони бўлмаган, бироқ билими жуда зўр, камтарин, нафсини тийиб олган, мард домлага дуч келдим. Бу — Бахтиёр Эсонов деган бир оёғи оқсоқ, сипо ва жиддий, салобатли муаллим эди. Имтиҳондаги менинг чапани жавобларим домлага ҳам маъқул келди...

Институтни битказиб олдим. Олий маълумот ҳақидаги дипломга эга бўлдим. 1980 йили «Республикада хизмат кўрсатган артист», кейинроқ «Халқ артисти» унвонига сазовор бўлдим. Ҳаётимдаги барча ижодий ютуқларимни қадрдон олий даргоҳим — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти билан боғлайман. Бобомиз Алишер Навоий:

Ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила
Айламак мушкул ҳақин юз ганж ила, — деганларидек, шу кунга қадар Маданият институтида бирор тадбир ўтказилиш хабарини эшитсам, югуриб бориб, ўз санъатим билан толиблик хизматимни қиламан...

... Ўшанда домла Бахтиёр Эсоновни уйимга, бир пиёла чойга таклиф қилдим. «Ўзингиз билан ҳурмат қилган 3-4 оғайнингизни ҳам олиб келинг» дедим. Белгиланган куни домла икки дўсти билан Назарбекдаги янги хонадонимга ташриф буюрди. Уларнинг бири ношир Маҳмуд Сатторов, иккинчиси журналист Рашид Раупов экан. Зиёфат қилдик. Дипломни «ювдик». Зиёфатда, энг муҳими, мен ҳеч қилмаган ишимни қилдим. Яъни ўз уйимда ўзим, иззатли меҳмонлар шарафига концерт бердим. Уч кишига уч киши. Доирада 5-синф ўқувчиси Зокир, аккордеонда 7 яшар Улуғбек — ўғилларим жўр бўлишди. Репертуаримдаги севган ашулаларимнинг кўпчилигини ижро этдим... «Аудитория» жуда шинаванда мухлислардан иборат. Ҳар бир қўшиқдан кейин шеър мазмуни, мусиқаси ҳақида яхши фикрлар билдирилиб, рағбатлантириб турилди.

... Яхши одамлар яхши ишларга сабабчи бўлишади. Шунинг учун ундайларни тиригида ҳам, ўлганидан кейин ҳам яхши гаплар билан эслаб юрамиз. Маданият институти деганда, менинг кўз ўнгимда, юқорида номларини санаган домлалар билан бир қаторда Бахтиёр Эсонов сиймоси гавдаланади. Ҳаётимда ана шундай унутилмас из қолдирган инсон, умри қисқа экан, ўтиб кетди, раҳматлик, руҳи-поки шод бўлсин.

Бу илм даргоҳидаги барча софдил устозларга ҳам эришган барча қадр-қиммат, шон-шуҳратларимни қадамларига поёндоз қиламан.

Лариса МОСКАЛЁВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА РАҲМАТ!



Менинг ижодий репертуарим ҳам, амалим ҳам ўзбек халқи, бу халқнинг жозибадор тили, анъаналарию урф-одатлари билан боғлиқ. Мен бир рус қизининг ўзбек тилида ашулалар айтишимни кўплар яхши билишади. Шу боис репертуаримга ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини танлайман. Чунки халқ ижоди — бу унинг қалби, борлиғи, ўзлиги. Топиб айтсанг — ўзбек халқининг кенг бағри яна ҳам тўлади. Сендан миннатдор бўлади.

Бу халқ ўз адабиёти, санъатини ардоқлаган ҳар қандай миллат вакилини бошига кўтаради. Биргина Тамарахонимни олинг. Ўзбек санъатининг фахрига айланиб қолган бу армани аёл шуҳрат пиллапоясининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Нима сабабдан? Ўзбек халқига, унинг санъатига бир умрлик садоқати туфайли!

Мен баъзи бир тенгдошларим, ёшлар ва, ҳатто, айрим ёши катталарга қараб ҳайрон бўламан. Шу ерда, ўзбек заминида туғилиб, ўсиб, яшаб, ўзбек тилини билмайдилар. Билишга интилмайдилар. Бу уят эмасми? 6 ойга хизмат сафарига келган америкалик ўзбек тилини ўрганади, бу тилда ширали гапиради. Ўзбек тили, адабиёт-санъати, маданияти турган-битгани хазина-ку! Бу Сиз билан бизга маънавиятимиз учун, бугунги бозор иқтисодиёти замонида моддиятимиз учун ҳам таппа-тайёр манба, кони фойда-ку!

Гапнинг қисқаси, мен ҳаётимни ўзбек халқи санъатига бағишлаганман. Бу мақсадни рўёбга чиқариш, мустаҳкамлаш учун шу кунларда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг ўзбек халқ бадиий ижоди факультетида таҳсил олмоқдаман. Ўзбек халқи, унинг жаҳоншумул санъати борлигига минг шукур...

Донолар бисотидан

Сўз сўйлашда ва улардан жумла
тузишда узоқ андиша керак.
А.Қодирий

* * *

Кўпчилик инсонлар вақтида икки
неъматнинг қадрига етмайдилар:
саломатлик ва бўш вақт.
Имом ат-Термизий

* * *

Карвон кўп: ризқи бўлак.
Ўзбек халқ мақоли

* * *

Юқори ўлтирурни ким тиласа,
қишиликдин они йироқ билгил.
Ўлтирур сафда юқориликдин
ўлтирур сафда яхшироқ билгил.
А.Навоий

* * *

Ўқувдир чирогдек қоронғи туни
Билимдир ёруғлик, ёритгай сени.
Билимни буюк бил, уқувин чуқур
Бу иккиси бирла ғофил уйғонур.
Юсуф Хос Ҳожиб

* * *

Мусофир бўл, аммо Ватан ичра
бўл,
Тила хилвату, анжуман ичра бўл.
Алишер Навоий

* * *

Тошканд мулкин бугун таърифин
этай,
Нуқталар шодасин назмга битай.
Бир диёрдирки, анда сумбулу
раъно
Халқин жаҳон айтар, мардуми
доно.
Андоқ бир шаҳарки,
жаннатмакондур,
Хижолатдин жаннат сийнаси
қондур....
Зайниддин Восифий

* * *

Яхши сўздин кўргайсен меҳру
вафо
Номуносиб сўздин етгай жафо.
Фаҳш сўздин тилни хомуш
айлагил,
Балки кўнглунгдан фаромуш
айлагил.
Ҳар сўзиким, содир ўлса бемаҳал
Етгай ондин обрўйингга зарар...
Ҳусайн Воиз Кошифий

* * *

Манга сиғар ики жаҳон, ман бу
жаҳона сиғмазам
Гавҳари ломакон манам, канну
макона сиғмазам.
Сурату боқу маънийи, сурат ичинда
тани ким
Жисм ила жон манам вале, жисм
ила жона сиғмазам.
Насимий

* * *

Бу оламда маним тўрт дафтарим
бор
Кимса хор айласа, ўзи бўлгай хор.
Эрур аввали «Дарёи шариат»,
Яна иккинчиси «Раҳми тариқат»,
Учинчиси эрур «Қулзум ҳақиқат»,
Эрур тўртинчиси «Дарёи раҳмат».
Хожа Аҳмад Яссавий

Барно ҒАНИЕВА,
кутубхона фондлари ва каталоглари кафедраси ўқитувчиси

Мутолаа — санъат

Китоб инсоният топган энг мўъжизавий, улуғ кашфиётдир. Инсониятнинг ўз тараққиёти давомида эришган барча маънавий бойликлари, қадриятлари китобларда ўз аксини топган. Китоблар инсонни маънавий етуклик ва руҳий баркамоллик сари етаклайди. Инсоният ақл-идрокининг энг олий маҳсули бўлмиш китоблар билан инсон болаликдан то кексаликка қадар ажралмайди. Китоблар орқали инсон неча асрлар оша ортга қайта олиб, ўша даврдаги ўтган кунларни, тарихимизни кўз олдида гавдалантира олади ёки асрлар оша илгарилиб фан-техника яратажак мўъжизаларга ҳангу манг бўлиб, лол қолиши мумкин.

Адиблар асар яратаётганларида аввалambor китобхонга мурожаат қиладилар, чунки асар умрбоқийлиги китобхон биландир. Назаримизда, адабиётимизга фақатгина истеъдодли ёзувчилар эмас, балки иқтидорли китобхонлар ҳам керак.

Асарда тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини фарқлаш жонли мулоқот натижасидир. Китобхон уларни таққослаш учун фикрлашга киришади. Асардаги воқеа ва ҳодисалар тасвиридан тегишли хулосалар чиқаради. Демакки, китобхон ҳам, айтиш мумкинки, ўзига хос ижодкор.

Инсоннинг китобхонлик даражасини унинг ўқиган китоблари сони билан эмас, балки бу асарларни қанчалик тушуниб ўқиши белгилайди. Чунки, китобни мутолаа қилишда энг муҳим нарса қандай асарни ўқиш ва ўқиганини қанчалик тушунишдир. Асардаги ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни англаб, хулоса чиқариш эса, ҳар бир китобхоннинг китобхонлик савиясини кўрсатади.

Бадиий адабиётни ўқиш уни ҳис қилиш, сезиш, ҳаяжонланиш, тушуниш асосига қурилади. Бу — бир санъат, бусиз адабиётни тушуниш, ундан завқ олиш мумкин эмас. Китобни ҳис-ҳаяжон билан ўқиш болаликдан тарбияланса, бола дунёда, ўз атрофида бўлаётган воқеаларга бефарқ қарай олмайдиган, доимо эзгуликка интиладиган, дидли, фаросатли, ахлоқли бўлиб ўсади. Шунинг учун ҳам ҳар томонлама етук, мукаммал китобхонни тарбиялашни биз илк мактаб ёшидан бошлашимиз зарур. Чунки болалар учун адабиёт бир вақтнинг ўзида кўпгина тарбиявий вазифаларни бажаради: инсон тўғрисидаги тасаввур доирасини кенгайтиради, гўзаллик билан таништиради, мусиқавий қобилиятининг ўсишига ёрдам беради, эзгулик ва одобга ўргатади, нутқ маданиятини тарбиялайди.

Республикамизнинг барча вилоятларида ўқувчиларга кутубхона хизмати кўрсатилади, жуда кўпчилик ўқувчилар кутубхона китобхонларидир. Бироқ, шундай саволлар туғилади: ўқувчилар китобни қандай ўқийдилар? Китоб танлаш йўлларини биладиларми? Ҳамма ўқувчилар ҳам китоб мазмунини тушунган ҳолда мутолаа қиладиларми?

Афсуски, жуда кўпчилик ўқувчилар китобни юзаки ўқийдилар. Улар китоблардаги эпизодларга, табиат тасвирларига, лирик кечинмаларга, ўхшатишлар, ҳикматли ибораларга, ёзувчининг мақсади, ғояси, ёзиш услубига аҳамият бермайдилар. Тезкорлик, шошма-шошарлик билан ўқилган китоб инсонга на билим, на маънавий озуқа беради, чунки битта қунт билан ўқилган китоб ўнлаб юзаки ўқилган китоблардан кўра инсонга кўпроқ фойда беради, завқ бағишлайди.

«Китоб — офтоб», «Китоб — билимлар хазинаси» дея донишмандларимиз бежиз айтишмаган. Ота-боболаримиздан яна шундай нақл қолган: «Ўқиш бошқа-ю, ўқиш бошқа». Китоб-ку беҳисоб, аммо уни ҳамма ўқийвермайди, қолаверса, ўқиганнинг ҳаммаси ҳам ўқимишли бўлавермайди. Бундан кўринадики, ўқимишлилик-комилликка эришиш йўлидаги муҳим босқичдир.

Китобхонлик тор маънода китоб ўқишни билдирса, кенг маънода эса танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ифодалайди. Китобхонлик моҳият-эътибори билан санъат даражасига кўтарилган ижодий меҳнатдир. Суқротнинг фикрича, дунёда билим — эзгулик, нодонлик — ёвузликдир.

Аё,дўстлар, нодон бирла
улфат бўлуб,
Бағрим куюб, жондан тўюб,
ўлдим мано.
Тўғри айтсам, эгри йўлга
бўйин тўлғар,
Қонлар ютуб, ғам заҳрига
тўйдим мано,

каби мисралар Аҳмад Яссавийнинг дунёдан шунчаки қўл силтови бўлмай, балки нодонликка, жаҳолатга қарши аччиқ исёнидир. Демак, ўқимишлиликни белгиловчи омиллар ўқишга, китобхонликка келиб тақаляпти. Китобхонлик ҳақида гап кетганда, олмон мутафаккири Гётенинг қуйидаги фикрини келтириш жоиздир: «Китобхонликка ўрганиш учун қанчалик кўп вақт сарф қилинишини одамлар тасаввур қилмайдилар, бунинг учун мен ҳаётимнинг 80 йилини бағишладим, лекин ҳали ҳам ўргандим, деб айта олмайман». Профессор В.Ф.Асмус ўзининг «Китобхонлик — меҳнат ва ижод» номли мақоласида эса китобхонликка шундай таъриф беради: «Мутолаа вақтида асар бир кўзадан иккинчи кўзага қуйилган сув каби китобхон миясига қуйилиб қолмай, балки ижодкор китобхон томонидан қайта идрок этилади». Кўринадики, китоб мутолааси ниҳоятда машаққатли жараён бўлиб, ҳар бир китобхонда бундай кўникмаларни шакллантириш биз зиёлиларнинг бурчимиздир.





Халқ қалбининг кўзгуси

Юртбошимиз маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратар экан, «тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади», деб бежиз айтмаган. Бинобарин, ақлий заковат ва руҳий камолот маърифатли инсоннинг икки қанотидир. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида мустақиллик руҳи, янгиланиш жараёни кечаётган шу кунларда асрлар бўйи халқимизга руҳий мадад бериб келган анъанавий фольклор асарларига бўлган эҳтиёж ҳам ошди. Улар шундай ойнаки, унда халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётидаги барча ранг-баранг қирралар, орзу-армонлар, маънавий жиҳатлар бутун борлиғи билан намоён бўлади.

Ҳозир маданий-маърифий муассасалар қошида ўнлаб фольклор-этнографик жамоалар ташкил этилган. Улар халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз дастурларида намойиш этиш орқали, безавол қадриятларимиз, анъана ва меросларимизни тиклаб, келажак авлодга қолдириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Хоразм халқ қўшиқлари шўх-шодон ва ўйноқи, Фарғонаники залворли ва вазмин, Самарқандники исёнкор ва шаффоф, Бухороники дардчил ва нафислиги билан ажралиб туради. Халқ қўшиқларининг вилоятлардаги бир-биридан фарқ қилувчи усуллари бир дарахтнинг турли-туман шохларига ўхшайди. Лекин уларнинг меваси битта — халқ орзу-умидлари, армон-истакларини изҳор этишдир. Хоразмдаги «Оразибон», «Авазхон», «Достон» ансамбллари Туркманистондаги фольклор жамоалари билан чамбарчас ижодий алоқададирлар. Бухородаги «Нозанин», «Моҳи ситора» жамоалари репертуаридаги ширу шакар ижролар доира, қайроқ, занг жўрлигидаги шўх қўшиқ, ўйноқи рақсларни Тожикистонда учратиш мумкин. Ўзбекистонда 257 та фольклор-этнографик жамоа фаолият кўрсатмоқда. Бу жамоалар бозор иқтисодиёти шарофатида халқимизнинг маънавий қадриятларини уч катта йўналишда сақлаб қолиш, ўсиб келаётган авлод қалбига сингдириш учун фаолият кўрсатаётир. Улар қуйидаги вазифаларни бажармоқдалар:

а) халқ оғзаки ижодини ёзиб олиш, тўплаш ва нашр этиш, унинг илмий-назарий моҳиятини тадқиқ этиш орқали ўзбек миллатининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;


б) ўзбек халқининг маданий-маиший ҳаёти жараёнида ота-боболаримиз томонидан асрлар бўйи сайқал берилган этномаданиятини турли маросим ва байрамлар орқали фольклор-этнографик жамоалар репертуарларига киритиб, уларни маданий-маърифий ишлар соҳаси услубида яна халқнинг ҳаёт тарзига сингдириб, ёшларнинг миллий хотирасига ўтмиш авлодлар қадриятларини етказиш;

в) халқ амалий санъати ва моддий неъмат яратиш ижодиёти анъаналарини фольклор-этнографик жамоалар репертуарларидаги куй-қўшиқ, саҳна, халқ цирки ва масхарабозлик, қизиқчилик, аскиячилик санъати каби кўринишларида намойиш этиб, ҳозирги ёшларда миллий онг, тафаккур ва миллий ғурурни кучайтириш.

Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан иқтисодий-маданий алоқалардаги фаолиятига фольклор санъати усталари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, халқ санъаткорлари Туркия, АҚШ, араб мамлакатлари ва Ғарбий Европа мамлакатларига ижодий сафар қилдилар. «Достон», «Оразибон», «Ёр-ёр», «Омонёр», «Шалола», «Бешқарсак», «Чавкий», «Моҳи ситора», «Нозанин» ва бошқа ўнлаб гуруҳларнинг хизматлари матбуот саҳифаларида кенг ёритилмоқда. Фольклор жамоалари дастурларини тартибга солувчи, уларни тарғиб этувчи ва, энг асосийси, халқимиз орасида маънавий-мафкуравий ишларни янада кучайтириш мақсадида янги «Фольклор-этнографик жамоалари раҳбари тайёрлаш» бўлими фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлим ҳозирда қирққа яқин талабани ўз бағрига олган.

Бу бўлим талабалари фақат халқ ижодиётининг назарий билимларини эгаллабгина қолмай, балки республика радио-телевидениесида халқ ижоди бўйича дастурлар тузувчи режиссёр, байрамлар сценарийсини тайёрловчи ва шу йўналишдаги тадбирлар уюштирувчи сифатида ҳам фаолият кўрсатиш учун ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Бундан ташқари мазкур бўлимни тугатганлар маданий-маърифий марказларда, маданият бўлимлари қошидаги халқ амалий санъатини ташкил қилиш жойларида уюштириладиган маданий тадбирларда фольклор анъаналаридан фойдаланишда маслаҳатчи-референт вазифасида ишлашга ҳозирлик кўришмоқда. Миллий мафкура асрлар давомида йиғилган халқ маънавий меросига, умумбашарий маданий-маърифий қадриятларига суянади. Фольклор санъати эса шуларнинг ажралмас бўлагидир.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
институт маънавият ва маърифат бўлими мудири, профессор вазифасини бажарувчи



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Меҳр зиёси

Тошкент Давлат Маданият институтига

Шафақни ёндириб чиқаркан офтоб
Меҳрини зиёда этар намоён.
Бағрини очади мисоли китоб,
Саводин чиқарар жумлаи жаҳон.

Қуёшнинг фарзанди асли камалак,
Етти ранг товланса, олам мунаввар.
Зулматни йўлатмас юлдузли фалак,
Кўкдан Ерга йўллар илоҳий хабар.

Ҳеч кимнинг осмонга етмайди қўли,
Қуёшни кафтида истар ҳар одам.
Муҳаббатга тўла бўлса гар кўнгли,
Эзгулик йўлида қуёшдир ҳамдам.

Одамни ажратмас, шоҳми ё гадо,
Барчани тенгма-тенг кўрар баробар.
Нуридан баҳр олар нодону доно,
Ҳеч кимдан қизғонмас меҳрин, биродар.

Қуёшдай сахий бўл, бўлгин бағри кенг,
Аяма ҳеч кимдан саховатингни.
Учмай дунёсига, кўра билсанг тенг,
Оллоҳ ҳам минг қилар мурувватингни.

Тўғри, эргашади нурга соя ҳам,
Уфқ деб алданиб қолма саробга.
Ёмонни кутади мудом жаҳаннам,
Умрингни ўрагин ҳар кун савобга.

Созингни баланд чал, кўнглингни жўрла,
Сарафроз айлагил, шоир, шеърингни.
Ердан осмон сари лочиндай ўрла,
Эл билан баҳам кўр мангу меҳрингни.

19.02.2001йил

Барот ИСРОИЛ

Маданият даргоҳи

А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтига бағишланади

Гўзал Тошкент шаҳрининг кунчиқар томонида,
Машҳур Қодирий номли маданият даргоҳи.
Маърифат қадри ошди Истиқлол замонида,
Чорак аср умрини яшабдур минбаргоҳи.

Айни етуклик даври, минг-минглаб тенгдоши бор,
Фанга чанқоқ ёшларнинг ижобатдур талаби.
Халқу Ватан мададкор, меҳрибон Юртбоши бор,
Илмгоҳдан парвозга чоғланар ҳар талаба.

Даргоҳ Азиз Қаюм ва Ғайни Нажимдан нишон,
Матбуа Аҳмад қизи, Ҳафиз Абдусамад, Хан.
Абдулла Муҳамедов, марҳум Бахтиёр Эсон,
Шоди Берди ғайрати, Ғулом Ғафур топган шон.

Бунда Собир Мирвали сабоғидан баҳраманд,
Малик Мурод дарсидан муроди бўлар ҳосил.
Бунда Азиз Тўранинг ҳар сўзи эзгулик, панд,
Ғайрат Жалол суҳбати этар орзуга восил.

Бунда Раҳматжон Турсун оҳанги, жаранги бор,
Ҳофиз Алижон Эрка хониши тингланадур.
«Ўзбек удумлари» деб ёнади Маҳмуд Саттор,
Қайнар маданий ҳаёт, онгинг жилоланадур.

Бунда Шуҳрат Шамсининг кам эмасдир меҳнати,
Эркин Худойбердининг беминнатдир хизмати.
Бахтиёр Сайфуллаю Қодир Мирзо ҳиммати,
Малоҳат Раҳим қизин мураббийлик ҳурмати.

Мустақил юртнинг шундай кўп эрур имконлари,
Боболарнинг ушалган орзуси ва эъзози,
Элга бахшида устоз таълиму ирфонлари,
Ҳар дарсида тингланур келажакнинг овози...



Рисличой ҲОТАМОВА

Озорли дунёда ороли гулим...



Кўзмунчоқ бўлай

Сизга ерда жой йўқ, жойи фалаксиз,
Тоза юракларда тоза тилаксиз,
Бировни билмадим, менга кераксиз,
Сизга кўз тегмасин, кўзмунчоқ бўлай.

Қизғондим тикилган оғир кўзлардан,
Эркалаб айтилган сирли сўзлардан,
Кўчангиз олдида қолган излардан,
Сизга кўз тегмасин, кўзмунчоқ бўлай.

Кўриб соғинаман, билмадим нега,
Дунёга сиз бўлиб келмадим нега,
Кўнгил кўчангизга кирмадим нега,
Сизга кўз тегмасин, кўзмунчоқ бўлай.

Кўнгли дарёгинам, ширин озорим,
Сонсиз шайдолардан кўнгли
безорим,
Зоғлар қўнолмаган сўлим гулзорим,
Сизга кўз тегмасин, кўзмунчоқ бўлай.

* * *

Кел, қуёш куйдиргин,
кул қилгин мени,
Киприк тарагувчи нур қилгин мени,
Оловдан ясалган гул қилгин мени,
Кел, қуёш куйдиргин,
кул қилгин мени.

Қисмат қўлларининг озори ботди,
Дунёнинг тескари бозори ботди,
Тошга айланди дил,
тош бўлиб қотди,
Кел, қуёш куйдиргин,
кул қилгин мени.

Севги оловида куйдим, ўлмадим,
Хазондек сарғайдим,
яшнаб сўлмадим.
Бу жондан бекордан бекор
тўймадим,
Кел, қуёш куйдиргин,
кул қилгин мени.

Орзу

Қуёшда бойчечак кўргим келади,
Булутда тик оёқ тургим келади,
Телба кўнглим, телба истак қилади,
Сув устига қулба қургим келади.

Белангим келяпти камалак билан,
Ўйнашгим келяпти капалак билан,
Юзига юз босиб ҳол сўргим келар,
Болалигим — сочи жамалак билан.
Бу хил орзулардан уйқум келади,
Ҳаётда эртакни кўргим келади,
Иложсиз орзунинг боридан йўғи,
Сувга нон оқизиб егим келади.

* * *

Гўзал ўлим истар кўнгил,
Гулдан арқон эшиб беринг.
Гул қонидан май тутингиз,
Унга оғу қўшиб беринг.

Сўнг ёлворинг қизғалдоққа,
Мозоримни йўқлаб турсин.
Ҳар баҳорда қалдирғочлар
Кўнгил учун йиғлаб турсин.

Кенгаяди менсиз дунё,
Юрагингиз шод бўлади.
Энкаяди менсиз дунё,
Чор-атроф обод бўлади.



Капалакнинг қанотидан
Кафан тикиб ўранг мени.
Кейин ҳоли не бўлди, деб
Маҳшаргоҳдан сўранг мени.

Атиргул

Қўйгил, тиконларинг санчма менга, гул,
Доим ёмон ўйдан йироқман, буткул,
Ёқимли бўйингни соғинди кўнгил,
Ифоринг қизғонма мендан, атиргул,

Тақдир саодатни қизғонди, етар,
Меҳрни, омадни қизғонди, етар,
Суйганим висолни қизғонди, етар,
Ифоринг қизғонма мендан, атиргул.

Юрагим тўла дард, тинглагувчи йўқ,
Йиқилсам дўст бўлиб, суягувчи йўқ,
Сендан ўзга кўнглим хушлагувчи йўқ,
Ифоринг қизғонма мендан, атиргул.

Озорли дунёда ороли гулим,
Тилларим ёнмоқда, ёнмоқда дилим.
Мурувват қилгил бир,
келмасдан ўлим,
Ифоринг қизғонма мендан, атиргул.

Илтижо

Сир тўла кўнглимни кенг очай
Пойига меҳрдан гул сочай.
Қоқилсам суянай, йиқилса суяй,
Ҳаёт, дўсти содиқ ато эт, менга.
Дўст дея жонини тикканлар қанча,
Дўст сотиб, юз қаро кетганлар қанча,
Берсанг алишмасдим жавоҳир,
ганжга,
Ҳаёт, дўсти содиқ ато эт, менга.
Отам бор, онам бор, кўнглим хуш,
Ишқ эрур дилимда сайроқ қуш,
Йўқ, чексиз саҳродай ўрни бўш,
Ҳаёт, дўсти содиқ ато эт, менга.
Бу умр йўллари шафқатсиз йўлдир,
Ярми боғ, тенг ярми саҳрою чўлдир.
Дўсти йўқни, дейди донолар, ўлдир,
Ҳаёт, дўсти содиқ ато эт, менга...

Ватан

Мусофир бўлмагунча, мусулмон
бўлмас одам
Чин инсон аталмагай юртини
сотган одам.

Ўйнаб ўтди болалигим жайрон
бўлиб тоғингда,
Ошиқ бўлиб, сармаст кездим,
райҳон териб боғингда.

Олисларда юрсам агар қароғдаги
ёшимсан,
Қиммати йўқ, ўхшаши йўқ, дилда
гавҳар тошимсан.

Ҳар нарсанинг жуфти бўлар,
сен ягона, танҳосан,
Ҳар гўшадан гўзалдирсан,
азиздирсан, аълосан...

«Ҳаётни ҳеч қачон ўйингоҳ дема...»

Рустам ЗОЙИР

Шеърим

Шеърим, ўзинг дарё бўлгин,
Шеърим, ўзинг дунё бўл.
Ошиқ аҳлин кўзи тинса,
Маъшуқага зиё бўл.

Сен Искандар кўзгуси бўл,
Руставели кўзи бўл.
Етти иқлимни титратган
Соҳибқирон сўзи бўл.

Шеърим Ҳаққа нишон бўлгин,
Имконсизга имкон бўл.
Миллат учун ишонч бўлгил,
Шоир учун қувонч бўл.

Элим

Адолатга, заковатга ошён элим,
Эзгуликдан доим кўкси
осмон элим.

Ўзбек деса ифтихорла ғурурим бор,
Истиқболдан, эрк нуридан
шукурим бор.

Асрлардан садо берган мерос
тилим,
Сенга туташ жаҳондаги барча билим.

Тинчлик билан меҳнат истар ҳар дам
элим,
Ҳур истиқлол гўшалари бунча
сўлим...

НАСИБА

Манзара

Куз ёмғири ёғди илк бор,
Тор хонамда чиқиллар соат.
Хаёлларга тополмай чора,
Мен уларга қилдим итоат.

Даста-даста қизғалдоқларим,
Йиғсам гўё тоғ бўлиб кетар.
Маъюс боққан бу кўзларимга
Бу кенг дунё тор бўлиб кетар.

Қисмат дейман, ҳаёт бир денгиз,
Унда армон сузиб юраркан.
Ҳолсизгина босган қадаминг
Кимларгадир малол келаркан...

ҲАМРОБЕК

Ҳинд қизига

Кўшни Ҳинду элидан келди
бир кун меҳмонлар
Мезбонларнинг дилидан жой олди
бу инсонлар.

Ҳиндуларнинг ичида кўзим тушди
бир қизга,
Билдирмай кўз учида қарашларим
шул қизга...

Ҳиндистонлик дилбар қиз,
қаро кўзларинг мунчоқ,
Севгим баён этишга таржимон
керак, бироқ.

Беохир-бениҳоя шайдоликка
шайдоман,
Сени севиб қолдим деб, ахир,
қандай айтоман?

Тушунмайин тилига юрагим ғамга
тўлар,
Шу қиз ўзбек элига бир куни келин
бўлар...

Дуо

Одамни одамга ёмонлама ҳеч,
Фисқу фужур, ғийбат томонлама ҳеч,
Биров ўлса, байрам нишонлама ҳеч,
Элнинг орасида ҳурматинг бўлмас.

Ҳаётни ҳеч қачон ўйингоҳ дема,
Бировнинг миннатли таомин ема,
Бандага тиз чўкиб қилсанг гар тама,
Инсонликдан нишон, хислатинг бўлмас.

Мақол бор, йигитга етмиш ҳунар оз,
Ҳунарли инсоннинг умри баҳор-ёз,
Меҳнатга ҳар қачон қилсанг эътироз,
Ҳаётингда асло роҳатинг бўлмас.

Яшаш жумбоғига бўлма бепарво,
Юрагингда олов бўлсин доимо,
Кексалардан кунда гар олсанг дуо,
Бошингда ташвишу кулфатинг бўлмас.

НОИЛА

Юрагим

Тунлари қошингда ой бўлгим келар,
Кўзингга термулиб ўтгим келади.
Бахтлиман, сен билан бутундир
бағрим,
Яшагим сени деб, ўлгим келади.

Булутга айланиб кундузларингда
Юрсам эди сенинг осмонларингда.
Соянгга беркиниб ололсам сенинг,
Бўлмас эди хаёл бўстонларингда.

Дунё

Ғийбатларга нишон қизингман,
Армонларга уммон қизингман,
Бардошларга макон қизингман,
Орзуларим сўндирма, дунё!

Мен дунё, деб бошим урмадим,
Минг ўргулиб, сохта кулмадим,
Мен биргина иймон сўрадим
Одамларга, эшитгил, дунё!

Фарзанд бўлиб, умр тиладим,
Она, сизни асрай билмадим,
Гуноҳ қилдим, гумон қилмадим,
Савобларга эргаштир, дунё!

Йўлларингда ҳайрон қизингман,
Бардош, сенинг босган изингман,
Умидлари бисёр қизингман,
Орзуларим кўммагин, дунё!

Чечак бўлай, оламга керак,
Шодлик бўлай, одамга керак,
Кимгадир чин вафодор, тиргак,
Ўшал кунга изн бер, дунё.

Мен покиза бир ишқ истадим,
Дўстки бир тан, бир жон, истадим,
Меҳр дедим, иймон истадим,
Муҳаббатни ютмагин, дунё.

Аслихон ЭРГАШ

Ўзбек аёли

Сен шундай аёлсан — элнинг
юзисан,
Ўзбекнинг ўзисан, ширин сўзисан.
Туркистон қизисан, ўзбек қизисан,
Бошида рўмоли, ибо-ҳаёли
Болага меҳрибон ўзбек аёли!

Таърифинг тор билан куйласамда оз,
Йил бўйи тинмайсан — куз, қиш,
баҳор, ёз.
Ёзмоққа таърифинг етмагай қоғоз,
Юртимиз камоли, ойдек жамоли,
Болага меҳрибон ўзбек аёли!




БИБЛИОГРАФИК ХИЗМАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Библиографик хизмат нима ва унинг инсон маънавиятини ўстиришдаги ўрни қандай бўлиши керак?

Кутубхонага илк қадам қўйган китобхон дастлаб библиографик хизматга эҳтиёж сезади. Китобхон ўзига керакли дастлабки маълумотни библиографдан олади. Четдан қараганда бу жуда оддий гапдек туюлади. Бироқ, кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ушбу жараён нихоятда нозик бўлиб, библиографнинг маҳорати жуда кўп нарсаларни ҳал қилади. Масалан, библиограф ҳар бир китобхонни руҳий-психологик жиҳатдан тезда ўрганиб олиши, унинг қизиқиш доирасини аниқлаши, ёш хусусияти, касб ва маълумотига эътибор қаратиши зарур.

Олайлик, китобхонни тилшуносликка доир адабиётлар қизиқтиради. Библиограф бу ўринда умумий ва хусусий тилшунослик, миллий тиллар бўлимлари ҳақида китобхонга қисқача маълумот бера олиши зарур бўлади.

Библиографик хизматнинг қамрови жуда кенг. Шу боисдан ҳам, библиограф китобхонни танлаган мавзу бўйича тўлиқроқ хабардор қилишнинг бир қатор воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.



Чунончи, у библиографик обзор ва библиографик кўрсаткичлар билан таништириши мумкин. Бу эса китобхон вақтини тежашга, қизиқиш доирасининг ортиб боришига кўмаклашади. Бундан ташқари, турли нашриётларда босилиб чиққан китоблар ҳақида маълумот берувчи солномалар ҳам китобхонга тавсия қилиниши мумкин. Назаримизда, адабиётлар рўйхати, библиографик обзор ва кўрсаткичлар билан танишган, мавжуд солномалардан фойдаланиш йўлларини ўрганиб олган китобхонда ўз соҳаси, танланган мавзуга бўлган ишонч борган сайин ортиб бораверади. Унинг кутубхонага келиши, кўпроқ маълумот олишга бўлган интилиши кучаяди.

Кутубхонадаги библиографик хизматнинг асосий бўғини ҳисобланадиган каталоглар китобхон учун қимматли манбалардан ҳисобланади. Маълумки, ҳозирги пайтда, одатда, алфавитли ва системали каталоглар бўлиб, ҳар қандай китобхоннинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Мавжуд каталоглардан фойдаланиш йўлларини ўрганиб олган китобхон учун билимлар хазинаси сари йўл очила бошлайди. Демак, энди унинг учун кутубхона фондидаги адабиётларни қидириб топиш, улардан фойдаланишнинг йўллари осонлашади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, китоб мухлисларини кутубхонага жалб этиш, дастлабки библиографик билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларни илм-маърифат сари йўналтиришда библиографик хизматнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, мазкур жараёнда библиограф ва китобхон мулоқоти муҳимдир. Назаримизда, бундай мулоқот узлуксиз давом эттирилиши зарур. Негаки, китобхоннинг кутубхонага ҳар бир ташрифи, мутахассис-библиограф билан ҳар бир мулоқоти давомида янги-янги билимлар эгалланади, китоб ўқишга бўлган иштиёқ кучайиб боради, китобларнинг сеҳрли жозибаси ўз кучини кўрсата бошлайди. Китоблар орқали шахснинг маънавий олами юксалиб боради. Демак, библиографик хизмат жараёни ўзўзидан объектив равишда инсон маънавиятини юксалтиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, инсон маънавиятини юксалтиришда библиографнинг хизмати беқиёс экан, ҳозирги кунда замон талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассисларимиз етарлими, деган савол туғилиши табиийдир. Фарғона водийси кутубхоналари мисолидаги кузатишларимиздан маълум бўлдики, ҳали бу борада бир талай ишларни амалга оширишимиз зарур. Чунончи, мутахассис-библиографларнинг малакасини ошириш, уларнинг имкон қадар умумий ва қомусий билимлардан хабардор бўлишига эришмоғимиз мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, айнан қомусий билимларга эга бўлиш китобхон қалбига йўл топа олишнинг асосий шартларидан биридир.

Библиограф ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ҳамда хорижда босилган адабиётлардан яхши хабардор бўлиши лозим. Акс ҳолда китобхоннинг эҳтиёжи ўз вақтида қондирилмасдан, кутубхона ўз мавқеини маълум даражада йўқотиб қўйиши мумкин. Шунингдек, кейинги йилларда библиографик кўрсаткичларнинг нашр этилмаётганлиги ҳам библиографик хизматга салбий таъсир ўтказмоқда. Республикамиздаги мутахассис олимлар, етакчи кутубхоналарнинг библиографлари тезликда истиқлол даври библиографик кўрсаткичларини тайёрлаб, фойдаланувчиларга етказиб берадилар, деб умид қиламиз.

Озода УСМОНОВА,
тадқиқотчи

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ ФОНДИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ



Маълумки, мактаб кутубхонасининг китоб фонди, асосан дарсликлар ва фаннинг турли соҳаларига доир нашрлардан, шунингдек, бадиий асарлардан ташкил топади. Айни пайтда кутубхонада синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар ҳамда вақтли матбуот нашрларининг бўлиши шарт ҳисобланади. Китоб ядроси дейилганда мактаб кутубхонасининг асосий иш мазмунини ташкил қилувчи нашрлар кўзда тутилади. Инсон камолотида мактаб асосий ўринни эгалласа, мактаб фаолиятининг узвий бўғини сифатида мактаб кутубхонаси етакчи мавқени эгаллайди. Хўш, кутубхона фонди қайси асарлар билан тўлдириб борилиши зарур?

Бугунги кунда мактаб кутубхоналари фонди миллий мафкура талабларига жавоб бермайдиган адабиётлардан деярли тозаланди. Энди шу бўшлиқни тўлдириш, бу жараёнда ёш авлод маънавий манфаатларини ҳисобга олиш зарурати етилган. Назаримда, кутубхона фондининг асосини — китоб ядросини дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ташқари ижтимоий-сиёсий, табиий ва техника фанларига доир адабиётлар ташкил қилиши лозим. Аввало, мактаб кутубхонаси фондидан Президентимиз И. Каримов асарлари, давлатимиз рамзлари: давлатимиз мадҳияси, байроғимиз ва гербимиз тўғрисидаги маълумотларнинг жой олиши мақсадга мувофиқдир. Негаки, ўқувчи қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда ушбу адабиётларнинг ўрни, аҳамияти каттадир.

Шахснинг камол топишида шахсий мутолаа муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бадиий адабиёт мутолааси ўқувчи дунёқарашининг шаклланиши ҳамда такомиллашувида, мустақил фикрлашда, оламдаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришда ниҳоятда қўл келади. Шу сабабли ҳам мактаб кутубхонаси фондининг 60-65 фоизини бадиий адабиётлар ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Кузатишлардан маълум бўладики, мактаб ўқувчилари кўпроқ болалар шоир-ёзувчиларининг асарларига қизиқадилар. Айниқса, халқ эртаклари, асотир ва ривоятлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, шеърий тўпламлар уларнинг жону дили ҳисобланади. Шунингдек, илмий-фантастик, саргузашт асарлар, табиат ҳодисалари ва ҳайвонот дунёси тўғрисидаги асарлар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Бизнингча, «Мактаб кутубхонаси», «Ажойиб кишилар ҳаёти», «Жаҳон болалар адабиёти», «Халқ китоблари» туркумидаги асарлар мактаб кутубхонаси фондидан албатта жой олиши зарур.

Ёш авлодда илмий дунёқарашни шакллантиришда табиий-илмий адабиётларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки ўқувчиларда фан асослари, унинг тарихи, шу соҳадаги атоқли олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи адабиётларга қизиқиш катта. Шу боисдан ҳам кутубхона фондини шакллантиришда юқоридаги ҳолатлар ҳисобга олиниши керак.

Маълумки, диёримиз азалдан илм-фан маркази бўлиб, дунё цивилизациясида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган. Бунинг ўзига хос сабаблари, табиий асослари бор, албатта. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди». Шу заминда туғилиб, вояга етаётган ёш авлоднинг илм-фанга, техникага қизиқиши ҳам табиийдир. Бу ҳолатни кутубхона фондини тўлдириб боришда ҳисобга олиш зарур. Бинобарин, ўқувчиларнинг умумтехникавий дунёқарашини шакллантириш, мунтазам равишда кенгайтириб бориш учун фондда техникага доир адабиётларга эътибор бериш талаб қилинади. Айниқса, асосий эътиборни болаларнинг техник ижодкорлигига ёрдам берувчи адабиётларнинг тўпланишига қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, «денгиз ортин ёритди илк бор Берунийнинг ақл машъали» деб ёзганида шоир Абдулла Орифнинг ҳам ифтихор туйғуси, ҳам келажак авлодга хитоби жаранглаб туради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мактаб таълим-тарбия жараёнида асосий бўғинни ташкил этади. Шу боисдан ҳам мактаб кутубхонаси ўз фондини таълим-тарбиянинг барча жиҳатларини қамраб олувчи адабиётлар билан тўлдириб бориши зарур. Жумладан, ўқувчига эстетик тарбия асослари ҳақида, нафис санъат турлари тўғрисида маълумот берувчи асарлар билан кутубхоналар таъминланиши шарт. Зеро, тасвирий санъат ва меъморчилик, мусиқа ва театр санъати ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ўқувчиларда санъат оламининг сир-синоатларини ўрганиш, маънавиятни ўстиришда ниҳоятда қўл келади. Айни пайтда ўзбек урф-одатлари, қадимий анъаналардан ҳам унумли фойдаланиш ҳозирги кун талабидир.

Мактаб кутубхоналари фондининг намунавий шакли ҳақида гап кетганда, бизнингча, масаланинг соф педагогик жиҳатларига ҳам эътибор бериш керак. Негаки, кутубхона фондини шакллантириш ва адабиётлар танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, китоб фондини шакллантиришда 1-3, 4-5, 6-8, 9-11-синф ўқувчиларининг эҳтиёжлари ва имкониятлари обдон ўйлаб кўрилиши лозим. Шунингдек, мактаб кутубхоналари фондида ҳар бир ўқувчига дарсликлардан ташқари ўрта ҳисобда 20 та адабиёт тўғри келишига эришмоғимиз даркор.

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берилиб, давлат миқёсида миллий дастур амалга оширилаётган бир пайтда мактаб кутубхонасининг фондини шакллантириш, зарур адабиётлар билан мунтазам тўлдириб бориш масалалари ҳам кун тартибидаги муҳим вазифалардан саналади. Чунки кутубхона зиё маскани, илм-маърифат ўчоғи сифатида ўз мавқеини ошириб бораверади. Натижада, юртбошимиз ёзганларидек, «илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб кўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар».

Ёқутхон ҚАЮМХЎЖАЕВА,
катта ўқитувчи



Гўдакнинг илк Ватани

«Инсон манфаатлари», «Оила», «Аёллар йили», «Соғлом авлод» йилларининг мантиқий давоми сифатида янги аср Ўзбекистонда «Оналар ва болалар йили» билан бошланганлиги таҳсинга моликдир. Муҳтарам юртбошимиз бу ҳақда шундай дедилар: «Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган, барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлиғини бағишлайдиган, ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз... халқимизга маъқул келади».

Ҳақиқатан ҳам табиат яратган энг буюк кашфиётлардан бири Аёл — Она бўлса, Бола — инсон келажаги, насли, меросхўри, ҳаёт чархпалагини айлантирувчи асосий кучдир. Бас, шундай экан, халқнинг, инсониятнинг биринчи тимсоли — бу гўдак вужуди узра эгилган онанинг сокин чеҳрасидир. Бола она вужудидан дунёга сиқиб чиқарилган, гўдак илк чинқириғининг сабаби шуки, у ортга — Она вужудига қайтишни истайди. Она гўдакнинг биринчи Ватанидир.

Шу маънода жорий йилда бошланган оналар ва болалар манфаатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш тўғрисида гапириб Президентимиз И.А.Каримов: «Бу борада биз аввало Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парваришлашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз, деб билишимиз керак», деб таъкидладилар.

Статистик маълумотларга эътибор берсак, республикамиз аҳолисининг 51 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, 1,5 миллион аёл соғлиғи ночорлиги туфайли туғиши мумкин эмас, Орол бўйи оналарининг 41 фоизи анемия, яъни камқонлик касали билан оғриган. Бундай оғриқ мисолларни давом эттириш мумкин. Президентимизнинг барча саъй-ҳаракатлари ана шу оғриқ нуқталарни даволашга қаратилган.

«Оналар ва болалар йили» мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда фарзандларимизни камол топтириш борасида хотин-қизларимиз олдига катта масъулиятни ҳам юклайди.

Президентимиз Ислом Каримов аёллар ҳақида фикр юритиб, «Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувозанатни поклаб, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар», дейдилар. Аёл маънавиятига, аёлнинг жамиятда тутган ўрнига бу янгича муносабатнинг моҳияти шундаки, жамиятнинг ҳар бир хотин-қиз аъзосига тўлақонли фаол шахс сифатида қараш, фаолият доирасини чекламай, балки ҳар бир ҳаётий масалада тенг ҳуқуқли ва фаол иштирок этишини таъминлаш лозимдир. Инсоният тараққиётидаги улкан мақсадларга тарбиясиз эришиб бўлмаган ва бўлмайди. Тарбиянинг илк куртаклари эса оилада шаклланади. Оила икки устундан иборат: биринчиси она, иккинчиси отадир. Соғлом маънавий муҳитнинг шаклланишида онанинг ўрни ҳамда вазифаси беқиёсдир. Албатта, иқтисодни ота таъминлайди. Она фарзандининг кўзлари очилмасдан туриб кўрган Ватани. Она фарзандининг илк мураббийси. У фарзандини аввало баданида ўз қони билан, сўнгра оқ сути билан, кейин ҳаммасидан қимматроқ нарса — оналик меҳри билан боқиб тарбиялайди.

Шундай экан, мана шу тарбиявий масалаларга боғлиқ бўлган, шарқона одатларимизни қайта тиклашимиз, оналик ва болаликни муҳофаза қилишимиз, хотин-қизларнинг оилада, жамиятда тутган фаол иштироклари таъминлашимиз зарур. Атоқли маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахриддин: «Инсонлар ҳар вақт оналари истаганлари каби бўлажаклар, агар улуғ ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, оналарга буюклик ва фозилликни ўргатингиз. Демак, кишиларнинг бахт-саодати тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия эса, асосан, оналар қўлидадир. Шу сабабли ҳам, умуман халқни тарбияли қилиш учун оналарни тарбияламоқ ҳамда шу тарбияни болаларига бера оладиган даражага етказмоқ лозимдир», дейди.

Бугунги кунда биз — аёллар ёшларимиз онгига Барчиной, Тўмарис, Қурбонжон додхоҳ, Кенагас бегимлар жасоратини, Зебуннисо, Нодирабегим, Зулфия нафосатини, Анбар Отин маърифатини сингдирмоғимиз керак.

«Инсон онасин, — деб ёзади маърифатпарвар шоирамиз Анбар Отин, — ҳар нечук донишманд энагаси деб билурмен, ул она шундоқ онадур ва моҳур донодурки, Афлотун, Лақуможис ва Дониёлни, Хизр ва Илёсни, Искандару Дорони, Луқмон ва Сулаймонни, Ибн Сино ва Улуғбек, Жомий ва Саъдийни, Навоий ва Фирдавсийни, Бедил ва Ҳайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган ғизосидан расамат бериб, тўқсон тўққиз дардни тортиб, туғиб, кўзимизни очиб, оламни кўриш қобилиятига даввору моҳир қилибдур».

Аёлни эъзозлаш, унга бокира қиз, опа, сингил, умр йўлдоши ва мўътабар Она — волида деб қараш кекса Шарққа хос хусусиятлардан, қадрли фазилатлардан бири бўлиб келган.

Қундуз НИШОНБОЕВА,
доцент



Илҳом ФАРМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Ёшлик илҳомлари

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтини битирганлар орасида энг ёш «хизмат кўрсатган артист» (йигитлар орасида) мен бўлсам керак. Муҳриддин Холиқов, Гиёс Бойтоев, Рушана Султонова, Раъно Зокирова, Каримбой Раҳмонов, Феруза Солиҳова, Анвар Санаев, Анвар Ғаниевлар ўқиган институтда мен ҳам таҳсил олганлигимдан фахрланаман.

«Талабалик — олтин даврим» деймиз. Менинг талабалигим турли сабабларга кўра бироз узилишлар билан ўтган. 1999 йили институтнинг халқ бадиий ижодиёти факультети «ашула ва рақс» бўлимини сиртдан тугатдим.

Таҳсил йиллари бастакор Раҳматжон Турсунов, ҳофиз Матназар Худойназаров, чолғучи Собир Жумаевлардан сабоқлар олганман. Санъат даргоҳига эрта кириб, элга озми-кўпми танилишимда санъаткорлар оиласида воя га етганим сабаб, деб ўйлайман. Оиладагиларнинг ҳаммасига отам Шомурод Фармонов устоз бўладилар.

Ўтган йили, 25 ёшимда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов фармонлари билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдим. Албатта, бу ишонч мен учун гаров эканлигини яхши тушунаман. Бутун ижодий фаолиятим, ёшлик илҳомларим, юрагим тўла қўшиқлар билан ўзбек миллий эстрада санъати ривожига ҳисса қўшишга, уни бойитишга, институтимиз обрўсини янада кўтаришга ҳаракат қиламан...

Кадрни қадрдан танлаймиз?

Низомиддин МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

Радио-телевидение фаолияти ҳақида тасаввур олмоқчи бўлсангиз, нақд ҳаётнинг, бугунги халқ турмушининг ўзига мурожаат қилаверинг. Мустақил Ўзбекистонимизнинг кечаги куни, бугуни, эртаси бизнинг юзлаб мавзуларга бўлиниб кетган эшиттириш ва кўрсатувларимизда ўз аксини топади. Бир кечаю кундузга нисбатан уч-тўрт баравар кўпроқ эфир тўлқинларини банд қиладиган радио-телевидение ижодий «маҳсулотлари»ни ким тайёрлайди, ким эфирга узатади, ким уни халқимиз онги ва шуурига таъсирини кузатади? Бу саволларга дафъатан жавоб топиш осон эмас. Чунки компания ходимлари мутахассислиги, касб-корлари ёки эски талаб бўйича дипломлари устида гап кетса, ҳақиқатан ҳам бу универсал даргоҳда барча соҳа мутахассисларини учратишингиз мумкин.

Муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчилар, тарихчи-этнографлар, филолог-театршунослар, рассом-дизайнерлар, сухандонлар, операторлар, пардозчилару менежерлар, либосчилару режиссёрлар ва табиийки, журналистлар ҳамда актёрлар. Бу рўйхатни яна давом эттирса бўлади. Бизнинг ходимларимиз орасида етти ухлаб тушингизга кирмаган ноёб касб эгаларини ҳам топишингиз мумкин. Биз ўзимизга ижодий ходим танлаганда Миллий университет, Жаҳон тиллари университети (халқаро журналистика факультетлари), Консерватория, М.Уйғур номидаги Санъат институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Жаҳон дипломатияси ва иқтисоди университетларидан кадрлар танлаб ишга оламиз.

Бу тоифа олий даргоҳлар орасида, кейинги сўровлар бўйича олдинги ўринни эгаллаб турган Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтидир. Сўнгги йилларда радиода ҳам, телевидениеда ҳам бу институт кадрлари кўпчиликни ташкил этишаяпти. Бунинг сабаби нимада? Бош сабаби бу ўқув юрти — радио-телевидение соҳаси учун универсал кадрлар тайёрлаб берганида. Маданият институтининг у ёки бу факультетини битказган ёки сиртдан ўқиб турган талабасини бизнинг исталган таҳририятимизга ташласангиз, сувга тушган балиқдек эркин ҳаракат билан фаолият кўрсатиб кетиши мумкин. Ҳозирги кунда журналист, режиссёр, актёр, сухандон, мусиқа, чироқ усталари ва бошқа ўнлаб касб-ҳунар билан шуғулланиб келаётган фаол ходимларимизнинг кўпчилигини айнан «маданиятчи»лар ташкил этмоқда.

Тошкент Давлат Маданият институти бизнинг компаниямиз учун асосий кадрлар етиштириб берадиган етакчи олий ўқув даргоҳига айланиб улгурди. Айниқса, мустақиллик йилларида кадрларимизнинг катта қисмини айнан шу олий даргоҳ битирувчилари ташкил этмоқда.

Собир МИРВАЛИЕВ,
профессор

МАЪНАВИЯТ УФҚЛАРИ




Миллий маънавият ниҳоятда кенг уфқли, чуқур ва бой маъноли тушунча бўлиб, ҳар бир халқнинг маданий-маърифий юксаклиги мезони ҳамдир. Шу туфайли у бир вақтда маданият, маърифат ва мафкура тушунчаларини ўзида сингдиради, улардаги маъно ва мазмунни бойитиб, тўлдириб туради. Зеро, маънавият тушунчасининг ниҳоятда кенг ва чуқур маънога эгалиги унга бирор бир аниқ ва тугал таъриф беришни ҳам қийинлаштиради. Шу туфайли матбуотда бу ҳақда фикр юритаётган бир қатор олимлар берган ва бераётган таърифлар кўп ҳолларда баҳсли ва бу ҳақда тўла, аниқ таъриф беришга даъвогар бўлмаган ҳолда маънавият — бу одамийлик, инсонийлик мажмуаси, имонли, эътиқодли инсон мақоми деган оддий таъриф билан кифояланмоқчимиз. Чунки мустақиллик конституциясида жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деб таърифланади. Шу асосда «Фуқаро — жамият ва давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ва илмий ечими кашф этилади. Бинобарин, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб»ида: «Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидур ва барча халқлар учун ёқимлидир» деганида инсондаги шу улуғ одамийлик фазилатлари ардоқланади. Одоб ва ақл чироғи ҳам ана шу инсон деган хулосага етаклайди. Кайковус эса яна бир ибратли гапни айтади: «...мол билан бой бўлғондан, ақл билан бой бўлғон яхшидир.... Ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билки, ақл бир молдирки, уни ўғри олмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас». Демакки, маънавият деган ноёб неъмат ўтда ҳам ёнмайди, сувда ҳам чўкмайди, ўғри ҳам ололмайдиган бир мўъжиза. У инсонни табиат ва ҳайвонот оламидан ажратиб, фарқлаб турувчи сўнмас бир нур, қуёшдир.

Хўш, нега бугун истиқлол даврида-гина маънавиятга, маънавий-руҳий тарбияга бунчалик катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, кишиларни маънавий руҳда тарбиялаш Ўзбекистонда давлат иши даражасига кўтарилмоқда.

Мафкура кишилар, қачонки жамоа, оила, жамият бўлиб уюшгандан сўнг пайдо бўлади. Оила мафкураси, жамоа ва жамият мафкураси бўлиб шаклланади. Маънавият-чи? У инсоннинг ўзи билан бирга туғилади, мафкура тушунчасига қараганда ниҳоятда кенг кўламли ва чуқур маънолидир. Шу туфайли, у бир вақтда, маданият, маърифат ва мафкура тушунчаларини ҳам ўзида сингдиради. Шунинг учун маънавият тушунчасининг маърифат, маданият ва мафкура тушунчасига қараганда, ниҳоятда кенг кўламли ва чуқур маъноли эканлигини белгилайди. Нега деганда, маънавият инсон ҳали хатсаводли, маърифатли, маданиятли бўлиб улгурмасдан олдинроқ унинг тили, онги, тафаккури билан дунёга келади. Одамийлик, инсонийлик каби асосий сифат белгилари, фазилатлари шакллана боради. Соддароқ қилиб айтганда, инсон оқ-қорани, яхши-ёмонни, хунуклик ва гўзалликни англай бошлайди. Табиатга, жонзотга ва дунёга қизиқиш уйғонади. Зеро, маънавият қандайдир бир жонзот ёки бирор бир маҳсулот белгиси, хусусияти бўлмай, балки ҳазрати Инсоннинг сифат, инсонийлик даражаси, одамийлик унвони бўлиб барқарорлашади. Маърифатсиз эса юксак маданият ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, маърифат тушунчасини пайдо бўлиши инсониятни маданият томон етаклайди. Олимларимизнинг қайд этишларича, токи Қуръони карим вақий бўлиб, ерга — инсонга етиб келгунча ҳам одамлар яшаган, демак, маънавияти бўлган, бироқ, Қуръони карим пайдо бўлиб, ислом зиёси, маърифати тарқалгач, оммавийлашгач, мавжуд маънавият янгидан бойиб, чуқур маънога, маърифат ва маданият маъносига кира бошлади. Қисқаси, маънавият тушунчаси қачонки маърифат ва маданият тушунчаларини ўзида сингдиргандагина тўла ва бутун маънога киради. Улар ҳеч қачон бир-бирини инкор этмайди. Аксинча, узвий бирликда мукаммаллашиб боради, камол топади. Маънавият ҳаётнинг ўзи каби кенг ва беқиёс бўлиб, инсоннинг ўзи каби сеҳрли ва сирли бир уммондир. Маънавиятсиз шахс бўлмайди. Бироқ, у кимдадир суст роқ, ўртачароқ, кимдадир юксакроқ бўлиши мумкин. Унинг даражаси, аввало, у ёки бу шахснинг имони, эътиқоди ва масъулиятлилигига боғлиқ. Негаки, кимда ким имонли, инсофли, диёнатли ва қолаверса, маърифатли, маданиятли бўлса ундан ёмонлик чиқмайди. Ёмонлик чиқмаслигининг ўзи буюк яхшилик. Буюк Навоийда бир гап бор: «Қўлингдан келса яхшилик қил, бордию, яхшилик келмаса ёмонлик ҳам қилма». Ёмонлик кўчасига кирмасликнинг ўзи катта яхшиликдир. Бироқ, шунинг ўзи юксак маънавият эгаси дейиш учун ҳали етарли эмас. Юксакликка кўтарилиш учун инсонда юксак эътиқод ҳам бўлиши даркор. Эл-юртга, оилага ва ҳатто ўз касб-ҳунарига эътиқодсиз яшаб бўладими?

Маънавият тушунчаси ҳам умумий, яхлит ҳолда (масалан, жамият маънавияти), ҳам якка тарзда мавжуд бўлади. Яъни, ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар бир жамоа ва, ҳатто ҳар бир касб-ҳунар эгасининг ўзига хос шаклланган маънавияти бўлади. Маънавий тарбия воситалари ва усулларига келганда шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, бунда ҳар бир халқнинг шаклланган ҳаётий-тарихий тажрибалари, урф-одатлари, қадриятлари ва адабий, маданий мероси ва анъаналарига таянмоқ кўпроқ самара бериши мумкин.

Радиодан гапирамиз...



Бошланган XXI асрни ахборот асри дейишмоқда. «Ким ахборотга эга бўлса, у дунёга эгадир» деган янги мақол бежизга пайдо бўлмаган. Аждодларимиз ҳам бу ҳақда «Огоҳдурсен — шоҳдурсен, шоҳдурсен — огоҳдурсен» деган ҳикматли ўгитлар қолдирганлар. Ахборотга эга бўлган инсоннинг маданияти юксалади, маърифати ошади.

Фараз қилайлик, телевизор, радио, умуман матбуот йўқ бўлиб қолди. Гўёки ҳаёт тўхтаб қолгандай туюлади. Чунки улар ҳар бир хонадонга, қолаверса, кишилар онги ва қалбига ҳар куни янгидан-янги хабарлар, маълумотлар олиб киради.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳар бири ўзига хос имкониятларга эга. Радио овоз орқали, телевидение эса овоз ҳамда тасвир орқали одамлар онги ва шуурига таъсир этади. Охирги социологик тадқиқотларни кузатадиган бўлсак, инсон ўзи учун зарур ахборотнинг 80-90 фоизини телевизордан, 60-70 фоизини радиодан, 40-50 фоизини газета ва журналлардан олар экан.

Тўғри, телевиденеига бугун қанчалик талаб кучли эканлигини инкор этиб бўлмайди. Радионинг ҳам телевидениедан фарқли ўлароқ катта имкониятлари мавжуд. Телевизор кўрсатувларини тўла-тўкис тушунишимиз учун эътиборимиз, нигоҳимиз фақат экранда бўлиши талаб этилади. Радиони эса хоҳлаган пайт ва вазиятда эшитишимиз мумкин. Хоҳ ишда, хоҳ йўлда бўлсин, уни тинглаб бошқа ишларимизни амалга оширишимиз мумкин. Лекин радио ҳам одамдан тинглаш маданиятини, идрок, вақт ажратишни талаб қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин радиода миллий тилда эшиттиришлар ҳажми кескин ошди. Қадриятлар, урф-одатлар, маънавий бойликлар, давлат тили, миллий мафкура масалаларига бағишланган эшиттиришлар кўпайди. Ўтиш даврининг бозор иқтисодиёти, хусусийлаштириш, ишбилармонлик муаммоларига бағишланган эшиттиришлар тайёрлашга кўпроқ эътибор берилди. Ўзбекистон радиосида бир кунлик радио эшиттиришлар ҳажми 78 соатдан ошиб кетди.

Эшиттиришлар Республика радиосининг Бош тахририятлари ва бўлимларида тайёрланади. «Ахборот», «Оқшом тўлқинлари», «Субҳидам», «Газалхонлик», «Очиқчасига гаплашайлик», «Сайёрамиз садоси», «Камалак» мусиқий-ахборот дастурларида мамлакатнинг сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги муҳим воқеалар ёритилади. «Халқаро ҳаёт», «Халқаро ҳаётнинг долзарб муаммолари» рукнлари остидаги алоҳида эшиттиришларда эса дунё воқеалари, республиканинг халқаро алоқалари шарҳланади. Қишлоқ хўжалиги («Қишлоқ ҳаёти»), саноат ходимлари («Талаб ва таклиф», «Иқтисод алифбоси»), болалар ва ўсмирлар учун («Келажак тонги», «Ўсмир»), ота-оналар учун ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган («Ҳар бола — бир дунё», «Маърифат истар кўнгил») алоҳида туркум эшиттиришлар мунтазам бериб борилади.

Адабий-драматик эшиттиришлар дастурида ўзбек адиблари ҳамда чет эл ёзувчилари ва шоирларининг энг яхши асарлари асосида радиоспектакллар, радиопостановкалар тайёрланиб, дам олиш соатларида берилади. «Театр микрофон олдида» туркумида ўзбек миллий театрининг сара асарлари танлаб бериб борилади. «Гулшан», «Табассум» радиожурнали, «Шеърий лаҳзалар», «Жаҳон адабиёти» туркумидаги эшиттиришларда таниқли ёзувчи, шоир, адабиётшунос, танқидчилар, маданият арбоблари чиқиб халқ билан мулоқотда бўлмоқдалар. Кўшиқ ва куйлар кундалик эшиттиришларнинг талай қисмини ташкил этади.

1963 йилда ташкил этилган «Ёшлик» радиостанцияси бугунга келиб «Ёшлар радиоканали» номи билан тўғридан-тўғри эфирга чиқа бошлади. Ундаги ранг-баранг эшиттиришлар навқирон авлод ҳаётига чуқур сингиб бормоқда. Унинг ёшларни меҳнатсеварликка, одоб-ахлоққа, чуқур билим олишга, касб-ҳунар ўрганишга, ўз маданияти, маърифатини оширишга даъват этувчи эшиттиришлари, айниқса, эътибор қозонмоқда.

«Турон», «Замон», «Ёғду», «Осиё» гуруҳлари ижодкорларининг 1999 йилдаги эшиттиришларига назар солиб кўрайлик. «Турфа олам», «Турон жумбоғи», «Сухбатдош», «Синфдош», «Фақат сиз учун», «Тингловчининг дил изҳори», «Куйларим осмон», «Бозор алифбоси», «Тарих ва ёшлар» рукнлари остида берилган эшиттиришлар «Турон» гуруҳининг ижод маҳсули бўлган.

«Тингловчининг дил изҳори» саҳифаси ўз тингловчисига эга. Инсон ҳаётини дарёга қиёсласак, оқим дарё қирғоқ тошларига урилиб, қийинчилик билан манзилига етиб боради. Телефон гўшагидан студияга етиб келаётган овоз соҳибининг ечилмаган муаммолари, дард-аламн тингловчини бефарқ қолдирмайди. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас» деганларидек, эшитилган дардли муаммо маълум дақиқалар ичида, тингловчиларнинг баҳсли жавоб қўнғироқлари орқали бартараф этилади. Бу билан нафақат эшиттириш қаҳрамони, балки шунга ўхшаган муаммо эгалари ўзлари учун керакли маълумотларга эга бўладилар. Яна бир томони, бехосдан эшитиб қолган тингловчи ҳам шу дардли муаммолар дарвозасига яқинлашмасликка ҳаракат қилади. Ўзига жалб қила олган эшиттириш ёш тингловчиларни эркин фикрлашга ўргатади.

Мустақилликка эришилгандан кейин нодавлат, яъни хусусий радиоканаллар ҳам пайдо бўла бошлади. Булар «Радио Грант», «Сезам», «Водий садоси», «Ўзбегим таронаси», «Ҳамроҳ» номлари билан эфирга узатилаётган каналлардир. Шуни эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини «тўртинчи ҳокимият» сифатида намоён қилганлари йўқ. Президентимиз Ислом Каримов 1996 йил 26 август биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида ана шундай камчиликлар ҳақида ўз фикрларини баён этган эди. Очиғини айтганда, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шаклларини эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида, радио-телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди.

Профессионал ва талантли журналист, сиёсатшунос ва шарҳловчи танқислиги сезилмоқда. Уларда дадиллик, фикр кенглиги етишмаяпти. Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт, айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур.

Ўзбекистонда тузилган Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси назаримда айнан шу мақсадга хизмат қилади. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Улуғбек МАРДОНОВ,
аспирант

Маҳорат калити

(Маданият ходимлари малакасини ошириш муаммолари)



Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг 1997 йил 25 ноябрь, 2000 йил 23 августдаги «Маданият ходимларининг малакасини ошириш тўғрисида» 268, 200-сонли махсус буйруқларига биноан, 1997-2000 ва 2001-2002 йилларда Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари ўқитувчилари, театр, музей, кутубхона, маданий-маърифий муассасалар ходимлари малакасини оширишга мўлжалланган ўқув дастури ишлаб чиқилди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг малака ошириш факультетида ҳам маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналарнинг ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириб бориш иши йўлга қўйилган.

Институт раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан малака ошириш учун келувчиларга ижодий шароит яратилди, ётоқхонадан алоҳида жиҳозланган хоналар ажратилди.

Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида ҳар бир мутахассислик йўналиши гуруҳи учун мустақиллигимиз мафкураси, миллий ғоя мавзуида ўқув-услубий режалар ишлаб чиқилди.

Тингловчиларга машғулотлар ўтиш учун институтимизнинг 20 дан ортиқ тажрибали мутахассис профессор-ўқитувчилари, доцентлари, фан номзодлари жалб этилди. Факультетда М. Бекмуродов, А. Мавруллов, Ё. Якубова, Э. Йўлдошев, Р. Турсунов, Р. Неъматов, А. Назаров, А. Шокиров каби профессорлар, Ш. Шамсиев, М. Туропов, К. Расулов, М. Маҳмудов, С. Йўлдошева, Н. Қосимов сингари малакали доцентлар дарс машғулотлари олиб бормоқдалар. Шунингдек, Маданият ишлари вазирлигининг етакчи мутахассисларидан: вазир ўринбосари Б. Абдураҳимов, бўлим бошлиқлари И. Дехқонов, Ғ. Нарзуллаев, Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи М. Солиҳовлар ҳам дарс машғулотларини қизиқарли ва юқори савияда ўтказмоқдалар.

Президентимиз И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар».[1]

Факультетимиз шу даъват асосида ўз ўқув режаларини янада такомиллаштирмоқда. Бугунги кунда малака ошириш факультети тингловчиларига профессор-ўқитувчиларнинг «Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда оммавий кутубхоналарнинг ўрни ва вазифалари», «Кутубхоналар, маданий-маърифий муассасаларда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини тарғиб қилиш усуллари», «Кутубхоналарда болаларни маънавий тарбиялашнинг асосий йўналишлари», «Маданий-маърифий муассасаларда ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш миллий истиқлол ғоясининг муҳим қирраси» каби ўнлаб маърузалари муайян аҳамият касб этмоқда.

Ўқув дастурига миллий маданиятимиз, турмуш тарзимиз, ахлоқ-одоб ва анъаналаримизнинг ўзига хос томонларини белгиловчи «Оила маданияти», «Турмуш гигиенаси», «Атроф-муҳит муҳофазаси», «Маданият ходимининг одоби», «Маънавият ва маданият» каби мавзулар киритилган.

«Ўзбекистон маданияти тарихи»дан 30 соатлик дастур ишлаб чиқилиб, амалда ўқув жараёнига жорий этилган.

Дарсларни мазмунли ўтиш, тингловчиларнинг ғоявий-назарий ва профессионал савиясини ошириш йўллари белгилаб олинган.

Ўқув режаларида амалий машғулотларга ҳам кенг ўрин берилади. Таълимнинг семинарлар, баҳслар, тематик дарслар, давра суҳбатлари, касб ўйинлари, компьютер машғулотлари, муайян ишлаб чиқариш ҳолатини ўрганиш, амалий машғулотлар, эришилган ютуқлар билан ўртоқлашиш каби фаол шакл ва услублари ҳам кенг қўлланиб келинмоқда.

Бундан ташқари, вилоятлардан малака оширишга келган тингловчиларнинг маънавият, маърифат ва маданият янгиликларидан хабардор бўлишлари учун Ўзбекистоннинг машҳур адабиёт, санъат, маданият арбоблари билан мунтазам учрашувлар ташкил этилмоқда. Тошкент шаҳридаги Аброр Ҳидоятов, Муқимий театрларига, «Туркистон», «Халқлар дўстлиги» концерт кошоналарига ҳамда музей заллари ва бошқа маданий-маърифий масканларга сайрлар уюштирилмоқда.

Мақсад факультетимизда малака ошириш учун келган кутубхоналар ва маданий-маърифий муассасалар ходимларининг янги, замонавий мезонлар асосида фикрлашига эришишдир.

Ўзбекистонда 58 минг 400 маданият ходими ишлайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботи долзарб бўлиб турган ҳозирги шароитда малака ошириш факультетининг иш фаолияти бир маромда бориши учун дастурга мувофиқ тингловчиларни вилоятлардан ўқишга тўлиқ келишини таъминлаш ғоят муҳимдир. Вазирликнинг малака ошириш тўғрисидаги буйруғида ходимларнинг малака ошириши учун белгиланган муддатда олий ўқув юртига етиб келишларини таъминлаш жойлардаги маданият ва санъат муассасаларининг раҳбарлари зиммасига юклатилган. Мазкур буйруққа амал қилган кўпчилик вилоятларнинг маданият ишлари бошқармалари ўз тасарруфидаги ходимларни йил давомида малака оширишга юбориб, бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса Президентимизнинг: «Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи, биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин», деган умидбахш сўзлари ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун мўътабар бўлиб қолмоқда. Демак, ижтимоий тараққиётга ривож берадиган, уни мустаҳкамлайдиган, замон билан ҳамнафас, фидойи мутахассисларни тайёрлаш вақти келди. Бу ишга жойлардаги маданият ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда институтимиз малака ошириш факультети ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
малака ошириш факультети декани

[1] *Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000, 5-6-бетлар.*

Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти, республикада хизмат кўрсатган «Ялла» ансамбли бадиий раҳбари

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ



Жонажон институтим — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият олий илмгоҳидан қўнғироқ қилиб, ўзим ўқиган даргоҳ ҳақида таассуротларим, унинг истиқболи учун ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ўртага ташловчи мақола ёзиб беришимни таклиф қилишди. Бош устига қабул қилдим.

Шундай баҳс эсимда бор: «Ўзбек халқидек қадим маданиятли миллат учун Маданият институти керакми? Бундай институт янги, энди цивилизацияга кириб келаётган халқлар учун зарур, бироқ бизда бунга эҳтиёж йўқ», деган одамлар бўлган.

Кейинроқ консерватория, Санъат институти, Маданият олийгоҳини бирлаштириб, ягона Маданият университети таъсис этиш таклифи билан чиққан «қаҳрамонлар»ни ҳам биламиз.

«Вақт — олий ҳакам» дейдилар. Ўзбекистондай юксак маданият вориси бўлган мамлакат учун ҳам барибир шундай олий ўқув даргоҳи зарурлигини замоннинг ўзи тақозо қилиб турибдики, буни ҳеч бир соғлом фикрли инсон инкор қилолмайди.

Ўтган асрдаги тоталитар тузумда ҳам инсон онги ва қалби учун кураш жамиятнинг бош ғоявий муаммоси бўлган. Институт колхоз-совхозлар, ижроия комитетлари раисларига маданий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарлар, маърифатли кутубхоначилар тайёрлаб чиқарган.

Бугун, мустақилликнинг 10 йиллиги нишонланаётган янги замонда-чи? Миллий истиқлол ғоясининг халқ орасидаги, жойлардаги вакиллари, байроқдорлари кимлар бўлиши керак? Бундай маърифатчи, мафкурачи мутахассисларни қайси олий ўқув юрти етказиб беради? Ўзбекистонда олий таълим тизимида айнан Маданият институти мана шу оғир, мушкул, масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган деб ҳисоблайман.

Бу даргоҳнинг халқимизни нафосат, истеъдод, ижод дарёсидан баҳраманд қилишдаги хизматларини алоҳида қадрлайман. Исталган вилоятнинг узоқ қишлоғидан келган талаба тезда бадиият, маданият вакилига айланади. Ўзи тарбиялангач, ўзгаларга ўргатади. Бир сўз билан айтганда, бу манзилда истеъдод ғунчалари гул бўлиб очилади. Ўз ифори билан халқ дидини ўткирлаштиради.

Шу ўринда талант тарбияси муаммосига тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда ёш (ҳатто гўдак) истеъдодлар бодрокдек потирлаб очилиб, рўёбга чиқмоқда. Саҳнада, телевидение, радио, кинода 3-5 яшар болаю қизалоқлар ҳамманинг оғзига тушмоқда. Бола актёр, ҳофиз, раққоса, шоир, бошловчилар кундан-кун кўпайиб бормоқда. Вилоятларда бундай талантлар сон-саноқсиз. Буни ҳам эркин мамлакатнинг маънавий мевалари деб тушунайлик.

Ўзбекчиликда «кўз тегмасин, ёмон кўздан асрасин» деган ибора бор. Бу сўзнинг мағзини чақадиган бўлсак, «ҳар иш ўз вақти-соатида, маромида бўлгани тузук» деган маънони уқамиз. Бундай фарзандларимизнинг нишона берган истеъдодларини намойиш қилишга ошиқиб, ғунчаларни бевақт сўлдириб қўймасмикинмиз? Ҳали шаклланиб, вояга етмаган ёш новдалар олдиндаги ёз жазирамаси, қиш қаҳратонларига бардош беролмай бевақт нобуд бўлмасмикин?

Истеъдодни пайқаб, аниқлаш бошқа, шошиб намойиш қилиш бошқа, уни авайлаб-асраб узоқ йиллар (бир умр!) давомида тарбиялаб, камолга етказиб сақлаб қолиш бу бошқа гап. Ўнлаб истеъдодлар бир-икки йилдан кейин қумга сингган томчидай дом-дараксиз кетди. Болалигидан ярқ этиб халқнинг кўзига тушган Достон Убайдуллаев деган бир истеъдодимиз бор. Қўшиқ айтди, роль ижро этди. Кўз ўнгимизда ўсиб-улғайиб борди. Уни отаси, тоғаси, оиласи ва атрофидаги ижодий муҳит сақлаб, тарбиялаб, парваришлаб келди. Ҳали ҳам у шу шароитда, ижодий иҳотада тарбия топмоқда. Бугун чиққан болаларимиз учун шундай муҳит, кафолат ва масъул валломат топиладими? Ижобий жавоб беришга қийналаман...

Маърифат ва маънавият фидойилари меҳнат қилиб, ҳур ва озод юртимизга чинакам истеъдодлар гулдастасини етказиб бераётган қадрдон олий даргоҳимга янада равнақ, юксак ижодий парвозлар тилаб қоламан.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

АВЕСТО

Рашн қасидаси
(Рашн яшт)[45]

Энг ростгўй Рашн, оламларга кенглик бағишлагувчи жаҳонпарвар, кўнгилларга ҳаққоний сўз индиргувчи илоҳ Арштодга хушнудлик бўлсин.

1

Ашаван Зардушт сўради:

— Эй, ашаван Аҳура Мазда!

Эй, ҳар неники сўрсанг огоҳ ва чалғимас Зот! Эй, адашмас Тафаккур! Эй, алданмас ва ҳамма нарсадан воқиф!

Мен Сенга юзландим ва ҳақиқий сўз билан сендан сўрайман, жавоб бер:

— Мумтоз мансараларнинг қай бири ростлик ва дурустликда барча яратилмиш ҳодисалардан энг қамровли, энг ардоқли, энг қудратли, энг ишчан ва энг собитдир?

2

Шунда Аҳура Мазда деди:

— Эй, ашаван Сипийтмон!

Ҳақиқатда мен сени ростлик ва дурустликда мумтоз бўлган энг қамровли, энг ардоқли, энг қудратли, энг ишчан ва собит мансарадан огоҳ этаман.

3

Аҳура Мазда деди:

— Бир қучоқ барсамни Қуёш йўлига ёйгил-да дегил:

— Биз адолат истовида бу ерга келдик. Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен бу вар[46] маросимида Аҳура Маздани бир дўст каби барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

4

Бас, мен — Аҳура Мазда шунда фирўз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда халқ қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошгайман. Ушбу вар маросими, олов сари, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон етиб бораман.

5

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

6

Шунда қудратли Рашн фирўз Бод, Дамуйиш, Упамана, каёний Фарр, ва Мазда ирода қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

7

— Эй, ашаван Рашн! Эй, энг ростгўй Рашн! Эй, мумтоз Рашн! Эй, донолардан донороқ Рашн! Эй, ҳаммадан дуруствроқ танигувчи Рашн! Эй, олисларни ҳаммадан яхши кузатгувчи Рашн! Эй, узоқ-узоқларни ҳаммадан бурун кўргувчи Рашн! Эй, адолат истовчилар додини тинглагувчи Рашн! Эй, ўгриларни яксон айлагувчи Рашн!

8

Агар сен озурда бўлмасанг, адолат истагувчини мақсуд манзилига еткарасан. Захмларга ҳаммадан яхши малҳам бўлурсан. Ўгри ва қароқчиларни ҳаммадан кўра яхшироқ нобуд айлайсан.

9

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Аризаҳий[47] ўлкасида бўлсанг ҳам биз сени имдодга чорлаймиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Рашн фирўз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

10

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Саваҳий[48] ўлкасида бўлсанг-да, биз сени имдодга чорлагайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Рашн фирўз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошилгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

11

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Фрада Дафшу[49] ўлкасида бўлсанг ҳам, биз сени имдодга чорлагайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Рашн фирўз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошилгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

12

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Вайда Зафшу[50] ўлкасида бўлсанг-да, биз сени имдодга чорлагайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Рашн фирўз Бод, Дамуйиши Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошилгайдир. Ушбу вар маросими олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

13

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Вуавру Бариштий[51] ўлкасида бўлсанг-да, биз сени имдодга чорлагайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истагаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Рашн фирўз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдод бермакка шошилгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

14

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Вуавру Чариштий[52] ўлкасида бўлсанг-да, биз сени мададга чорлагаймиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда забардаст Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато айлаган тақдир билан сенга мадад қўлини чўзгайдир.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

15

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен порлоқ Хунярса[53] ўлкасида бўлсанг-да биз сени мададга чорлагаймиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда забардаст Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгай.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

16

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Фароғ Карт дарёсида бўлсанг ҳам, биз сени ёрдамга чорлагайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда қудратли Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

17

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Фароғ Карт дарёси ўртасидаги симурғ ин қурган дарахт учида бўлсанг-да, биз сени имдодга чорлаймиз. Бу дарахт асли доривордир. Уни ҳамманинг табиби — шифобахши деб атайдилар. Барча гиёҳларнинг уруғи ана шу дарахтга қўйилгандир.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда қудратли Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

18

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен Рангҳа дарёси сарчашмасида бўлсанг-да биз сени имдод сари чорлайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дўстни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда забардаст Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

Изоҳлар:

45. Рашн яшт — «Авесто»нинг йигирма бир яштидан ўн иккинчиси. Ушбу яшт 38 банддан иборат бўлиб, илоҳ Рашн шаънига бағишлангандир.

46. Вар — «Авесто»да «Варангҳа». Ўзаги — вар. «Танламоқ», «инонмоқ» маъноларини билдиради. Дурустни нодурўстдан, тўғри амални нотўғри амалдан ажратувчи диний маросимлардан. «Динкарт»нинг саккизинчи китобида ёзилишича, қадимий «Авесто»нинг ўн саккизинчи наски («Скотум наск») турли хилдаги варлар хусусида экан. Бугунги «Авесто»да «вар» ёлғиз «Рашн яшт» (3-6-бандлар) ва «Хурда Авесто»да («Гаҳанбар хилқати», 9-банд) дуч келади ва бошқа ўринда сира учрамайди.

Диний паҳлавий матнларнинг гувоҳлик беришича, турли варларнинг саноғи 33 тага етар экан. Бошқа бир манбада келишича, Яснадан 6 банд (36-ҳот) «Иссиқ вар»нинг олти хил тури ҳақида экан. «Хурда Авесто»да ҳам («Гаҳанбар хилқати», 9-банд) «Гариму варангҳа» («иссиқ вар») хусусида сўз юритилади. У «совуқ вар» қаршисидан ўрин олган.

«Динкарт» китобининг шаҳодат беришича, қадимда бир неча хил варлар мавжуд бўлган, чунончи, «гарумак вар» («иссиқ вар»), «барсамак вар» («барсам иштирокидаги вар») ёхуд «Паурухўрон» ва ҳоказо. Сўнгги маросимда гўё икки даъвогар томон заҳар тановул қилар, Ҳақ томон, гўё бу синовдан сиҳат-саломат чиқар эмиш. Бу одат ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор.

«Қиздирилган темир» ёхуд «эритилган кўрғошин» каби одатлар ҳам варларга мансуб синов ҳисобланган. Жуда кўплаб паҳлавий манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Динкарт», «Ардовирафнома» ва ҳоказо) мўбадлар мўбади Под Меҳросипанд Озар «Авесто» китоби, маздапарастлар диннинг ҳақлигини исботлаш мақсадида қўксига эритилган кўрғошин қуйишларига ижозат беради. Қачонки унинг кўкрагига эритилган кўрғошинни қуйишади, ҳеч қандай асорат сезилмайди.

«Қасамнома» китобининг ёзишича, («Ривоят» китобидан, Бомбай, (922) Под Меҳросипанд Озарнинг кўксига тўққиз ман қайнаган кўрғошин қуядилар. Бу синовнинг номи «вари найранг».

«Шойист ношойист» китобида ривоят қилинишича (15-бўлим, 15-17-бандлар), эритилган кўрғошин синови шундайки, унда қайнатилган кўрғошин суви кўкрак устига қуйилади. Кўкрак куймайди. Под Меҳросипанд Озар шундай яшадики, унинг кўксига кўрғошин қуйганларида у соғилган сутнинг таъсирини ҳис қилди. Бироқ қиздирилган кўрғошиндан гуноҳкор кўксига томизилган эди, унинг танаси куйиб, ўзи ҳалок бўлди.

«Ёндирилган олов» синови ҳам варлардан бўлиб, «Шоҳнома» достонида пок Сиёвушнинг икки хурмон олов ўртасидан бешикаст ўтиб кетиши айнан ана шу маросимдан гувоҳлик беради.

«Рашн яшт»да (3-6-бандлар) айрим варларнинг номи зикр этилади: «олов вари», «барсам вари», «лиммо-лим кафт вари», «мой вари», «гиёҳ шираси вари». Бироқ бу варларнинг аниқ мазмунини билиш бирмунча мушкул. Авестошунос Иброҳим Пурдовуднинг айтишича, «мой вари» эҳтимол доғ қилинган мойнинг бирор андомга қуйилиши. «Гиёҳ шираси вари» эса эҳтимол икки муддаъийга заҳар ичириш маросимидир.

Юқорида эслатилган яшт бандларида илоҳ Аҳура Мазда Зардуштга шундай таъкидлайди: «Одамлар шу қадар пок, тўғри ва бегуноҳ бўлмоқлари лозимки, шундай синовлар чоғи титроққа тушмасинлар, пойдорлик кўрсатсинлар».

47. Аризаҳий — етти иқлимнинг бири. Бу манзил гўё дунёнинг шарқий қисмида эмиш.

48. Саваҳий — етти иқлимдан бири. Ер куррасининг ғарбида жойлашган.

49. Фрада Дафшу — етти иқлимдан бири. Дунёнинг жанубий-шарқий ўлкаларидан.

50. Вайда Зафшу — етти иқлимдан бири. Дунёнинг жанубий-ғарбий қисмидаги ўлкаларидан.

51. Вуавру Бариштий — дунёнинг шимолий-ғарбида жойлашган ўлка. Етти иқлимнинг бири.

52. Вуавру Чариштий — дунёнинг шимолий-шарқида жойлашган ўлка. Етти иқлимнинг бири.

53. Хунярса — етти иқлимнинг энг улуғ ўлкаларидан бири. Айтишларича, Хуросон шу ўлка ҳудудида эмиш.

А.Сомеъ *таржимаси*

(Давоми бор)



Ашурали ЖЎРАЕВ

Ҳаётнинг жажжи сабоқлари

Ашурали ЖЎРАЕВ 1956 йил Навоий вилоятида туғилган. 1978 йилда Тошкент Давлат Маданият институтининг кутубхонашунослик факультетини тугатган. Айни пайтда «Муштум» журнали ва унинг иловаси «Афанди» газетасининг бош муҳаррири. «Тошбақалар пойгаси», «Юрак бўронлари», «Ўқ узган ким?», «Сенга кўнгил берсам» китоблари муаллифи.

1999 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлган.

Болаликдан то кексайгунга қадар «одам бўл» деб такрор-такрор айтишади. Наҳотки, одамнинг бутун бир умри одам бўлиш учун етмаса?..

* * *

Чироғинг мудом ёниб туришини истасанг, ҳар қандай шамолнинг йўлини ўз вақтида тўсгин.

* * *

Хато қилиб, кечирим сўраш — жасорат. Кечирим сўраб, амал қилиш — мардлик!

* * *

Минг машаққатлар билан эшикни очсанг-у, остонадан ўтолмасанг қандай дахшат?

* * *

Яхши шеърда юк бўлиши керак, дейдилар. Лекин буни филдай шеърда чумолининг юки бўлиши керак деб тушунмаслик лозим.

* * *

Ҳасаддан бошқа дардга даво топилади. Лекин ҳасадгўйга ҳатто илоннинг заҳри ҳам кор қилмайди.

* * *

Бировдан ўрганган ёмон одатни тарбиялаш мумкин. Бироқ ўша иллат қонда бўлса — қийин.

* * *

Чидам ва бардош деган сўзлар фақат инсон учун яратилган. Бу сўзларга фақат инсон бардош бериб, фақат инсонгина чидаши мумкин.

* * *

Кўз ёши ғам билан шодлик ўртасидаги мувозанатни сақлайдиган ноёб тарозу.

* * *

Адабиётнинг дарвозасида қоровул йўқ. Бе-емалол... чиқиб кетишинг мумкин.

* * *

Айрим устозлар қачон катта бўласан, қачон улуғликни ўрганасан, дейишади-ю, ўзлари нукул майдаликдан сабоқ беришади.

* * *

Кўзингга тик қараб ёлғон гапирган одамнинг аслида юзи ҳам, кўзи ҳам бўлмайди.

* * *

Муҳаббат оловига барча ёшдаги одамлар мубтало бўлишлари мумкин. Лекин ҳамма ёшда бахтли бўлиш қийин.

* * *

Бизда ҳақиқий танқидчилардан кўра, қораловчилар билан инкоршунослар кўпроқ.

* * *

«Шарқ фалсафаси», «Шарқ донишмандлиги» тушунчаларини фақат дин билан боғлаш ҳақиқатга бир кўз билан қарашга ўхшайди.

* * *

Ҳамиша сени эркалатган ҳаёт — зерикарлидир.

* * *

Муҳаббат — асал билан аралаштирилган аччиқтош.

* * *

У ҳамма асарни жаҳон адабиёти қолипига қўйиб ўлчайди. Ўзининг ёзганларини ўша қолипга солиштирсанг, гард ҳам бўлмай кетади.

* * *

Тишингни тишингга қўй, ҳаммасига чидагин, дейишади. Унда шўрлик тиши йўқлар нима қиларкин?

* * *

Енгилтак, саёз одамлар шарга ўхшайди. Арзимаган тасодиф билан ёрилиб кетади.

* * *

Оломон бир-бирини қалбан ва маънан тушуниб етгандагина миллатга айланади.

* * *

«Жон дўстим, жоним дўстим» деб жонингни «олганини» билмай қоласан.

* * *

Ҳаётда ҳушёр бўлиб яшаган яхши. Лекин ўз соянгдан қўрқма!

* * *

Мушуклар йўқ жойда сичқонлар умргузаронлик қилади.

* * *

Кутубхоначи — маънавий табиб.

* * *

Чин муҳаббат қалбнинг шундай жойида бўладики, уни на айта оласан, на йўқота оласан.

* * *

Ишончсизликдан шубҳа туғилади. Шубҳадан — хато! Хатони тузатгунча умр ўтиб кетади.

* * *

Одамнинг тушуниб бўлмас даражаси шундаки, қилма деган ишни албатта қилади.


* * *

Яхшилик мард инсоннинг белбоғига ўхшайди. Лекин афсуски уни ҳамма ҳам тақавермайди.

* * *

Ҳаёт экан, гоҳ шернинг, гоҳ итнинг, гоҳида эса эшакнинг хизматини қилишга тўғри келади.

Тарих — мунаввар кўзгу



Инсоният учинчи минг йилликка қадам қўйди. Ўтган аср ҳамда даврлар тараққиёт ва таназзул, уруш ва тўқнашув, кашфиёт ва юксалишлар туфайли ўз номларига эга бўлди.

Онг ва тафаккурнинг маҳсули бўлган тараққиёт ва кашфиётларга инсон боласи қадамба-қадам эришмоқда. Лекин антик даврда яратилган «Шоҳ Эдип» фожиаси ўша замон кишилари қалбини қанчалик тўлқинлантирган бўлса, бугун ўз диққатини ердан хаёлий узоқликлардаги планеталарга кемалар йўллаб янги дунё излаётган XXI аср одами қалбини ҳам шунчалар ларзага солмоқда.

Дунё мудом ўзгаришлар, янгиликлар ва эврилишлар қозонида қайнаб туради. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради. Бироқ ўзгаришлар ичида тарихий ҳақиқат ҳам инсон моҳияти сингари мангу собит қолаверади. Ўзгаришлар ичра ўзгармаслик тарихнинг енгилмас кучи, энг эъзозли фазилатидир. Шу боис халқ энг қувончли ва энг оғир кунларда ўз тарихий хотирасига суянади, ундан мадад олади.

Президент Ислом Каримов «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига жавобларида: «Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди» деб ғоятда теран фикрни билдирдилар. Тарих мафкура ва сиёсатнинг асоси сифатида майдонга чиқар экан, ундан ҳамма ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. Собиқ иттифоқ даврида халқни тарихий хотирасизликка маҳкум этишдек қаттол сиёсат юргизилди. Президентимиз тарихимизни илмий жиҳатдан ўрганишда ўзга миллат тарихчилари нуқтаи назарига, фикрларига таяниб иш кўрган ва китоб ёзиш амалиётидан воз кечиш вақти келганлигини, тарихимизни ўзимизнинг қадимий қўлёзмалар ва асл манбалар орқали муфассал ва холис ёзилиши кераклигини алоҳида уқтириб келмоқдалар. Шу ўринда бир мисол: Ғайбуллоҳ ас-Салом ва Неъматуллоҳ Отажоннинг «Бобурнома»нинг чет тилларга таржималари тадқиқотига бағишланган «Жаҳонгашта Бобурнома» асарида айрим таржимонларнинг беписанд ва беэътибор муносабати туфайли Ғарб дунёси узоқ йиллардан буён буюк бобомиз Алишер Навоийни «тақлидчи шоир» сифатида билиб келганлиги ҳақида сўз юритилиб, улуғ аждодларимизга нисбатан адолатсизликларга чуқур илмий ёндашув билан чек қўйилади.

Ҳар бир халқнинг тарихи ўзига азиз. Аммо ёлғон ва сохталиклар аралашган тарих пуфакка ўхшайди. Ҳақиқат тиғи тегиши билан ели чиқиб, пуч нарсага айланади-қолади. Айрим олимлар юртимизни араблар босиб олгунга қадар бўлган тарихни «жоҳилият даври» деб атай бошладилар. Бу атама араблар тарихига мансубки (араблар исломгача бўлган ўтмишларини «жоҳилият даври» деб аташади), уни кўр-кўрона ўзбек халқи тарихига олиб кириш — бошқа халқлар тарихидан нусха кўчириш, унга манқуртларча сиғиниш ифодасидир. Араблар босқинига қадар ҳам юртимизда юксак даражада тараққий этган давлатлар, илм-фан, маданият, иқтисод мавжуд бўлганки, буни араб олиму сайёҳлари ҳам тан олишган.

Ҳудди шу боис еттинчи асргача бўлган тарихимизни «жоҳилият даври» деб аташ ўз аждодларимизга нисбатан ҳақоратдан бўлак нарса эмас.

Ёшларимиз Ватан ва миллат тарихини биладими, ундан нечоғлик хабардор, деган катта саволни — болаларимиз ўзлари туғилиб, ўсаётган шаҳар, қишлоқ, маҳалла тарихини биларми-кан, деган сўровдан бошлаш айни муддао бўлур эди. Оддий мақбара ёки тепалик бағрида минг-минг йиллик тарихимиз жо бўлганлиги аён ҳақиқат. Шу боисдан ҳам шаҳар ва қишлоқларнинг археологик ва санъат ёдгорликлари, этнографик ва топономик материаллар тарихини ўрганишда ўлкашунослик музейларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Афсуски, маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли ана шундай таъсирчан тарбия масканлари мавқеи пасайиб кетмоқда.

«Тарих одамзотнинг муаллимидир», деб таъкидлади давлатимиз раҳбари бир гуруҳ тарихчи ва журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда. Ўтмиш воқеалари инсонга ғурур, маънавий куч-қудрат бағишлаши билан бирга сабоқ ҳам беради. "Энг муҳими эса, — деб ўз фикрларини давом эттирдилар юртбошимиз, — биз ўтказаётган улуғ аждодларимиз таваллуди билан боғлиқ анжуманлар халқларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзбек халқи тарихи бунёдкорликдан иборат эканлигини дунёга намойиш қилмоқда».

Донишмандлардан бири «Тараққиётнинг чинакам белгиси — бойлик ёки ҳосилнинг мўл-кўллиги эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир», деган эди. Бу ўринда инсоннинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти назарда тутилгани аниқ. Халқимизнинг тарихий қиёфаси эса улуғвор маданият, инсоният тараққиётини белгилаган юксак илм-фан, яратувчилик ва бунёдкорлик, юрт учун фидойилик сингари қадриятларда мужассамдир. Миллатимиз табиати ва менталитетига хос ана шундай қудратли қадриятларимизни бугунги кунимиз ҳақиқатига айлантириш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Жалолиддин САФОЕВ,
«FIDOKOR» газетаси бош муҳаррири, Маданият институти собиқ талабаси

Клара МАҲМУДОВА,
филология фанлари номзоди,доцент

ТЎЙ — МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

Халқимиз қатор йиғину анжуманларни биргина «тўй» атамаси билан боғлайди. Янги меҳмон — чақалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ «Ақиқа» ва «Бешик тўйи», ўғил боланинг қўлини ҳалоллашга бағишланган «Суннат тўйи», инсон умрининг бир давридан иккинчи даврига ўтишини кўрсатувчи «Мучал тўйи», икки ёш — йигит билан қизнинг бошини қовуштирувчи «Никоҳ тўйи» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Маълумки, ўзбек хонадонида фарзанд туғилиши ота-она учун катта байрам, битмас-туганмас севинч олиб келади. «Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор» дейишади кексалар. Айниқса, ўғил боланинг туғилиши, ўзбек оиласи учун ўзгача шодлик, фавқулодда бахт-саодат саналади. «Қиз бировнинг хасми, ўзга оиланинг бахти» деб қаралса, ўғил бола оила таянчи, сулола давомчиси, сўнгги дамда ота-она тобутининг эгаси, хонадон чироғини ёқувчисидир. Фарзанди дунёга келгач, ота-оналаримиз йиллар давомида тўй ўтказиш учун маблағ йиғадилар, тайёргарлик кўрадилар. Халқимизнинг тўйга бўлган муносабатини «топган-тутганинг тўйларга буюрсин», «бошинг тўйдан чиқмасин», «тўйингни кўрай», «тўйингга атаб қўй боқиб қўйдим» каби дуо-олқиш ва ниятларидан билиш мумкин.


Аммо халқона гўзал тўйларимиз, афсуски, кейинги пайтларда бузиб юборилмоқда. Тўйлар ҳаддан зиёд дабдабали тус олиб, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Неча юз кило-лаб ош дамлашлар, гуруҳ-гуруҳ санъаткорларни таклиф қилиш, жарақ-жарақ пулларни сочиш, қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг асабига тегувчи шовқин-суронни ярим тунга қадар давом эттиришлар манманликнинг замонавий кўринишларидандир. Ҳадиси шарифда таъкидланишича, «...тўйда бир кун зиёфат бериш суннат, икки кунлиги фарздир, лекин учинчи кунга ўтса, риёкорлик ва хўжакўрсинликдир».

Масалан, никоҳ тўйлари ичидаги «оқ ўрар», «нон синдириш», «фотиҳа тўйи», «қиз оши», «сабзи тўғрар», «чарлар», «куда чақирув», «ҳайит йўқлови» кабиларда «сендан мен ўтаман» қабилида иш тутилмоқда. Кейинги пайтларда халқ орасида «қиз олинмаяпти, балки отасининг амали, бойлиги олиняпти», деган гаплар пайдо бўлмоқда. Бу дегани, айрим тўйлар келин бўлмиш отасининг амали, бойлиги, мол-дунёсига учиб бўлаётганлигидадир. Бу масалада аждодлардан, хусусан, бобомиз Амир Темурдан ўрганишимиз жоиздир. Бобомиз ўғилларини, набираларини уйлантиришда танлаётган келиннинг ақли, фаҳм-фаросати, жисмонан соғломлигига алоҳида эътибор берганлар.

Тўйларимиздаги яна бир муаммо келин-куёвларнинг никоҳ либосларидир. Ота-боболаримиз азал-азалдан ҳаётларида бир марта бўладиган табаррук ва мўътабар никоҳ куни ҳеч кимнинг назари тушмаган, қўлида ғижимланмаган, қисқаси, оҳори тўкилмаган оддий матолардан шу келинчак, шу куёвга атаб махсус тикилган келинлик-куёвлик либосини кийишган, уларни умрларининг сўнгги дамларигача бебаҳо бойлик сифатида сақлашган. Ҳозир эса қизларимиз оврупоча фатали тўй кўйлакларига кўпроқ иштиёқ билдирмоқдалар. Тўғри, замон ўзгаради, либослар ҳам ўзгаради. Лекин келинлар ўз никоҳ либосларида миллий анъаналаримизга риоя қилсалар яхши бўларди. Тўйларда ижро этиладиган қўшиқ ва рақслар ҳам эзгуликка, маънавиятга хизмат қилсин.

Шунингдек, тўй якунланиш арафасида келин-куёвнинг оналари ва амма-холаларини даврага чақириб, мункиллаган қудабувиларни ўйнашга мажбур қилиш ҳам халқимизга хос одатлардан эмас. Бу иш созанда, хонандаларнинг тамаъгирлигидандир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий таътаналар, маъракa ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги фармони инсоний фазилатлар ҳамда имонни мустаҳкамловчи ажойиб ва яхши миллий анъаналарни авайлаб-асрашга қаратилгандир.



КУЁВ САЛОМ

Ўзбек халқи турли расм-русумларга бой. «Куёв чақирди» ҳам халқимизга хос маросимлардан биридир. Бу маросим икки қуданинг ўзаро ке-лишувларига мувофиқ никоҳ тўйидан ўн-ўн беш кун ўтгач, келиннинг хонадонида ўтказилган. Маросимга куёвнинг яқин жўралари, куёв ва келин, қудалар ва яқин қариндошлар таклиф қилинган.

Куёв жўралари билан келиннинг хонадонига кириб борган пайтда ҳовлида куёвнинг сўзга чечан жўраларидан бири томонидан «Куёв салом» қўшиғи ижро этилган. Ижро пайтида қўшиқнинг ҳар бир банди маълум бир шахсга бағишланган бўлиб, банд якунланиши билан куёв таъзим қилиб салом беради.

Куёв салом қўшиқларининг бир намунаси 1980 йилда Б. Саримсоқов томонидан Жиззах вилоятининг Фориш тумани, «Фориш» давлат хўжалигининг 2-бўлимида истиқомат қилувчи Ортиқбой Рисбековдан ёзиб олинган бўлиб, ушбу матн ҳозирча ўзбек куёв саломлари ҳақида маълумот берувчи яхши намуна ҳисобланади:

Куёв келди, кўрингиз,
Кўргилигин беринг из.
Улай-булай демайин
Отин айтиб беринг из,
Шу хонадонга салом.

Қўшиқ мазмунидан англашилиб турибдики, куёв жўралари келин томонидан куёв кўрдига махсус кўрмана сўрашмоқда. Шу боис келин томонидан «Ҳа кўрманага битта от, сигир ёки қўй бердик» деб айтилади. Албатта, айтилган нарса берилмайди, шунга қарамай келин томонидан баланд ҳиммат-лилик талаб этилади. Агар куёв томонидан айтилган нарсага рози бўлмаса, куёв салом қўшиғида келин томон ҳажв қилиниб, қўшиқни давом эттириб тураверади.

Қўшиқнинг навбатдаги банди келиннинг ота-онасига қаратилади. Унда куёвнинг қайнота ва қайнонасига хос тадбиркорлик, ишбилармонлик каби хислатлар алоҳида таъкидланади:

Қўш ўкизинг (хўкизинг) юритган,
Ўрада буғдой чуритган,
Уруғини кампирларинг —
Жовли қилиб қуритган,
Ота-онасига салом!

Қўшиқ навбати келиннинг тоғасига етиб келади. Унда тоғанинг серҳиммат бўлиши, жияни учун ҳеч нарсани аямасликка даъват руҳи устунлик қилади:

Пода берсанг ола бер,
Йилқи берсанг қора бер.
Фалон деган тоғангиз,
Ҳар ўзига дора бер,
Тоғасига бир салом!

Куёв салом қўшиқларида айтувчиларнинг бадиҳагўйлик қобилиятига қараб келиннинг яқин кишилари, хусусан, амакиси, ака-укалари бирма-бир тилга олинади.

«Куёв салом»да маросим учун овқат пиширaётган ошпазнинг тежамкорлиги ҳам ҳажв қилиниши маросимга хушчақчақлик бағишлайди:

Босган изи билинмас,
Пичоқсиз санчар, тилинмас.
Бир кун-кеча сермаланганда
Кўлига тўртта гуруч илинмас.
Ошпазларга бир салом!

Қўшиқ айтилиб, куёвга аталган кўрмана жўраларига маъқул бўлгач, меҳмонлар махсус ясатилган хонада зиёфат қилинади. Зиёфатдан сўнг куёв ва унинг жўраларига совға-салом улашилади. Куёв қайнота ва қайнонаси билан юз кўришгач, маҳалла ёки қишлоқ оқсоқоли икки ёшга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оқ фотиҳа беради. Шундан сўнг маросим якунланади, куёв билан келин меҳмонлар билан ўз уйларига қайтадилар.

Фольклоршуносларимиз олдида турган галдаги вазифалардан бири мамлакатимизнинг турли ҳудудларида «Куёв салом» қўшиқлари билан «Келин салом» қўшиқларининг янги-янги намуналарини ёзиб олиш ва мазкур қўшиқлар матнини таҳлилий ўрганишдан иборат.

Фахриддин ИКРОМХЎЖАЕВ,
«Халқ бадиий ижодиёти» кафедраси катта ўқитувчиси





Эргаш ЙЎЛДОШЕВ,
профессор

БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ

Болалар кенг китобхонлар оммаси ичида энг талабчан, инжиқ, ашаддий ўқувчилардир. Уларни унча-мунча нарса билан қаноатлантириш мушкул. Шундай бўлсада кейинги пайтларда болаларнинг китоб ўқиши сусайган, улар ўқиган нарсасини етарлича тушунмайди, деган гаплар қулоққа чалинади. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Хусусан ҳар бир кутубхоначи болаларнинг талаблари, руҳиятини, савиясини, қизиқиш доирасини ўрганиши, билиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, болалар китобхонлигини оширишда китобнинг мазмуни, бадиийлиги, сифати ўртасидаги номувофиқликни бартараф қилиш ёзувчи, олим, кутубхоначи ва нашриётларга қўйиладиган муаммо ва йўналишларни ижобий ҳал этилиши болалар китобхонлигини такомиллаштиради. Бунда албатта методологик асосни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўқувчилар ўртасида ҳозирги замон билимларини оммалаштириш, китоб ўқишни илмий асосда тавсия қилиш, илғор анъана ва маънавий меросга суяниш ҳамда ундан фойдаланиш лозим.

Кутубхоначи ҳар хил ёшдаги, характердаги болаларнинг феълини, қизиқишини билса, унга таъсир ўтказа олади. Бунинг учун болалар психологиясини билишдан ташқари педагогика, руҳшунослик, болалар адабиёти ва адабиётшунослигини билиши, ўрганиши лозим.

Болалар китобхонлиги борасида кутубхоначи ҳар хил ёшдаги, хусусиятдаги китобхонлар қайси соҳаларга кўпроқ қизиқади, қандай асарларни ўқишни хоҳлайди каби ўнлаб саволларга жавоб топиши керак. Бунинг учун кутубхоначи тажрибалар ўтказиши, социологик тадқиқотлар олиб бориш йўлларини билиши керак бўлади. Ўзбекистондаги катта кутубхоналар, кутубхоначилар тажрибасини, фаолиятини ҳисобга олмасак, турли ёшдаги китобхонлар, айниқса, болалар қизиқишини ўрганишга доир тадқиқотлар амалга оширилмаган ва бу соҳа муаммолигича қолмоқда. Китоб мутолааси боланинг билимини оширади, сажиясини шакллантиради, маънавиятини бойитади. Лекин кутубхонадаги китоблар ўқувчи талабига, эҳтиёжига, қизиқишига жавоб берадими, ўқиш том маънодаги ҳақиқий, тушуниб ўқиш жараёни бўляптими? Кузатишлар, изланишлар, шундан дарак берадики, юқоридаги масалалар ҳали ўз ечимини топгани йўқ, бунинг учун жуда катта ташкилий, илмий услубий ишлар амалга оширилиши лозим.

Баъзан китобхон ўқиши, қизиқиши, талаб ва эҳтиёжини яхши ўрганмасдан кутубхона фондини кераксиз китоблар билан тўлдириш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Китобхонлар ўқишини ўрганиш анча мураккаб жараён, мунтазам ва изчил ишлаш билангина мақсадга эришиш мумкин. Замонлар ва даврлар ўзгариши туфайли китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам доимо ўзгариб боради. Шу боис кутубхоначиларни назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда пухта мутахассис қилиб тарбиялаш учун Маданият институти ва йирик кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириб, йирик социологик тадқиқотлар, изланишлар ўтказиш ўринлидир. Бундай тадқиқотлар китобхон савияси ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Кутубхона ўз номи билан зиё масканидир. Зеро, кутубхоналар моддий ва маънавий жиҳатдан тўлиқ таъминлансагина Ўзбекистоннинг ривожланиб, юксалишига, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига хизмат қилувчи маънавий баркамол инсонлар вояга етади.

Кўпинча юқори синф ўқувчилари ҳам ўзлари севган ёзувчи ва шоирнинг асарларини ўқиб, тўлиқ тушунмайдилар, асар ичидаги сатрлар орасидаги маънони яхши англай олмайдилар. Асарнинг тили, ундаги деталлар, эпизодлар, қаҳрамон ҳолати, лирик кечинмалар, ёзувчининг мақсади, ғояси ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди. Ўқишга раҳбарлик қилувчилар бу ҳолатда ўқиш жараёнига фаол аралашиб, асарни тўғри тушунтириб беришга ҳаракат қиладилар. Масалан: А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқиган ўқувчи ундаги «ичкари ва ташқари ҳовлини», «уятсиз» сўзларининг ўша даврдаги маъносини англай олмаслиги мумкин. Ёки кутубхоначининг китобхон билан суҳбати давомида нима учун адиб китобдаги ушбу бобларни «Бек ошиқ», «Марғилон ҳавоси ёқмади», «Хон қизига лойиқ бир йигит» деб номлаган деган саволига ҳамма ўқувчилар ҳам аниқ жавоб бера олмаслиги мумкин.

Шунда кутубхоначи илгари ҳовлилар ичкари ва ташқарига бўлинганлигининг сабабини, номаҳрамларни ичкарига кира олмаганлиги, «уятсиз» сўзи жуда катта ҳақорат ҳисобланганлигини, яъни уятсиз одам имонсиз ҳисобланганлигини тушунтирса, ўқувчи китобдан катта маъно олади.

Кутубхоначи китобхон билан якка ҳолда ишлаганда баъзи бир қийин, психологик жиҳатдан тушуниш мураккаб бўлган китобларни ўқувчи билан бирга таҳлил қилади, унинг тўлиқ маъносини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Бунинг учун кутубхоначининг ўзи бадиий адабиётни яхши тушунадиган, таҳлил қиладиган даражада бўлиши керак. Шундагина кутубхоначи ёшлар билимининг ошишига, китобдан руҳий озуқ олишига эришади.



Ойгул ҲАКИМОВА, *социология, педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси*

ЎЗБЕК ЙИҒИ-ЙЎҚЛОВ ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбек халқ қўшиқларининг мавзу доираси шу даражада кенг ва рангбарангки, ҳозиргача бир нечта катта-кичик мажмуалар нашр этилганига қарамай, халқ ижодининг бу бой хазинаси ҳануз тўла тўпланмаган.

Шулардан бири йиғи-йўқлов қўшиқларидир.

Халқимиз орасида йиғи-йўқлов, марсия деб юритилувчи мотам-маросим қўшиқлари қадим-қадимдан айтилиб келинган.

Эшик олди пар девор
Пар деворнинг гарди бор.
Қаранг, болаларингиз рангига
Етимликнинг гарди бор.

Зеро, ер юзида инсоният бор экан, ўлим ҳам барҳақ. «Ўлим ҳақ», «Ўлимни бўйинга олиш, ҳар бир банданинг ишидир» каби иборалар бор халқимизда.

Мусибатнинг тоғдай юкини одамзот елкасидан суриб, унга яшаш умидини берувчи кучлардан бири қўшиқдир:

Баланд тоғлар паст бўлдими,
отам-ей
Ўлганингиз рост бўлдими,
отам-ей.
Шамол келмай, ўчди чироғим
отам
Куз келмай, хазон бўлди боғим,
отам...

... Яхши кунимда салтанатлик,
онам
Ёмон кунимда ҳимоятлик, онам.
Онам эдилар менинг
бағри бутуним,
Онамдан айрилиб, чиқди тутуним.

Аза маросимининг ҳам ўзига яраша анъаналари бўлиб, йиғи-йўқлов қўшиқлари ўзбекларда кенг тарқалган.

Аза қўшиқлари бадиий юксак, тили содда, иборалари ўткир, мунгли ва кўпчиликни йиғлата оладиган, таъсирли бўлади. Уларда айниқса, мусиқа-куй кучли ва таъсирлидир.

Одатда таъзияда дастурхон ёзилмасдан илгари йиғи бошланади. Вафот этган кишининг ёши, фазилатлари, оиладаги ўрнига қараб йўқланади.

Йиғи-йўқловлар рамзий, тасвирий воситаларга бой бўлиб, уларда ғамгузоридан айрилган кишининг куйиб, ўртаниб айтган қўшиқлари тингловчининг кўнглини ларзага солади:

Меҳмон келса «хуш» деган,
Уйнинг тўри бўш деган,
Меҳмондўзим, жон отам.
Осмондаги булутни-ё
Ёғишини билмадим.
Эссизгина отамни-ё
Ўларини билмадим...

... Қалам-қалам қошларингиз
Қаландарлар қилди-ку, онам.
Хумор-хумор кўзларингиз
Хуморалар қилди-ку, онам.
Ҳолимни билган ҳолдоним, онам
Дардимни билган табибим, онам.
Бўш белларимни боғлаган, онам
Абгор юрагимни овлаган, онам.

Фарзанд доғи ота-она учун фожиа. Чунки, фарзанд ота-онанинг номини сақлайдиган, оила чироғи ўчмаслигини таъминловчидир. Ота-онанинг ўлими мерос, аммо фарзанд доғидан ўзинг асрагин деб нола қиладилар:

Оппоқмиди билагинг,
Шугинамиди тилагинг.
Тилагингга етмадинг
Ўттизданам ўтмадинг,
Вой болам, жоним болам.

«Азага келган ўз дардини айтиб йиғлайди» деган ибора бўлиб, азага келган ўзининг мусибатини қўшиб, айтиб йиғлайди.

Ўлимнинг омонсизлиги, дунёнинг ташвишлари, қолганлар учун мусибатнинг оғирлиги, фарзандларнинг ўксиб қолганлиги ва, ниҳоят, ҳамманинг бошида ўлим борлиги айтилиб, қолганларга сабр, чидам тилаб йиғи бериш маросими тамом бўлиб дастурхон ёзилади.

Ўлимда йиғи-йўқлов бир хилда айтилмайди. Инсон ўлганда ҳали қабристонга олиб кетилмасдан «уввос» тортиб, ҳар ким ўзича йиғлайди. Майитни тобутга солиб, мозорга олиб кетаётганда фарёд қилиб йиғлайдилар. Аммо қаттиқ йиғи шариатда қораланади. Ўлим тушган куни «вой отам», «вой онам», «вой болам» каби сўзлар кўп такрорланса, марҳум жойига қўйилгандан кейинги кунларда оғир, узоқ, мунгли оҳангда йиғлайдилар:

Чилвир сочим, жигарим,
Қалам қошим, жигарим.
Меҳрибоним кетди-ю,
Меҳри дилимдан кетмади.

Меҳрибонимдан кейин,
Ҳеч ким мени ёд этмади.
Қаро ерлар қаттиқмикин,
Тошлар елкангизга ботдимикин.
Гул онам, гулдек онам.
Қора ерларда ётдимикин.

Ҳар байт орасида эри ўлса «арслоним, тўрам», «вой уйим соҳиби, бахту султоним», ота ёки она ўлса, «вой отам», «вой онам» деб, қариндошлардан опа-сингил, ака-ука ва бошқалар ўлса, «жигарим», «бағрим» каби нидоларни қўшиб йиғи берадилар.

Аза қўшиғини ҳар ким ҳам билавермайди. Ҳамма айтиб йиғласа ҳам баъзиларнинг билгани икки-уч байтдан ошмайди. Вафот этганларнинг яқинлари йиғи берганда, бирининг йўқлови бошқасиникига ўхшамайди.

Ўзбек халқ маросим қўшиқлари халқ тарихи, тили ва этнографияси билан маҳкам боғлангандир. Шу боис маросим қўшиқлари, қадимий удум ва анъаналари яшаб турган юртнинг тарихи билан баробар.

Равшан ЖОМОНОВ,
доцент

Ўзбек лотин алифбоси



Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати.
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Ҳа, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов фахрланиб ёзганларидек, ўзбек халқи дунё цивилизациясига ҳар томонлама муносиб ҳисса қўшган халқлардан бири. Жумладан, халқимиз ўз ёзув тарихи билан ҳам ҳақли равишда фахрлана олади. Негаки, қаерда маданий ривожланиш, ўзликни англаш кучайса, ўша ерда тил масаласи, ёзув муаммоларига ҳам жиддий эътибор билан қаралади. Маълумки, халқимиз ўтмишда турли ёзувлардан фойдаланган. Бироқ баъзи объектив шарт-шароитлар ва ижтимоий талабларга кўра ёзувлар ўзгариб турган.

Маълумки, 1940 йилдан бери қўлланиб келаётган кирилл (рус) алифбоси жуда шошма-шошарлик билан жорий этилгани учун қатор лисоний камчиликларга йўл қўйилган. Буни алифбодаги ҳарфларнинг жойлашиш тартибидан ҳам билиш мумкин. Ўзбек тили товушлар тизимига мос келмайдиган, «ёлашган унлилар» деб номланувчи ҳарфлар (Ё, Е, Ю, Я)нинг, Ц ҳарфи ҳамда айириш (ъ), юмшатиш (ь) белгиларининг ҳам ўзбеклар нутқи учун ортиқчалиги сир эмас эди. Бу ҳақда ўзбек зиёлилари бир қатор чиқишлар қилиб, ҳатто 1952, 1969 йилларда имло масалаларига бағишланган махсус анжуманлар ўтказилган бўлса-да, бирор-бир ижобий натижага эришилмаган эди.

1993 йил 2 сентябрдан Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал қилиш имкониятини яратди. Тўғри, ушбу қонунга ҳам 1995 йил 6 майда баъзи тузатишлар киритилди. Шундан кейин ўзбек адабий тили талабларига тўлиқроқ жавоб берадиган ўзбек лотин алифбоси юзага келди. Хўш, бу алифбонинг қандай афзалликлари бор?

Назаримизда, даставвал кирилл алифбосидаги камчиликлар барҳам топди. Ўзбек адабий тилининг товушлар тизими ва алифбодаги ҳарфлар орасида маълум бир мутаносиблик юзага келди. Масалан, ўзбек кирилл алифбосида 33 ҳарф ва 2 белги адабий тилдаги 31 товушни ифодалар ва кўп ҳолларда қийинчилик келтириб чиқарар эди. Ўзбек лотин алифбоси эса 26 ҳарф ва 3 ҳарфлар бирикмасидан ташкил топиб, товуш ва ҳарф муносабати деярли тўғри ҳал қилинди. Ўзбек лотин алифбоси илмий-назарий жиҳатдан ўзбек халқи табиатига, ҳақиқий талаффуз меъёрларига яқинлашди. Юқорида қайд қилинган «ёлашган унлилар»дан воз кечилди. Бунинг сабаби жуда оддий: биз бундай ҳолатларда 2 товушни талаффуз этиб, бир ҳарф ишлатиб келар эдик. Натижада, кўплаб морфологик, орфографик хатолар келиб чиқар, бўғинга ажратиш қоидалари бузилар эди. Ҳатто унли товушлар сонини белгилашда ҳам чалкашликлар пайдо бўларди. Бундай ҳолни «ц» ҳарфи, айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари мисолида ҳам кўриш мумкин. «Ц» ҳарфи аслида ўзбеклар нутқида 2 товушга: -т ва -сга ажратиб, талаффуз қилинади. Лекин биз ушбу ҳарфни руслар қай тарзда ишлатса, ўша тарзда ёзиш ва талаффуз этишга мажбур эдик. Ҳолбуки, рус тилида бизнинг қ-ришиқ -ж товушимиз 2 ҳарф (дж) шаклида ёзилади. Бундай ҳолатни юмшатиш белгиси билан ёзиладиган сўзларда ҳам кўриш мумкин. Негаки, ўзбек тилида товушлар рус тилидагидек юмшоқлик ва қаттиқликка эга эмас.

Айни пайтда талаффузи бир-бирига яқин товушларнинг ёзилиши масаласи ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардан бири эди. Жумладан, кириллча алифбодаги Х ва Ҳ масаласи, баъзи шеваларда бу ҳарфларни ёзишда бир қатор чалкашликларга йўл қўядилар. Чунончи, бу ҳарфлардан бирининг ўрнида иккинчисини ёзиб кетаверадилар. Бизнингча, ушбу талаффузда бир-бирига яқин товушларни фарқлаб олмасликнинг объектив сабаби Х ва Ҳ ҳарфларининг бир-бирига шаклан ўхшашлигидир. Айни шу муаммо ўзбек лотин алифбосида ижобий ҳал қилинди: чуқур тил орқа товуш -Х билан, бўғиз, юмшоқ, сирғалувчи товуш эса Н (h) билан ифодаланадиган бўлди. Кўринадики, кириллча алифбода ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ўзбек лотин алифбосида илмий-назарий жиҳатдан тўғри ҳал қилинди.

Ўзбек лотин алифбосининг афзалликлари ҳақида гапирганда, аввало, ундаги ҳарфлар сонига эътибор бериш лозим. Юқорида айтилганидек, янги алифбода 26 ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси мавжуд. Бирорта ортиқча ҳарф ёки белги киритилмаган. Алифбо тартиби эса қулай. Маълумки, алифбодаги битта ортиқча ҳарф ҳам ёзувда қўшимча вақт сарфлашга олиб келади. Шу маънода ўзбек лотин алифбоси ёзувда тежамкорлик сари етаклайди.

Янги алифбони ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, 1-синфдан бошлаб лотинча алифбода савод чиқарган ёшларда хорижий тилларни ўрганиш ҳам бирмунча осонлашади. Чунки алифбо тартиби, ҳарфларнинг қўлланилиши деярли бир хил. Бинобарин, SH, CH ҳарф бирикмаларининг ўхшашлиги ва бир хилда талаффуз этилиши ҳам катта қулайлик туғдиради. Бундай қулайликни биз компьютерлардан фойдаланишда ҳам кўришимиз мумкин. Чунки компьютерлардаги асосий дастурлар, буйруқлар, символлар лотин ёзувига асосланган. Айни пайтда лотинча ҳарфларда тайёрланган матнларни дискетларга кўчириб олиш ҳамда дунёнинг исталган мамлакатида ўша дискетлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Ўзбек лотин алифбоси халқимиз учун бутунлай янги ёзув эмас. Негаки, биз бу ёзув тизимидан 1929-1940 йилларда ҳам фойдаланганмиз. Шу сабабли ҳам кекса авлод вакиллари янги алифбони тезда ўзлаштириб олмоқдалар. Бу ҳолат ҳам янги алифбонинг амалий жиҳатдан қулайлигини кўрсатади. Хуллас, мазкур алифбо «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосида битилган 1929-1940 йилларда ги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади».



Шуҳрат ШАМСИЕВ, *кутубхона-ахборот фаолиятини бошқариш факультети декани, доцент*

КУТУБХОНАЧИЛИК ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

Кутубхона ва кутубхоначилик тарихи қадим давърларга бориб тақалса-да, аммо бу соҳада махсус мутахассислар тайёрлаш XX асрдан бошланди.

Ўзбекистонда кутубхоначиликнинг шаклланиш ва ривожланишини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1919-1936 йиллар ҳисобланиб, бу йиллар кутубхоначилар кичик курсларда, тўгаракларда ва шу каби майда тизимларда тайёрланган. Тошкентда биринчи маротаба 1919 йилнинг январида Халқ маориф комиссарлиги ҳузурида йўқсулларга маданий ёрдам берувчи 3 ойлик курслар ташкил этилади. Бу курсга 50 киши қабул қилинган бўлиб, унда «Кутубхона ишлари асослари», «Фанлар тўғрисида библиографик маълумотлар» каби китобни тарғибот қилувчи дарслар ўқитилган.

Шу йилнинг ёзида Е.К.Бетгер ташаббуси билан бир ойлик кутубхоначилик курси Тошкент шаҳрида ташкил этилиб, унда 1 ойил ичида 40 киши билим олади. Шу каби курслар республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

1921 йил Туркистон Давлат кутубхонасида ташкил этилган 6 ойлик курсларда ҳам бир неча йил мобайнида кутубхоначилар тайёрланди. Бу курсларда Е.К.Бетгер, Н.А.Буров каби таниқли библиографлар сабоқ бердилар.

Ўзбекистонда кутубхоначилик билимларининг иккинчи босқичи 1937-1958 йилларни ўз ичига олади. 1937 йили Тошкент Маданият техникуми очилади. Бу ўша даврда Ўрта Осиёда биринчи кутубхоначиликка бағишланган махсус ўқув юрти ҳисобланиб, унда ўрта махсус билимга эга бўлган кутубхоначи кадрлар тайёрланар эди. Кейинчалик Қўқон педагогика институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида кутубхоначилик факультети ташкил этилди.

Тошкент Давлат Маданият институти ташкил этилгач (1974 й.) кутубхоначи кадрларни тайёрлаш Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ўқув режаси асосида амалга оширила бошланди, бу учинчи босқичдир. «Кутубхонашунослик ва библиография» ўқув режаси кенг тармоқли мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган. Бу ўқув режасининг кўлами кенг бўлгани учун ишни яхшилаш мақсадида «Кутубхона фондлари ва каталоглари», «Информатика ва техника воситалари», «Болалар адабиёти ва кутубхонада болалар билан ишлаш» кафедралари ташкил қилинди. Шу йўсинда ҳозир ҳам бу кафедралар («Болалар билан ишлаш» кафедрасидан ташқари) ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Факультетда сиртқи бўлим ҳам ишлаб турибди. Уларга қулайлик яратилган, масалан, агар сиртқи бўлим талабалари техникум маълумотига эга бўлсалар 5 йил эмас, балки 4 йил ўқиб, диплом олишлари мумкин.

Кутубхоначи-библиографлар тайёрлаш жараёнининг тўртинчи даври «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш даври билан боғланади.

Олий таълим икки поғонада амалга оширилади, яъни биринчи поғона бакалавриат ва иккинчи поғона магистратура. Бундай таълим тизими бошқа йирик ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуддир.

Ҳозирда Тошкент Давлат Маданият институтида талабалар бакалавр даражасида 4 йил мобайнида тайёрланмоқда. Келгусида яна икки йиллик магистратура очиш мўлжалланмоқда.

Келгусида, кутубхоначи-библиограф кадрларни тайёрлашда бир қатор янгиликлар бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда барча турдаги кутубхоналарнинг кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ўрганиш ва янги технологик жараёнларни билишга қодир кадрларни тайёрлашга ўтиш лозим.

Ҳозир бу борада илк қадамлар қўйилди. Энг аввало, факультет йўналишини ўзгартириш мақсадида унинг номи «Кутубхона ахборот фаолияти бошқаруви» деб аталди. Ўқув режасига киритилган бир қатор янги фанлар мутахассислар тайёрлаш мазмунини кескин ўзгартиради ва олий малакали мутахассисларни етказиб беради деб ўйлаймиз.

Одина КАРИМОВА,
касбий педагогик тайёргарлик факультети II курс талабаси

ОТАМНИНГ ЙЎЛИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚЧИМАН

Менинг отам — Боқибилла Каримов маданиятшунос олим эдилар. Бевақт ўлим падари бузрукворимни орамиздан олиб кетди. Бугун мустақил Ўзбекистонда тарих, қадриятлар, маънавиятга жуда катта эътибор берилаётган бир даврда отамга ўхшаганларнинг ўрни роса билинярди...

Отам Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтини дастлаб ташкил этган А.Қаюмов, Ҳ.Абдуллаев, Ҳ.Файзиев, С.Мирвалиев, Э.Йўлдошев, Ғ.Жалолов, Б.Эсонов, А.Муҳамедов, Ғ.Ғафуров каби фидойи домлалар сафида бўлиб, маданиятшунослик кафедрасига асос солган эдилар. Институтдаги фаолиятларидан ташқари республика телевидениесининг «Ахборот» тахририятида махсус «маданият янгиликлари» рукнини олиб борардилар.

Ўзбекистонда маданият, маърифат, маънавият бўйича нимаики янгилик бўлса, Боқибилла Каримовнинг ҳозиржавоблик билан тайёрлаган кундалик кўрсатувларидан билиб олишингиз мумкин эди. Отам икки ижодий касбни — олимлигу тележурналистликни баравар бажарар эдилар.

Мен отамнинг касбларига ҳавас қилиб, ўрта мактабни тугатгач, атайлаб Тошкент Давлат Маданият институтини танладим. Ҳозир янги очилган касбий педагогик тайёргарлик факультетида илм-маърифат асосларини чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқдаман. Педагог-муаллимликдан ташқари журналистика-адабиёт-санъатга ҳам ҳавасим баланд. Худо хоҳласа, яхши ният қилганман, билим, ижод-истеъдодимни ўстириб отамнинг йўлларини давом эттирмоқчиман. Маданият-маънавият бўйича илмий иш устида ишлаш, телевидениеда бу борада бирор янги, муаллифлик кўрсатуви очиб, олиб бориш орзуим.





Абдуманнон НАЗАРОВ,
санъатшунослик фанлари доктори

АРУЗ ВА МУСИҚА МУШТАРАКЛИГИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мусиқа санъатининг ўткир дидли бир ихлосмандигина эмас, балки ўз даврининг мусиқа назарияси ва тарихи ҳақида чуқур билимга эга бўлган маънавий баркамол шахсдир. Алломанинг «Бобурнома» асари, ғазаллар девони, айниқса, замонавий фанда «Мухтасар» деб юритилувчи аруз рисоласида келтирилган кўпгина мулоҳаза ва мушоҳадалари бундан яққол далолат беради.

Манбаларда эслатилишича, Бобур мусиқа назариясига оид бир илмий-назарий рисола ёзган. Албатта, бу тасодифий воқеа эмас, балки мусулмон Шарқи илмий анъаналарига хос хусусиятдир. Аруз ва мусиқа илмларининг узвийлиги Жомий, Навоий, Биноий, Паҳлавон Муҳаммад ва бошқа темурийлар даври адабиёт ва санъат намояндалари ижодида бўлгани каби Бобур асарларида ҳам кенг акс этган. Ушбу мутафаккирлар аруз назариясига тегишли рисолалар билан бир қаторда мусиқа илми соҳасида беназир асарлар ёзганлар.

Мусиқий ритмига, яъни «илми иқоъ» ва шеърий ритмика-аруз Форобий даврларидан бошлаб умумий услубга эга бўлган муштарак фан ҳисобланади. Шеърият ритмикаси мусиқий иқоъга ва билъакс, иқоъ асллари аруз баҳр ва вазнларига таъсир ўтказиб, шаклан ва мазмунан бир-бирини белгилайди. Мазкур шеърий-мусиқий ҳамбасталик туркий адабиёт намунасида дастлаб Алишер Навоийнинг «Меъзон-ул авзон», «Муҳокамат-ул луғатайн» ва бошқа асарларида назарий жиҳатдан ёритилган эди. Бобурнинг асарини Навоий ижодини тўлдирувчи бир назарий мерос деб баҳолаш нотўғри бўлар эди: қатор мисоллар шуни кўрсатадики, Бобур кўп жиҳатдан туркий халқлар мусиқа амалиётига кўпроқ аҳамият берган. Асарда машҳур шеърий вазн ва баҳрларнинг мусиқий муқобили ҳам шарҳланади, мусиқий номланиши ва шакли, хусусиятлари кўрсатилади. Масалан, «тархоний» деб аталувчи айтим жанри хусусида Бобур қуйидаги маълумотларни келтирган:

Чархнинг мен кўрмаган жавру
жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду
балоси қолдиму?

Атрок (яъни туркий халқлар — А.Н) аросида бир суруд (қўшиқ ёки ашула — А.Н) борким, «тархоний» дерлар: тақсими бир даврда ва аёлғуси бир даврда («Мухтасар», 155). Бобурнинг ражаз баҳридаги мазкур ғазали «Рост» мақомининг «Савти калон қашқарчаси»да бугунгача куйланади. Табиийки, шу ўринда савол туғилади: «тархоний» ва «Қашқарчаи савти калон» орасида яна қандай умумийлик ва тафовутлар мавжуд? Ушбу саволга жавоб учун юқорида келтирилган парчада ифода этилган «давр», «тақсим» ва «аёлғу» атамаларининг мазмунини англаб олиш зарур.

Арабча негизли «давр» (кўплик шакли «адвор») атамаси илк бор IX аср мусиқа рисолаларида «ритмик ўлчам, доира» маъносида қайд этилган. Кейинчалик Форобийнинг «Китобул мусиқа ал-кабир», «Китобул иқъот» асарларида «давр» махсус мусиқий ритмик шакллар, Ибн Синонинг «Ихвонус-сафо» рисолаларида эса универсал эстетик қонун-қоидалар тизими маъноларини билдирувчи атама сифатида қўлланилган. XII-XIII асрларда «давр» адворнинг мазмун доираси тасаввуф таълимоти таъсирида янада кенгайиб, унда туркум мусиқа турлари (масалан: ўн икки мақом тизими ва б.), уларнинг парда-тузук асослари (товушқатор тизими) ва ритмик доира шакллари (усуллар, зарблар тизими) ҳам ифодаланган. Давр (адвор)нинг универсал мусиқий мазмун касб этишида, айниқса, Урмавийнинг «Китобул адвор» рисоласи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Навоий ҳам адворни мусиқа фани маъносида тушунган:

«Илми адвору фанни мусиқий,
Мендин ул илм ўлди таҳқиқий»
(«Сабъаи сайёр»).

Бобур «Мухтасар»да давр атамасини маълум вақт давомида мунтазам такрорланувчи, мазмунан тугалланган товушқатор ва ритмик (усул) тизим маъносида ифода этган бўлса керак. Ушбу фаразимиз тақсим ва аёлғу атамаларининг таҳлилида очиқроқ кўринади.

Тақсим бугун Туркия ва араб мамлакатлари мусиқа илмида махсус мусиқий атама сифатида сақланиб қолган. Араб мусиқашунослари уни чолғу-импровизация жанри маъносида туркий халқлар мусиқа санъати билан боғлиқ ҳолда тушунтиришади. Шуниси ажабланарлики, тақсим атамаси ўрта асрлар мусиқа рисолаларида қўлланмаган. Шу жиҳатдан Бобурнинг тақсим ҳақидаги маълумоти унинг жанр сифатида туркий халқлар, жумладан, ўзбек мусиқа тарихида шаклланганлигини тасдиқлайди ва муҳим илмий аҳамият касб

этади. «Аёлғу» ҳам соф туркий мусиқа атамаларидан бири бўлиб, Навоий шеърларида куй-қўшиқ, айтим маъносида форсча «суруд»нинг ўзбекча маънодоши сифатида қўлланилган:

Ҳолимга ҳажр базми аро
тортмас суруд,
Бир навҳа мадди телба
кўнгулнинг аёлғуси.
(«Ғаройиб-ус сиғар»).

«Мухтасар»да аёлғу тор, махсус мусиқий маънода ишлатилган, яъни тақсим мусиқий асарнинг чолғу-импровизация бўлими бўлса, аёлғу айтим қисмидир. Улар орасида куйтузук, усул ва мусиқий мазмун жиҳатидан ҳам фарқланиш мавжуд бўлса керакки, Бобур «тақсими бир даврда, аёлғуси бир даврда» деб таъкидлайди. Хуллас, «тархоний» билан «савти калон қашқарчаси» орасида шеър матнидан бошқа бирон бир умумий хусусиятни кўрсатиш маҳолдир.

Бугунги Туркия мусиқа санъатида «туркий» (ёки «туркийлар») деб номланувчи фольклор чолғу-айтим жанрлар гуруҳи кенг тарқалган. Ушбу жанрларга мансуб қўшиқ тури ҳақида «Мухтасар»да баъзи маълумотлар келтирилган: «Султон Ҳусайн Мирзо замонида яна бир суруд чиқтиким «туркий»га мавсум бўлди, анга даҳи ушбу вазнни (яъни рамални — А.Н) тақсим қилурлар, ул даҳи икки даврда боғланибдур:

Келгил, эй оромижон,
неча тортай интизор,
Қилди ҳажринг нотавон,
қилди шавқинг беқарор.

Бу вазн турк аросида «қўшуққа» мавсум. Оргуштак битарда бу вазн тақсим қилурлар» («Мухтасар», 155). Кўриниб турибдики, Бобур ҳам «туркий»ни фольклор ижодиётига мансуб айтим-чолғу жанрлар гуруҳи маъносида талқин этади. «Мухтасар»да шунингдек, «туркий»ларга мансуб «қўшуқ», «оргуштак» (айтимрақс жанри) атамалари ҳам уларнинг бугунги мазмун доирасига мос ҳолда қайд этилган.

«Туркий» жанрлар гуруҳига тегишли яна бир айтим тури — туюқ ҳақида Бобур қизиқарли маълумотларни келтирган: «... турк фусаҳоси бу вазнга (яъни рамалга — А.Н) ҳадди муайян муқаррар қилиб икки байт айтиптурлар, «туюққа» мавсумдур, бу вазнлар мўғул хонлари била турк салотинининг мажолисида кўпиштахори бор эркандур. Ҳар кишига аёқ даври (май навбати) етганда муносиби ҳол «туюқ»ни тақсим қилиб йирлар экандур... нечунким:

Шаҳ, супурай остонинг юз ила,
Тиминингдин неча урай юз ила.
Икки юзлуқ муддатидин не ғамим,
Гар ишим тушса алардин юз ила.
(«Мухтасар», 163)

Туюқ Навоий асарларида ҳам шеърий жанр сифатида батафсил шарҳлаб ўтилган. Аммо Навоийдан фарқли ўлароқ Бобур туюқнинг ижтимоий мавқеи ва мусиқий хусусиятларини («йирлар экандур») ҳам кўрсатиб беради.

Туркий халқлар мусиқа фольклоридан тўй қўшиқлари жанри «Ёр-ёр» (ёки «ўланг») ҳақида «Мухтасар»да анча маълумотлар келтирилган; жумладан, мужтасийи матвийи мақшуф баҳридаги мазкур жанр мисоли тариқасида Бобур қуйидагиларни ёзади:

Масти мудом, эй кўнгул, кўзи экин,
Нутқи Масиҳо деган сўзи экин.
Қадр кечаси шикани зулфи анинг,
Не кишига эй кўнгул, рўзи экин.

Нечунким, ажам шуъароси рубоий вазнига ҳадди муайян муқаррар қилибтурлар, турк фусаҳоси ҳам вазнга ҳадди муайян муқаррар қилиб икки байт айтибтурлар. Андоқким мазкур бўлди. Турк аросида бир оҳанге борким, «ўланг» дерлар. Бу вазн анга махсус. Ул оҳангга тақсим қилурда ҳар мисраъдин сўнг ёр-ёр лафзин келтирурлар». («Мухтасар», 89.)

«Мухтасар»нинг бошқа бир саҳифасида «ўланг»нинг маросим вазифаси, «туркий» жанрлар гуруҳига мансублиги ҳамда бошқа хусусиятлари анча батафсил шарҳланади: «Турк шуъароси бу вазнда (яъни мунсарих — А.Н) даҳи рубоийдек икки байттин ортуқ айтмаслар. Атрок аросида бир суруд борким, «ўланг» дерлар, аксар тўйларда айтурлар. Бу вазн анга махсусдур. Ул сурудга тақсим қилурда ҳар мисраъдин сўнг ёр-ёр лафзин келтирурлар. Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида чиққан «туркий»да даврнинг ўзига бу «ўланг»ни тартиб берилди, хейли рабоянда ва яхши келди:

Мунча жафо жонима чоғламадим,
Душман эмиш дўстлар, англамадим.
Наййири аъзаммудир талъатингиз,
Ҳуллаи ҳавромудур хилъатингиз?
Боғ неча хўб эса қўйича йўқтур.
Сарвни мавзун деса бўйича йўқтур».
(«Мухтасар», 172)

Шуниси диққатга сазоворки, юқорида келтирилган бир вазн шаклдаги, яъни — муфтаъилун фоъилун муфтаъилун, парадигмали «ёр-ёр» матнларини Бобур турли баҳрларда — биринчисини мужтаа, иккинчисини мунсарих доираларида кўрсатиб ўтади. Дарвоқе, ўланг («ёр-ёр») Навоий асарларида ҳам зикр этилади:

«Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар
Икки-икки, чунки киргайлар,
отошиб ёр-ёр».
(«Бадоеъ-ул васат»)

Бобур ўзбек мақомларининг таркибий қисми бўлган тароналарнинг шаклланиш тарихига оид баъзи маълумотларни келтиради: «Билгилким, рубоийким ду байт ва тарона ҳам дерлар, вазн ҳазаж баҳрининг музоҳафотидиндур. Шеърнинг авзонидин ушбу вазндурким, ғоят латофатидин устозлар анга ҳадди муайян муқаррар қилибтурлар, бу ажам шуъаросининг мухтараотидиндур, йигирма тўрт навъ келибтур, мажмуъи ўн вазндин мураккабдур». («Мухтасар», 55)

«Мухтасар»да келтирилган мусиқий маълумотларнинг таҳлили Бобур мумтоз аруз назарияси соҳасида мукаммал билим соҳиби бўлиши билан бир вақтда, унинг бадиий-эстетик тафаккури туркий халқлар, айниқса, ўзбек мусиқа ижодиётида шаклан ва мазмунан юксаклигини кўрсатиб турибди. Ушбу хулоса Бобур ғазалларининг «Шашмақом»да истифода этилиш хусусиятидан яна бир қўшимча тасдиқ топади. Маълумки, Бобур ғазалиёти ўзининг ритмик тизими (ўйноқи-куйчан вазнлар — рамал, ҳазаж, мужтаа, мунсарих ва ҳ.к.), мазмунан соддалиги, тил жиҳатидан халқчиллиги билан темурийлар даври ўзбек шеъриятида алоҳида мавқеъ эгаллаган. Шу сабабли бўлса керакки, Бобур ғазаллари «Шашмақом»нинг асосан иккинчи гуруҳ шуъбалари — «Савт»лар, «Мўғулча»лар ва уларнинг шаҳобчалари бўлган «Талқинча», «Қашқарча», «Соқийнома» ва «Уфар»ларда куйланади. «Савт» ва «Мўғулча»ларнинг бошқа шуъбаларга нисбатан халқ мусиқа ижодиётига яқинроқлиги марҳум устоз И.Ражабов томонидан ҳам алоҳида эътироф қилинган (И.Ражабов. «Мақомлар масаласига доир». б. 239,243).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Мухтасар» ўзбек мусиқа маданиятининг муҳим манбаларидан бири бўлиб, унинг муаллифи эса туркий халқлар мусиқа санъати ва назарияси соҳаларида етук билимга эга бўлган санъатшунос сифатида гавдаланади.

ХАЛҚИМГА ТАЪЗИМДАМАН...

Маъмуржон ТЎХТАСИНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти



Менинг қўшиқчи бўлишимнинг биринчи омили Олтиариқда туғилганим. Бу маконда қўшиқ хиргойи қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Агар боланинг танглайи қўшиқ билан кўтарилади, десам муболаға бўлмайди.

Иккинчи сабаб — отам нафас қилганлар. Маъмуржон Узоқовга ҳавас қилиб, ихлос билан исмимни Маъмуржон қўйганлар. Ота нафаси улуғ, ота рози — худо рози, дейдилар.

Учинчиси, ўзимда ҳам шу омиллар таъсирида қўшиқ-ашулага ихлос туғилиб, ўсиб, камол топиб бордики, ўрта мактабни тугатганимдан кейин Тошкент Давлат Маданият институтига кириб ўқидим. У ерда бастакор Раҳматжон Турсунов устозлигида қўшиқ куйлаш сирларини ўргандим. Мавжуда Тўраева сабоқларидан баҳраманд бўлдим.

Тўртинчиси, Бобур бобомизнинг руҳлари қўллаб, режиссёр Мақсуд Юнусов берган «буюртма» билан Бобур ғазаллари асосида бир йил ичида 7 та қўшиқ яратдим. Фикру зикрим, бутун ҳаётим Бобур билан бўлиб қолди. Нафсиламрини айтганда, Бобур бобомиз ғазаллари мени Маъмуржон Тўхтасинов қилиб элга танитди. Улуғлар руҳининг асрлар, ҳудудлар оша сени қўллашига ана шунда иймон келтирдим.

«Яхшилиғ», «Эй ёр, не бўлди?», «Жамолингга», «Оёғинг ўпсам», «Буни умр дерлар», «Фарғона тонг отгунча», «Жонон бўламан деб...», «Мустаҳзод», «Нима қолди?» каби қўшиқларим билан эл меҳрини қозондим. Аслини олганда, бу қўшиқларнинг кўпчилиги халқимизнинг мумтоз ҳофизи Маъмуржон Узоқовники. Қолган иловалари меники. Бу ҳам анъанавийлик ва устозшогирдчилик меваси. Албатта, бу тақлидни кейинроқ ўз ижодий асарларинг билан бойитсанг — нур устига аъло нур.

Қўшиқ туфайли «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», Халқаро Бобур мукофоти совриндори, ўтган муборак йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига сазовор бўлдим. Элу юртга, халқимизга қилган ушоқ хизматларим катта шараф бўлиб ўзимга қайтди. Гап бу ишонч, ихлосни бир умр оқлашда қолган. Умрим бўйи улуғ халқимизнинг хизматини қилиб, унга таъзимда бўлсам, дейман...

Кутубхоначилик

Замон талаби

Илм-маърифат маскани бўлган кутубхоналар ишини давр талабига мослаштиришдаги дастлабки қадам кутубхоналарни замонавий техника воситалари билан жиҳозлашдан иборат. Чунки, ҳозирги кунда дунё миқёсида миллионлаб адабиётлар, қўлланмалар, газета ва журналлар чоп этилмоқда. Катта миқдордаги бу ахборот оқимини жамлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва китобхонларга узатиш каби мураккаб ишларни ривожланган техника воситалари хусусан, компьютерларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Кутубхоналарда ва ахборот манбаларида турли ахборот ва адабиётларни китобхонларга қисқа муддатда етказиб беришда компьютер, нусха кўчирувчи ва кўпайтирувчи аппаратлар, аудиовизуал воситалардан, микронусхага олиш ва уларни ўқишга мўлжалланган аппаратлардан, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш китобхонларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтирибгина қолмай, балки кутубхоначининг меҳнат унумдорлигини ошириш, кутубхона фаолиятини юксалтириш имконини беради.

Кутубхона ва библиография ишларини техник жиҳатдан қайта қуриш ҳозирги кунда барча ривожланган давлатларда тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Автоматлаштирилган кутубхона, ахборот ва автоматлаштирилган ахборот қидириш системалари амалда қўлланилмоқда.

Илмий-техник, иқтисодий, махсус масалаларни бошқариш ва ечишда шахсий компьютерларнинг кенг кўламда қўлланилиши натижасида турли касбларга мўлжалланган автоматлаштирилган иш жойлари ташкил этиш имкони яратилди.

Кутубхоналарни автоматлаштириш ва механизациялашдан мақсад, библиографларнинг иш самарадорлиги ва истеъмолчига хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришдир.

Бўлажак кутубхоначи-библиографлар кутубхоналарда қўлланиладиган замонавий техника воситаларидан фойдалана олишлари зарур. Шу мақсадда институтнинг «Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув» факультетида «Информатика», «Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш» каби фанлар ўқитилади. Чунки талабалар келажакда мустақил Ўзбекистон кутубхоналарини ҳам ривожланган давлатлар кутубхоналари даражасига етказишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Саида АБДУЛЛАЕВА,
доцент

Малик МУРОДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Дил ўлоғидан қалқалар...



Мен ўзим кимман? Яратганнинг бандаси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг уммати, Буюк Туроннинг зарраси, ўзбекнинг ўғлони...

* * *

Зиёли деб кимни айтамиз? Фан доктори ё номзод олим, китоб ёзган адиб зиёли бўла оладими? Йўқ, албатта. Виждони пок, иймони бутун, дили билан тили бир, ҳалол, маданияти юксак кишини зиёли деса бўлади.

* * *

Инсонда фазилатлар кўп бўлса, қусурлар ҳам шунча бор. Аммо улар ичида икки-уч қусур — ҳасад, ичи қоралик ва кек-адоват энг ёмонидир.

* * *

Иғвогар, ғийбатчи, юзсиз, ҳасадчи, худбин, хасис, писмиқ, фирибгар, адоватли, тили бошқа-ю дили бошқа нусхаларни кўрганда — ўламан, ширинсухан, доно, шинаванда, иймонли, эътиқодли, тўғри, ҳалол, виждонли, пок, дили билан тили бир одамларнинг суҳбатидан қайта тириламан. Аммо афсуслар бўлсинки, биринчи тоифа нусхалар иккинчисига қараганда кўпроқ. Шу боис бир кунда ўн ўлиб бир тириламан.

* * *

Она тилимнинг бойлиги-ю, нафосатига қойил қоламан. Зеро, буюк халқимнинг донолиги тилида ҳам зуҳур этилади-да.

* * *

Буни қаранг, халқ иссиқ сўзларни кўп қўллаб, совуқ сўзларни камроқ ишлатар экан. Мен буни кўп кузатдим. Масалан «ўлди» совуқ сўзини олиб кўрайлик. Ўзбек бу сўзни кам ишлатади. Унинг ўрнига бошқачароқ, сал енгилроқ сўз қўллайди: «Фалончи омонатини топширибди» ёхуд «Фалончи узилибди», «Чин дунёга равона бўлибди», «Дорилбақога йўл олибди», «Фалончининг боласи учибди», «Фалончи қайтиш қилибди», «Фалончи оғирлашиб қолибди» каби ибораларни ишлатишда ҳам халқона одобни кўриш мумкин.

* * *

Қуш қанотсиз, балиқ сувсиз яшай олмаганидай, олим меҳнатсиз, китобсиз, ёзувсиз яшай олмайди. Олим учун фикрлаш ва изланишдан тўхташ — ўлим билан баббаравардир.

* * *

Маънавияти бутун, иймони мустаҳкам, қадриятлари устувор, виждони пок, ҳаром-ҳаришдан узоқ инсонларга таъзим қиламан. Маънавияти саёз, иймони бўш, виждони йўқ, нопок, ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормайдиган нусхаларга эса нафратимнинг чегараси йўқ.

* * *

Мендан ота улуғми, устоз, деб сўраб қоладилар. Бунга ота-боболардан суяк суриб, неча-неча синов тажрибаларидан ўтган халқ ибораси билан жавоб бераман: «Устоз отадай улуғ». Зеро, ота — ақл, устоз — идрок. Ота ақл беради, устоз донолик.

* * *

Ўтмишини тан олмаган, қадриятлардан воз кечган, ўзлигини англамаган кимса кўршапалакка ўхшайди. Бундай киши тунни кўради, кунни кўрмайди, зим-зиёни тан олади, ёруғликдан қўрқади.

* * *

«Олим бўлсанг — олам сеники» деган ибора бор. Бу ибора балки тўғридир. Аммо мен кўрган, билган ҳақиқий олимлар олимлик билан меҳнат, заҳмат, машаққатларни ҳам сотиб олганлар. Шу жумладан ўзим ҳам.

* * *

Эй азизим, «Кўп ёзади, кўп чиқаради, кўп гапиради, бир сўз билан айтганда ҳаммасига улгуради», деб ҳадеб менга таъна тошларини отаверма. Сен ёнбошлаб мазза қилиб дам олганингда мен мункайиб ишлаб ўтираман Сен мазза қилиб ухлаб, ширин тушлар оғушида бўлганингда, мен тунни тонгга улаб ёзиб, ўқиб ўтираман. Қисқаси, сен роҳатда-ю, мен азобда бўламан, аммо афсусланмайман.

* * *

Баъзи сўзларни эшитганимда «Нега кар бўлиб туғилмаганман» деб хафа бўламан. Кар бўлиб туғилганимда «пора» деган ифлос сўзни эшитмаган бўлардим.

* * *

Бир танишим 60 йиллик тўйини қилди. Бошқа бир танишим «Домла, мақтов қоғозини, кичик совғасаломни тайёрладик. Аммо кафедра номидан нимадир дейишим керак. Нималарни гапирсам деб бошим қотиб турибди», деб қолди. Мен ёш мутахассисга «Дил билан тил бирлиги ҳақида сўзланг», деб маслаҳат бердим. «Унда ўлдираманку»! деб жавоб қилди.

* * *

Дунёда дўстингман деб терингни шилгандан ортиқ жазо йўқ экан. Қадрдонингман деб туриб, пўстингга сомон тиққандан зиёд хўрлик бўлмас экан. Аммо шогирдингнинг хиёнати ҳар икковидан ҳам зўрроқ.

«Алпомиш» достонида халқ урф-одатлари

Халқимиз орасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатларни халқ оғзаки ижодидаги лирик ва лиро-эпик асарларида кўплаб учратиш мумкин. Негаки, халқ оғзаки ижоди намуналари — қўшиқ ё достонларда куйланган бўлса, ривоят ва эртаклар айтиш тариқасида одатлар мурғак вужудга муҳрланиб, давр синовларида янада сайқал топа борганини бугунги турмуш тарзимиз кўрсатиб турибди.

Биз ўз кузатувларимизнинг «Алпомиш» достонидаги урф-одатлар ва анъаналарни имкон тариқасида талқин этишга жазм этдик. «Алпомиш» достонини бир қанча бахшилар ижро этишган. Улар бахшичилик анъаналарига асосланган ҳолда уни ўз репертуарларида ўзларига хос йўсинда талқин этганлари боис, унинг 40 дан зиёд варианти юзага келганлиги маълум. Биз ўз кузатувимизга сурхондарёлик бахши Хушбоқ Мардонақул ўғли томонидан ижро этилиб, Тоштемир Турдиев ёзиб олган достон вариантини асос қилиб олдик.

«Алпомиш» достонининг бошланишида фарзанд кўриш билан боғлиқ ҳолат ифодаси бор: «Эй дунё, сенга келиб кимнинг кўнгли шод бўлди, кимники ношод бўлди? Менга шунча мол-давлат, бахт бердинг, тожу тахт бердинг. Ўлар вақтимда орқамдан қоладиган бир зурёдим бўлмаса, тобутимнинг сояси, ўлигимнинг эгаси бўлмаса, бу дунёнинг, бу ташвишнинг менга нима кераги бор? Эгам, мени қайларга отдинг, мунча йиғлатдинг?» Бу лавҳа Бойбўрининг укаси Бойсариникига кетаётиб тортган оҳу ноласидир. Кўриниб турганидек, фарзанд ҳар қандай оиланинг асосий таянчидир. Оиланинг давомийлиги, унинг барқарорлиги ҳам фарзанд билан бокарамлиги қадим ўтмишимизнинг бетакрор фалсафаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Гўдакка ном қўйиш азалдан муҳим бир воқеа ҳисобланган. Халқ орасида ҳозирги кунда ҳам сақланиб келаётган бу одат асли бола туғилганидан етти кун ўтиб, бир мулла томонидан азон айттириб, исм қўйилган. «Алпомиш» достонида ўқиймиз:

...Қуллуқ бўлсин, бегимжон,
Ҳакимбек деган улингиз.
Тонғ юлдузидай порлайди,
Бегимжон, икки кўзингиз.
Ойбарчиндайин қизингиз.
Осмондаги ёркин ойи,
Иноят қилди худойи...

Болага бахши томонидан ном қўйилиши бугунги кунда ҳам воҳа томонларда учраб туради. Гўдакка бу тариқа ном бериш халқимиз маънавий оламининг туб илдизлари минг йилликлар билан елкадош эканлигидан дарак бериб турибди. Халқимиз турмуш маданиятининг кўринишларидан бири болага тарбия беришда саводхонликка алоҳида эътибор беришдир: Ҳакимбек билан Барчиной тўрт ёшга етганда Бойбўрибек Ҳакимнинг қўлидан ушлади. Бойсари ҳам қизининг қўлидан ушлади. «Домуллани чақириб келиш бизга тўғри келмайди. Устозни чақириш мумкин эмас. Одамлар қатори бизам мадрасага борайлик», — деб болаларини домланинг қўлига топшириб келадилар. Ғарб мамлакатларида бой ва ўзига тўқ одамлар ўқитувчи ёллаб болаларини уйларида ўқитган бўлсалар, халқимизда эса қадимдан устозни «улуғ» деб билиб, фарзандларини домла қўлига топширганлар ва уларнинг болалари ҳам эл қатори мактаб ва мадрасаларда савод чиқарганлар.

Оилада фарзанднинг фақатгина саводини чиқарибгина қолмай, балки уни касб-ҳунар эгаллашига ҳам алоҳида эътибор берилган. Достонда Ҳакимбекнинг илмлар билан чегараланиб қолмай, балки камон отиш, найза санчиш, кураш тушиш амалларини донғи кетган устозлардан ўрганганлиги боис «бобосидан қолган ўн тўрт ботмонли парли ёй»ли камонни олти ёшда отганлиги ифода этилади.

Халқимиз орасида кенг тарқалган одатлардан яна бири бўйи етган хонадонга йигит томондан совчи келишидир. Совчи мезбон томонидан кутиб олингач, у муддаога кўчиб ўзининг хонадон қизига харидор бўлиб келганлигини айтади. Достонда бу ҳолат қуйидаги кўринишда ифода этилади:

Қиз дегани, Бойсари,
Палахмоннинг тошидир.
Сотиб есанг бозорга,
Қассобларнинг гўштидир.
Қиз фарзанднинг тақдири,
Қўшгани жўлдошидир.
Ули борнинг ўрни бор,
Қизи борнинг қадри бор.
Тушган жойи соз бўлса,
Элда биродари бор...

Бундай мисоллар ҳозирги даврда ҳам яшаб келаётган расм-русумлар, одат ва маросимлар илдизи ниҳоятда чуқур, халқимизнинг узоқ тарихи ҳамда тақдири билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

А.УМАРОВ,
тадқиқотчи

БЕРУНИЙ ВА БИБЛИОГРАФИЯ



Ўрта Осиёда библиография фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши Абу Райҳон Беруний номи билан узвий боғлиқдир. Беруний мерос қилиб қолдирган библиографик асарлар ҳозирги кунда олимларимиз фан ва маданият тарихини ўрганиши учун ишончли манба сифатида хизмат қилмоқда.

Беруний 1035-1036 йилларда файласуф ва табиатшунос Абу Бакр Муҳаммад Ибн Закариё ар-Розий (IX асрнинг охири X асрнинг бошларида яшаган) илмий фаолиятини кўрсатувчи «Библиография» («Фихрист») тузади.

Олим бу кўрсаткичда Розийнинг таржимаи ҳолига оид қимматли маълумот беради ҳамда унинг 184 асари номлари берилади. Беруний асарларни шунчаки санамади, балки мавзу ва соҳалар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тартибга солган. У асарларни ёзилиш йиллари (хронологияси) бўйича жойлаштирган. «Фихрист»да ҳар бир асарнинг тўлиқ тавсифи берилиб, ёзилиш тарихи, кимга бағишланганлиги ва мазмуни ҳақида маълумот келтиради. Шу боис бу маълумот XIII асрнинг ўрталарига қадар (яъни 200 йилдан ортиқроқ) Розий илмий мероси ҳақида энг муҳим манба бўлган. XII аср ўрталарида яшаган тарихчи олим Ибн Абу Усайбиа Розий асарларининг тўлиқ рўйхатини тузиб, уларнинг сонини 236 тага етказган.

Бу кўрсаткичнинг аҳамияти шундаки, унда Розий асарларининг рўйхатидан ташқари, Берунийнинг 1036-йилнинг охиригача ёзган 113 асари киритилган. Бу асарларни 13 та тематик бўлимга бўлиб, жойлаштирган. Бўлимлар алифбо тартибида, асар ёзилган йилларига қараб жойлаштирилган. Тавсифда 133 та асардан 70 тасининг ҳажми кўрсатилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кўрсаткичга кирган асарлардан 27 тасини Беруний каби олимлар билан Абу Сахл Масиҳий, Абу Али Ҳасан ҳаммуаллифлигида ёзилганлиги қайд этилган. Кўрсаткичда Берунийнинг 1036-йилдан кейин ёзган 30 дан ортиқ асари кирмай қолганлиги маълум.

Беруний Шарқда биринчи бўлиб фойдаланган манбалари ҳақидаги маълумотларни тартибга солиб, уларга танқидий ёндошган. Унинг 998-1004 йилларда ёзган «Осорул-боқия» ("Хронология") номи билан машҳур асари матнида берилган манбалар рўйхатини келтириш мумкин. Бу рўйхат Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг умумий муқояса йилномаси ҳисобланиб, унда грек, византияликлар, форслар, суғдиёналиклар, хоразмликлар, яҳудийлар ва бошқа халқлар тилидаги тарих, диний-ахлоқий, маиший китоблардан фойдаланилганлиги қайд этилган.

Берунийнинг «Осорул-боқия» асари ёзилгунга қадар Ўрта Осиё олимларидан бирортасининг асарларида фойдаланилган адабиётлар рўйхати бунчалик кўп берилмаган. «Хронология»да гуманитар ва тиббиётга оид 60 дан ортиқ асарлар рўйхати илова қилинган, шунингдек 200 га яқин муаллифларнинг асарларидан фойдаланилганлиги эслатилган. Берунийнинг «Осорул-боқия»сини ўз даври учун библиографияга бой бўлган биринчи асар деб ҳисоблаш мумкин.


Худди шундай библиографик манбаларни Берунийнинг "Геодезия" (1025 й.), математика ва астрономияга оид "Масъуд тарих"и, "Минералогия» (XI аср, 40-йиллар) асарларида ҳам учратамиз. Берунийнинг «Ҳиндистон» (1030) номли тадқиқотини фихристик библиографиянинг ноёб намунаси деса бўлади. Асар кириш қисми ва 80 бобдан иборат бўлиб, уни ёзишда Беруний 10 йил давомида 207 та қўлёзма китоблардан фойдаланган. Асарнинг 12-14-бобларида берилган бу манбаларни ҳақли равишда алоҳида библиографик манба дейиш мумкин. Тўпланган манбалар соҳаларга бўлиб ўрганилган ва жойлаштирилган. Беруний ҳар бир соҳага оид энг муҳим илмий асарлар ҳақида батафсил тўхталиб, сўнг бошқа манбалар ҳақида фикр юритади. Асарнинг 12-бобида 38 та китобнинг рўйхати берилган бўлиб, асосан, ҳиндларнинг диний-фалсафий, ҳуқуқ, илоҳиёт адабиёти ҳақида гапирилади. Шу билан бирга «Маҳобҳорат» эпоси ҳақида ҳам олим ўз муносабатини билдириб ўтади.

Асарнинг 13-бобида «грамматика ва поэзия»га оид китоблар ҳақида маълумот берилган. Беруний бу бобда ҳинд тилшунослик тарихининг шаклланиши, унинг бошқа фанлар ичида тутган ўрнини аниқловчи 8 та китобни тавсиф қилади. Бундан ташқари, поэзия ҳақидаги китоблар рўйхати берилган. Аввалги боблардаги сингари бу бобда ҳам Беруний грек ва араб муаллифларининг номларини тилга олган.

Асарнинг 14-бобида астрономия, математика, тиббиётга оид асарларнинг 60 та тавсифи берилган. Улуғ олимнинг бизга мерос қолдирган асарларида айтилган манбалар хронология ва ҳудуд жиҳатдан кенглиги (антик даврдан — XI аср бошларигача, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Грециягача), улар тилининг хилма-хиллиги (араб, форс, грек ва бошқалар) кишини ҳайратга солади. Буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг бу библиографик ишлари уни ҳақли равишда Ўрта Осиёнинг биринчи библиографи деб айтишимизга асос беради.



Муса ТУРОПОВ,
педагогика фанлари номзоди,
доцент



ҚАДИМИЙ ЧОЛҒУЛАР

Собиржон ЖУМАЕВ,
доцент

Ўзбек миллий мусиқаси жуда бой ва ранг-барангдир. У қадимдан авлоддан-авлодга оғзаки, устоз ва шогирдлик тарзида ўтиб ривожланиб келди.

Ўрта асрларга келиб вокал мусиқаси янада ривожланди. Ўша даврларда ёзилган рисолаларда вокал мусиқага санъатнинг энг муҳим шакли деб қаралган, ўз навбатида чолғу мусиқасига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ўрта Осиёда яшаган машҳур олим Абу Наср ал Форобийнинг мусиқа ҳақидаги рисоласида «Мусиқа ашулага жўр бўлади ёки овозга тақлид қилади, уни бойитади ҳамда ашуланинг бошланғич мусиқаси ва ораларидаги чолғу қисмини ҳосил қилади. Бу эса ашулачига дам беради. Айни вақтда улар ашулачининг овози етмайдиган жойларини бўрттириб, мусиқани бойитади» дейилади.

Форобий чолғу асбоблари икки вазифани бажаришини таъкидлайди. Улардан биринчиси, ашулачига жўр бўлиши, иккинчиси, якка ҳолда ижро этилишидир. Чолғу асбобларининг бу вазифаси ҳозиргача сақланиб келмоқда. Форобийнинг фикрича, киши овозига тақлид қила оладиган чолғулар энг мукаммал чолғулар ҳисобланган. Бу ўринда у рабаб (ҳозирги ғижжак) ва сурнай (ҳозирги най)ни назарда тутган. Форобийнинг фикрлари буюк олим Абу Али ибн Синонинг (980-1037) мусиқа чолғуларини икки, яъни торли ва пуфлаб чалинадиган гуруҳларга бўлишида ўз тасдиғини топди. Унинг рабаб ҳақидаги фикрларида ҳам бу асбоб камонча билан чалиниши алоҳида таъкидланади. Чолғу асбобларини тасниф этишда у соз, яъни созлашни асосий мезон деб ҳисоблайди. Чолғу асбоблари чалинаётган куй хусусияти ва диапазонини ҳисобга олган ҳолда созланган. Бу хусусият ҳозир ҳам давом этмоқда.

Мақом асарлари ижро этилаётган пайтда, айниқса, дутор ва танбур асарга мослаб созланади. Танбур «Бузрук», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ирок» мақомларида квартага, «Рост» мақомида квинтага, «Наво» мақомида эса катта секундага созланади. Созларнинг ўзгартирилиши мақомларнинг мукаммал ижросини таъминлашга ёрдам беради.

Дунё халқлари мусиқа мероси, айниқса, миллий чолғу асбоблари бир неча тамойил асосида тасниф этилади. Ана шундай тамойиллардан бири мусиқа асбобини чалиш усули ва воситалари нуқтаи назаридан тасниф этиш ҳисобланади. Мана шу жиҳатдан ўзбек миллий мусиқа чолғулари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Урма мусиқий чолғулар — доира, ноғора, қайроқ, сафоил, чиндовул, тавлак, қошиқ, ликопча.

Дамли чолғулар — сибизға, най, қўшнай, сурнай, буламон, карнай.

Торли чолғулар — бу чолғулар ҳам ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: а) торли ноҳунли — мизробли чолғулар — қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, уд, қонун;

б) урма жарангли торли чолғулар — чанг;

в) чертма чолғулар — дўмбира, дутор ва қадимда чанг деб аталган бурчакли арфа.

Камонли чолғулар — ғижжак, қўбиз, сато.

Эпизод сифатида фойдаланиладиган чолғулар — чанқовуз.

Мусиқий чолғуларнинг вужудга келишига халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, руҳий-ҳиссий олами, дунёқараши, анъаналари асосий заминдир. Бироқ ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётнинг ривожланиши ёки инқирозида у ё бу чолғу асбоби тараққий этади ёки унут бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий чолғуларнинг янги-янги имкониятлари кашф этилмоқда. Ўтмишдан мерос қолган, аммо унутилган айрим чолғулар ҳам мусиқа санъатимизда ўз ўрнини топади деб умид қиламиз.

Маънавий бурч

...Истиқлол, Ҳуррият, Озодлик, Ватан, Қадрият, Комил инсон. Бу тушунча онадек азиз, отадек лазиздир. Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш олимлар, адиблар, драматурглар, бастакорлар, театр санъати арбоблари зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди.

Зеро, театр санъати оммани тарбиялашда миллий ва маънавий озуқа экан, унинг ажралмас қисми, қудратли воситаси бўлиб Сўз санъати хизмат қилади.

Сўз санъатининг, айниқса, бадиий сўзнинг қудрати беқиёсдир. Инсон нутқига файз бериб турувчи сўз бадиий адабиётда янада таъсирчан тусда намоён бўлади. Мустақил давлатимизнинг маънавий-маърифий ислоҳотларида санъат аҳлининг фаол иштироки ва ёшларни юртга содиқ, баркамол авлод қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай маънавий етук кишиларни тарбиялашда бадиий сўз санъатининг роли беқиёсдир. Айниқса, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти маънавий-маърифий ислоҳотлар соҳасида кенг имкониятларга эга. Булар — сўз санъати, саҳна нутқи ва нотиқлик санъати дарслари ва бошқа ёндош фанлар.

Бу предметларнинг асосий мақсади чуқур профессионал билим ва маҳоратга эга бўлган режиссёр ва бадиий раҳбарлар тайёрлашдан иборатдир. Айниқса, биз таълим бераётган оммавий байрамлар режиссёри ташкилотчилари бевосита профессионал ижрочилар билан бирга омма ўртасида ҳам иш олиб борадилар. Шунинг учун ҳам биз, сўз санъати ўқитувчилари бўлажак мутахассисларнинг маънавий етуклигига алоҳида эътибор беришимизга тўғри келади.

Сўз санъати ва саҳна нутқи дарсларида маънавий тарбия масаласига алоҳида эътибор бериш, деганда нимани тушуниш керак? Ёки ана шу дарсларни маънавият ҳақида ваъзхонликка айлантириш зарурми? Соф профессионал таълимни йиғиштириб қўйиб, фақат миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида қуруқ маъруза ўқиш керакми? Йўқ, албатта! Ҳамма гап ана шу таълим ва тарбиянинг узвий бирликда қўшиб олиб борилишидадир. Назаримда, профессионал таълимни маънавий, ахлоқий тарбия билан биргаликда, чамбарчас боғлаб олиб бориш лозим. Бунинг учун энг аввало ҳар бир педагогдан маънавий тарбиянинг туб моҳиятини чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиш тақозо қилинади. Кейин эса ўқув репертуарига таяниш лозим. Бироқ шунга онгли равишда, аниқ мақсад билан ёндошувимиз талаб қилинади. Масалан, ўтмишда ўтган момоларимиздан Тўмариснинг жасоратли, ақлли ва доно аёл образини кўз олдимизга келтириб, унинг маккор подшоҳ Кайхусравнинг ҳийла-найрангига қарата айтган қуйидаги сўзлари ўз ватанини севувчи ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Аксинча, юрагини ларзага солади, она-Ватанга муҳаббат, душманга нисбатан ғазаб ўтини қўзғайди: «... Эй қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай қўя қол, сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енганинг йўқ, уни маккорлик билан, шароб ичириб, қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатларимга кир, ўғлимни менга топшириб, зиён-заҳматсиз келган ерингга қайтиб кет, массагет қўшинининг учдан бирини қўлга туширганинг билан ўз элингда керилиб юравер. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси Қуёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очқўз юҳони қон билан суғораман».



Бинобарин, Зебунисо ва Нодирабегим, Увайсий ва Анбар отин каби маърифатпарвар, юксак бадиий истеъдод соҳибаларини эсласак, уларнинг бизга қолдирган гўзал шеърий маънавияти улкан хазинадир. Нафис ғазал ва шеърларини ўқир эканман, Абдулла Қодирий асарларидаги Кумушбиби ва Раъно образлари гавдаланиб, ҳаё, ибо борасидаги маънавий қарашларимни тўлдиргандай бўлади. Ҳа, бу асар қаҳрамонларининг ҳар бири ўзига хос маънавий бойлигимиз ва ҳамиша биз уларга таяниб, қувват олиб, илҳомланиб ижод қилаверамиз. Шунингдек, ўқув репертуарлари мундарижасини яна узоқ давом эттиришимиз ва уларга ўзига хос тавсиф ва таърифлар беришимиз мумкин. Биз мулоҳаза юритган имкониятлар, агар қиёс қилиш жоиз бўлса, денгиздан бир томчи, холос.

Қолган имкониятларни излаш, амалда қўллаш, ўқув репертуарларини бойитиш ва тадқиқотлар олиб бориш санъат ҳамда маданият соҳасидаги олий, ўрта махсус ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир фидойи педагогнинг маънавий бурчи ҳисобланади.

Адиба НОСИРОВА,
педагогика фанлари номзоди



Руҳ бунёдкори

Форуқ Содиқов сийратига чизгилар

Қарғаларга булбул хониши ёқмайди. Даҳолар қадрини даҳолар билади. Шоир Абдулла Ориф топиб айтганидек, «Булбул ўгай эрур зоғлар орасида...» Яхшики, халқимиз хушовоз булбулларини қадрлайди.

Бизнинг замонамизда мумтоз мусиқа, қўшиқ устозлари Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Комилжон Жабборов, Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Ориф Алимахсумов, Карим Зокиров, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Фахриддин Умаров каби санъаткорлар халқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдилар. Ўттизинчи йиллар охирида Ўзбекистонда Давлат филармонияси қошида Тўхтасин Жалилов раҳбарлигида Халқ чолғулари этнографик оркестри ва А.Петросян раҳбарлигида такомиллашган чолғулар оркестри тузилди. Бу оркестрлардан биринчиси миллий мумтоз мусиқани ривожлантириш учун, иккинчиси миллий ва жаҳон мумтоз мусиқаси асарлари ижросини юксалтириш учун жуда катта ҳисса қўшдилар.

Кейинги чорак аср давомидаги мусиқа маданиятимиз тараққиёти Форуқ Содиқов ва унинг раҳбарлигидаги Халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолияти билан боғлиқ.

Форуқ Содиқов 1946 йил 31 декабрда зиёли оиласида таваллуд топди. У Глиэр номли республика мусиқа мактабида Б.Мирзаахмедов (рубоб) ва Э.Тошматов (дирижёрлик) қўли остида таҳсил кўрди. 1965-1970-йиллар Тошкент давлат консерваторияси Халқ чолғулари факультетида профессор А.И.Петросян ва доцент Ф.Н.Васильев раҳбарлигида билим олди ва мазкур даргоҳда ишга қолдирилди. У ўз ижрочилик фаолиятини 1966 йилдан Муқимий номидаги мусиқали ва драма театрида созандаликдан бошлади. Ёш созанда рубоб ижрочилиги сир-синоатларини чуқур эгаллаб, бадиий-техникавий маҳоратини оширишга интилди. 1971 йилда ижрочи-созандалар 1-республика танлови ғолиби бўлди. Ўз фаолиятидан қониқмаслик Форуқни 1971 йилда консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлик факультетига ўқишга ундади. У композитор М.Ашрафий ва Қ.Усмоновлардан сабоқ олди.

Ўзбекистондаги таниқли зиёлилардан бир гуруҳи 1957 йилда «Ўзбекистон маданияти» газетасида оркестр фаолияти ҳақида танқидий мақола билан чиқдилар. Маданият вазирлигида бу мақола муҳокама қилиниб, аҳволни яхшилаш учун амалий чоралар кўрилди. Оркестр ташкилотчиси ва узоқ йиллар унга раҳбарлик қилган А.И.Петросян оркестрга раҳбарликдан бўшатилди. Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетида ўқув дастурини қайта қуришга қарор қилинди. Оркестрнинг янги бадиий раҳбари Саид Алиев аҳволни яхшилашга ҳаракат қилди. Аммо сезиларли ўзгариш юз бермади. 1975 йилда халқ чолғу оркестри давлат аттестацияси — малака синовидан ўтолмади ва концерт бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

1976 йилнинг февраль ойида ёш истеъдодли дирижёр Форуқ Содиқов халқ чолғу оркестрининг бадиий раҳбари қилиб тайинланди. У халқ чолғулари оркестрига юксак малакали созандаларни ва хонандаларни ишга жалб этди, оркестрнинг концерт дастурларида жаҳон мумтоз мусиқаси дурдоналарини сақлаб қолган ҳолда миллий чолғулар ижросидаги ўзбек халқининг мумтоз ва замонавий мусиқа асарларини етакчи ўринга чиқарди. Унинг ҳаётида шундай қизиқ бир воқеа ҳам юз берган: Қора денгиз бўйидаги Евпатория шаҳридаги гастроль вақтида чироқ ўчиб қолганидан оркестр қоронғуда бир соат давомида ажойиб куйларни чалиб, барчани мафтун этган эди.

Оркестрнинг юксак ижрочилик маҳорати, ранг-баранг дастурлари, таниқли хонанда ва созандалар билан ижодий мулоқоти натижасида бирин-кетин 18 та улкан диск дунё юзини кўрди. Хусусан хонандалар О.Алимахсумов, Б.Исоқова, Ш.Муллажонова, созандалардан М.Тоиров, Ш.Аҳмаджонов, Т.Собиров ижросида ёзилган пластинкалар ноёб хазинага айланди, Ф.Содиқов раҳбарлигида оркестр эришган ютуқлари учун Давлат оркестри (1980), Академик оркестр (1991) каби юксак мақомларга етди.

Ф.Содиқовнинг ташаббуси ва иштирокида оркестр ҳақида «Мусиқали палитра» фильм-концерти дунёга келди. Оркестр 1985 йили Москвада ўтказилган XXI Жаҳон ёшлари ва талабалари фестивали, 1993 йили Кореяда ўтказилган халқаро мусиқа фестивалларининг лауреати бўлди.

Ф.Содиқовнинг истеъдодли бастакорлар билан ижодий ҳамкорлиги натижасида миниатюрадан тортиб то симфониягача бўлган ижро имкониятларини очувчи янги асарлар вужудга келди. Маэстронинг ижодий фаолияти хорижий мамлакатлар оркестрлари билан ҳам бевосита боғликдир. У Қозоғистон, Россия давлатларининг нуфузли халқ чолғу оркестрларига дирижёрлик қилиб, санъат мухлислари олқишига сазовор бўлди. Президентимиз ташаббускор бўлган «Туркистон —умумий уйимиз» ғоясига мувофиқ, Форуқ Содиқов Марказий Осиё минтақаси бирлашган халқ чолғулари оркестрларини ташкил этиш ва уларни Тошкентда 1-халқаро фестивалини ўтказиш ғояси ташаббускори бўлди ва 1994 йили Чимкентда шундай халқаро оркестрнинг биринчи концертини берди.

Халқимизнинг севимли санъаткорлари Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Гулбаҳор Эркулова, Аваз Ражабов, Муяссар Раззоқова, Марям Сатторова халқ чолғулари оркестри жўрлигида қўшиқ айтганлари билан фахрланадилар. Насиба Абдуллаева: «Халқ чолғулари оркестри билан ҳамкорликда куйлаганимни 20 йиллик ижодий фаолиятимнинг чўққиси деб биламан», деган эди.

Форуқ Содиқов моҳир ижрочи-созанда, йирик маданият арбоби, меҳрибон устоз ва ёшларнинг севимли мураббийси ҳамдир. У 20 йилдан ортиқ вақт давомида М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида талабаларга халқ чолғу оркестри дирижёрлиги сирларини ўргатди. Унинг раҳбарлигида консерваторияни тугатган ўнлаб талабалар республикамизнинг турли вилоятларида дирижёр, созанда, мураббий сифатида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Форуқ Содиқов истеъдодли созанда ва дирижёрлигидан ташқари мусиқа назариётчиси ва тарихчиси ҳамдир. У 1980 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1999 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонлари билан тақдирланди.

Бугунги кунда Ф.Содиқов А.Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти профессоридир. Унинг кўп йиллик ижрочилик, концерт ва педагогик фаолияти самараси ўлароқ «Т.Жалилов номли Ўзбекистон Давлат халқ чолғу оркестри» номли монография (Г.Кузнецова билан ҳамкорликда), шунингдек, оркестр дастурининг айрим саҳифаларини ифода этувчи тўплам (партитура)лар нашр этилди. Ўтган йили унинг «Ўзбек халқ чолғулари оркестри ижросида Тўлқин Қурбонов асарлари талқини» ўқув қўлланмаси босилиб чиқдики, бу мусиқа нафосатининг илк теран таҳлилидир.

Пурмаъно, дардли мусиқа инсон дилини майин ва нозик туйғулар билан бойитади. Навоий «Маҳбубул қулуб» асарида «Кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ хуш овоздан озиқ олади. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси, ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади», деган эди. Аммо комил устозлардан таълим-тарбия кўрмаган баъзи ёш хонандалар дардсиз, маъносиз, саёз қўшиқлари билан ёш авлоднинг бадиий-нафосат ҳиссини ўтмаслаштириши мумкин. Форуқ Содиқовдан шу ҳақда фикрини сўрадим. Форуқхон софдиллик билан деди:

— Биласизми, дўстим, саёз қўшиқлар одамларга ҳеч нарса бермайди. Мусиқа оламида гўзал қалбли, санъатни юксак маънавият деб тушунадиган санъаткорларгина халқ меҳрини қозонади. Руҳ булбули эркинликни яхши кўради.

Форуқ Содиқов билан танишиб, дўстлашиб, унинг ўзи ҳам ана шундай нодир инсон, ажойиб санъаткор эканига ишондим.

Маҳкам МАҲМУД

КУТУБХОНАЛАР НЕГА КАМАЙМОҚДА?

Бугунги кунда Маданият ишлари вазирлигига қарашли 6180 кутубхона (2000 йил 1 январь маълумоти бўйича) фаолият кўрсатмоқда. Албатта, кутубхоналар олдида турган долзарб муаммолардан бири китобхонларнинг ахборотга бўлган талабини қондириш учун фондни янги адабиётлар билан тўлдиришдан иборат. Вилоят универсал илмий кутубхоналари фондининг янги адабиётлар билан таъминланишига назар солсак, ўрта ҳисобда йилига 1000-1100 нусхани ташкил этади. Бу етарли кўрсаткич эмас, албатта. 1999 йилда Наманган вилояти кутубхонаси 500 нусха, Сирдарё вилояти кутубхонаси 700 нусха, Андижон вилояти кутубхонаси 900 нусха янги адабиёт билан таъминланган, холос.

Республикамиз кутубхоналарни етарли китоб билан таъминлаш учун Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан китоб савдоси, китоб алмашиниш соҳасида янги алоқалар ўрнатилиши лозим. Бундан ташқари хорижий мамлакатлар кутубхоналари ва нашриётлари билан узвий алоқа ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Ҳужжатларнинг эскириб бориши, адабиётларнинг кўплаб фонддан чиқариб юборилиши ҳам кутубхона фаолиятига анча салбий таъсир этади.

Натижада юз минглаб керакли адабиётлар асоссиз равишда кутубхона фондидан чиқариб ташланмоқда. Бундай ҳоллар Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоят кутубхоналарида яққол сезилади. Ҳатто айрим вилоят кутубхоналари фондлари кескин камайиб, китоб жавонлари бўшаб қолиш даражасига етмоқда. Ваҳоланки, юқоридан вилоят кутубхоналари йиллик янги адабиётларнинг олинишига нисбатан адабиётлар чиқазилиши 4-5 баробар кўпдир.

Кутубхона фондларини шакллантиришдаги жиддий муаммолардан яна бири уларнинг аҳоли талаб-эҳтиёжига мувофиқ бўлишига бориб тақалади. Кутубхоналаримиздаги ўзбек тилидаги адабиётларнинг мавжудлигига эътибор берилса, аҳвол яхши эмас. Масалан, бу миқдор Навоий вилояти кутубхонасида 6,5 фоиз, Сирдарё вилояти кутубхонасида 10,2 фоиз, Андижон вилоят кутубхонасида 11 фоизни ташкил этишини қандай изоҳлаш мумкин?


Юқоридаги масала билан боғлиқ яна бир муаммо кутубхоналараро китоб алмашувининг ниҳоятда ёмон йўлга қўйилганлигидир. Баъзи жойларда шу нарса кузатиладики, чорвачилик ҳақида китоб бўлмайди, мевачилик ривожланаётган туманда шу соҳага оид китобларни топа олмайсиз.

Таъкидлаб ўтилган муаммо ва камчиликлар китобхонлар сафининг камайишига олиб келади, албатта. Масалан: 1998 ва 1999 йил оралиғида Андижон вилоятида 14 минг 500 га, Тошкент вилояти бўйича 37 минг 100 та, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича эса китобхонлар сони 14 минг 385 тагача камайган. Шунинг билан биргаликда кутубхоналарнинг моддий-техника базаси ҳам китобхонлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли 1997 йилдан 1999 йилгача 376 кутубхона қисқартирилиб, ёпилди.

Бу муаммолар албатта кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бу йиллар давомида йиғилган ва ўз ечимини кутаётган муаммодир. Буларни ечиш, бартараф этиш Маданият ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ҳокимият раҳбарларига боғлиқдир. Чунки, кутубхоналар маънавиятимиз хазинаси, китоб илм ва тафаккур чироғи экан, улар жамулжам бўлган даргоҳлар ҳам ўз номига муносиб бўлиши, маънавий баркамоллик мактабига айланиши, шу вазифага даъват этилган маскан сифатида қадр топиши керак.

Абадбой ҚИЛИЧБОЕВ,
тадқиқотчи

Менинг дорилфунуним — янги ижодий босқич



Достон УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Халқ бадиий ижодиёти» факультети «оммавий байрамлар режиссураси» гуруҳи II курс толиби

Ёшлигимдан халққа танилган «артист»лардан ҳисобланаман. Тўрт ёшимдан санъат бағридаман. Яқинлар биладики, Убайдуллаевлар оиласи — санъаткорлар сулоласи. Бобом Асқар Убайдуллаев, отам Рустам Убайдуллаевларнинг номлари халқимизга яхши таниш. Додам, машҳур ҳофиз Фахриддин Умаровни танимаган одам йўқ. «Ялла»нинг кўзга кўринган артисти Рустам Илёсов — тоғам бўладилар.

Ўзимга келсак, Рихсивой Муҳаммаджонов сценарийси, Темурмалик Юнусов режиссёрлигидаги «Тенгалик болалар» бадиий фильмида ўз ролим «Достонча»ни ижро этиш билан кўпчиликнинг назарига тушдим. Кейинроқ устозим Мурод Ражабовнинг «Қора кўзлар» фильмида «Куёв бола» ролини ўйнаб, яна бир бор актёрлигимни синовдан ўтказиб олдим.

Менда санъатга ихлоснинг кучайиб боришида отамнинг ҳиссалари катта. У киши «Эрта келган шуҳратнинг тоши оғир бўлади, у ўз эгасини босиб, майиб қилиб қўйиши мумкин» деган ҳикматни тез-тез такрорлаб турадилар. Шу сабабли ҳозир ҳам менинг «эрта пишган» шон-шуҳратдан бошим гангиб қолмаслиги тадоригини кўриб юрадилар. Қўшиқ ижрочилиги соҳасида истеъдодимни аниқлаш мақсадида кичик бир даста тузганмиз. Унга ҳам отам — Рустам Убайдуллаев бош-қош. Бир-икки қўшиғим республика радиоси тўлқинларида бериляпти ҳам.

Ишонсангиз, шу ёшга кириб, ҳали отамнинг рухсатларисиз бирор тўй-маъракага борган ёки бирор ижодий гуруҳ билан оғзаки ё ёзма шартнома имзолаган эмасман. Бунинг сабаби додам Фахриддин Умаров: «Обрў мисқоллаб йиғилади, ботмонлаб тўкилади» деганларидек, бемаҳал обрўсизланиб қолишдан, сулоламиз номига доғ тушириб қўйишдан чўчийман...

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти менинг ижод ва санъат йўлидаги дорилфунуним —янги ижодий чўққи. Бу ерда курсдошларим билан бирга илм-фан асосларини эгаллаб, санъатда мустақил касб маҳоратини ўзлаштирамиз. Саҳна сирлари, нутқ маданияти, ижод сабоқларидан хабардор бўламиз. Актёрлик, режиссёрлик, санъат ҳавасмандлари билан ишлаш, ижодий жамоада муайян бадиий вазифа бажариш интизомини ўрганамиз. Мен қадрдон институтимизни жуда севаман. Негаки унда ўзбек санъати, маданиятининг умидли, истеъдодли ёш вакиллари жам бўлиб, таҳсил кўрадилар. Муаллимлар, таниқли устозлардан ташқари талабалар ўзаро бир-бирларидан ўрганиб, ибрат оладилар. Камчиликларини тузатиб, ижодий ютуқларини мустаҳкамлаб борадилар.

Ижодий режаларим — оилавий сулоламиз анъаналарини сақлаган ҳолда кино ва телевидениеда замонавий муаммоларни кўтариб чиқадиган образларни ижро этиш, аввало отам, бутун оиламиз, имкони бўлса, халқимиз ишончини оқлаш...

Шахснинг

Мамлакатимизда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш умумдавлат иши даражасига кўтарилган. Бу борада давлат дастурлари асосида кенг кўламда ишлар қилинмоқда. Бинобарин, шахснинг экологик маданиятини шакллантириш масаласи ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Чунки ҳозирги пайтдаги экологик вазият жамият аъзоларининг онгли ҳаракатини, табиатга оқилона муносабатини тақозо қилади.

Табиатни асраб-авайлаш инсоннинг экологик маданиятига боғлиқ. Шахс экологик маданияти табиатни эъзозлаш, ундан оқилона фойдаланиш меъёрлари, қонун-қоидалари ҳамда тамойилларининг маълум тизимидан ташкил топади. Умумхалқ бойлиги сифатида табиат заҳираларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, атроф-муҳитни ақл-идрок билан бошқариш зарур.

Бироқ кузатишлар шуни кўрсатадики, экологик таълим ва тарбиянинг ҳозирги ҳолати давр талабларига жавоб бермайди. Негаки, кишиларнинг экологик билимлари жуда чекланган, одамларда табиатни асраб-авайлаш, унга онгли муносабатда бўлиш туйғулари қониқарли эмас. Шунингдек, халқимизнинг табиатга азалий эъзозли қарашлари унутилиб бормоқда. Хусусан, ижтимоий тараққиётнинг турли тарихий босқичларида аҳолида экологик маданият ва маълумотнинг етишмаслиги натижасида бир талай камчиликлар юзага келди.

Ҳозирги кунда шахс экологик маданиятини тарбиялашда қонун кучидан ҳам, жамоатчилик кучидан ҳам фойдаланиш зарур. Бу борада, айниқса, маданий-маърифий муассасаларнинг имкониятлари катта. Чунки турли хил клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, халқ ижодиёти марказлари, кутубхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан аҳолига кучли таъсир кўрсатиш мумкин. Улар аҳолининг бўш вақтини самарали

Ҳикматлар санфинаси



Навоий улуғ шоир ва файласуф Абдураҳмон Жомийни ўзининг устози ва энг яқин дўсти деб билар эди. Жомий Навоийнинг камолотга етиши ва маънавий қиёфасининг таркиб топишида катта роль ўйнади. Улар бир-бирларини ҳурмат қилар, адабий-илмий ишларида бир-бирларига маслаҳат ва ёрдам берар эдилар. Жомийнинг «Арбаин» (уни «Чиҳил ҳадис», яъни «40 ҳикматли сўз» деб ҳам атайдилар) асаридан таъсирланган Навоийда шундай ҳикматларни, фойдали ўгит-насиҳатларни туркий тилда баён этиш истаги туғилади. Жомий бу истакни қувватлайди.

Навоий катта илҳом билан бир-икки кун ичида ўз манзумасини ёзиб тугатади.

Навоий гарчи Жомий асаридан илҳомланиб, қирқ тўртликни туркий тилда баён қилиш ниятида иш бошлаган бўлса-да, у «Арбаин» тўртликларини айнан таржима қилмади. Балки, форс-тожик адабиётидан, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан чуқур сабоқ олган Навоий халқ ҳикматларига таянган ҳолда мустақил асар яратди.

«Одамларга фойдаси тегадиган киши энг яхшидир» деган ҳикматли сўзга Жомий «Биров энг яхши кимдур, деб сўраса, пайғамбар сўзи билан яхши деб топилган, яъни элга кўпроқ фойда берувчи кишини энг яхши одам деб айтарман», деган маъно берувчи тўртлик ёзади.

Навоий эса худди шу ҳикматли сўзга қуйидагича шеър келтиради:

Халқ аро яхшироқ дединг кимдур,
Эшитиб шубҳа айла рафъ андин,
Яхшироқ бил они улус ароким,
Кўпроқ ўлғай улусға нафъ андин.

«Арбаин» ана шундай ахлоқий масалаларни қамраб олган 40 та тўртликдан иборатдир. Унинг ҳар бир тўртлигида турмушнинг турли ҳолларидаги юриш-туриш қоидалари акс этади. Навоий ўз ўқувчисининг юксак инсоний фазилатларга эга бўлишини орзу қилади, унга шундай хислатларни сингдиришга ҳаракат қилади.

Навоий она ҳурматини, унинг қадр-қимматини жуда юксак қўяди. Ота ва онанинг нақадар мўътабар, улуғ эканлигини таъкидлаб ёзади:

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанг аёғин туфроғи.

Шиор онангни бошингга кўтар, ҳурматини баланд тут, унинг оёғи тупроғи бўл, шунда сен она оёғи остида бўлмиш жаннат боғларини кўрасан, яъни ўзинг қадр кўрасан, деб таълим беради.

Навоий инсон маънавий гўзаллиги, яъни фазилатларини мадҳ этиш билан бирга одамларни билим олишга, илмли бўлишга ҳам даъват этади:

Эй хирадманд олимеки, санга
Илмдин рўзий айлади Сонеъ.
Киши ўрганса қилмағил маҳрум
Ёки нафъ олса бўлмағил монеъ.

Бу асар, таълим-тарбия характерида бўлиб, дидактик шеъриятнинг ёрқин намунасидир. Унда турмушда, ҳаётнинг турли ҳолатларида инсон хатти-ҳаракатининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўп насиҳатлар айтилган. Шоир илм олишнинг хосияти ҳақида, адолат, дўстлик, ширинсўзлилик, меҳнатни севиш, касб-ҳунарни эгаллаш, ҳалоллик, қаноат, саховат, вафо ҳақида насиҳатлар айтиб, ёмон хислатлар — эгрилик, мол-дунё, бойлик орттириш, ҳасад кабиларни қаттиқ қоралайди.

Навоий тўртликларининг аксарияти инсон, унинг бурчи, гўзаллиги, яхши фазилатлари мадҳига бағишланади.

Маъмура РАШИДОВА,
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ

ўтказишлари учун кенг имкониятларга эга.

Умуман олганда, шахснинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари умумтаълим жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, оила-мактаб-олий таълим босқичлари билан алоқадор. Демак, оилада оддий гуллар парвариши, уй ҳайвонлари ҳамда ҳовлидаги саранжом-саришталикдан бошланадиган дастлабки экологик маълумотлар, кейинчалик шахснинг маънавий камолотида катта роль ўйнайди.

Айниқса, бизнинг оилаларимизда таркиб топадиган ерни, сувни муқаддас деб билиш, нонни эъзозлаш ва шу каби одатлар ёшликдан бизда ижобий кўникмаларни шакллантириб боради.

Кейинги пайтларда фан-техниканинг жадал ривожланиши оқибатида жуда кўп қулайликларга эга бўлдик, ҳатто, «табиат устидан ғалаба қозониш»га ҳаракат қилдик. Аммо ўзимиз ҳам шу табиатнинг бир бўлаги эканлигимизни ҳар доим ҳам ҳис эта билмадик. Масалан, яшаб турган маҳалламизда қанчадан-қанча дарахтлар кесиб юборилаётир, оқиб турган зилол сувга ҳеч иккиланмасдан ахлат ағдарилмоқда, расмий буйруқ берилмагунча кўча ва майдонларни ободонлаштиришга эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, комил инсон маънавияти унинг ўз атроф муҳитига, халқ урф-одати, анъаналари ва ахлоқий-эстетик идеалини қанчалик чуқур ҳис қилганига, шунга амал қилиб яшаганига боғлиқдир.

Азиз ҲОТАМОВ,
маданият экологияси ва жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

Ғайрат **ЖАЛОЛОВ**, *филология фанлари доктори, профессор;*
Нозим ҚОСИМОВ, *филология фанлари номзоди, доцент*

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР

«Алпомиш» ўзбек халқининг қабила, элат ҳолидаги ҳаёт тарзини ифода этувчи достондир. У халқ ҳаёти, тарихи билан узлуксиз алоқада туғилди ва ривожланди.

Фольклоршуносларимизнинг таъкидлашларича, унинг энг қадимги бобосюжети (VI-VIII асрлар) Олтой атрофларида ижод этилиб, IX-X асрларда шу сюжет заминида достоннинг дастлабки намуналари вужудга келган. Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга бостириб келиши даврларидан бошлаб достоннинг «янгиланган», деярли ҳозирги нусха ва намуналари яратилган.

«Алпомиш» достонининг энг мукаммал, бадиий юксак нусхаси фольклоршунос Маҳмуд Зарифов томонидан 1928 йилда ўзбек халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган.

«Алпомиш» достонининг мотивлари жуда қадимий бўлиб, уларнинг илдизлари сак, массагет, сўғд қабилаларининг афсона ва ривоятларига алоқадор, улар халқимизнинг шаклланишида асос бўлган уруғ ва қабилаларнинг патриархал қулчилик муносабатлари емирилиши, феодал муносабатларнинг юзага келиш даврларида тузилган. Достонда қабилалар ва уларнинг бирлашиб элат ҳолига келиши жараёни ифодасини кўрамиз.

«Алпомиш» туркий халқларнинг муштарак достони ҳисобланади. Уни биз ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ халқларида достон шаклида учратсак, олтой, татар, бошқирдларда ораллиқ шаклда (ривоят ҳолида) сақланиб қолганлигини кўрамиз.

Эпос билан эртаклар муносабати масаласида ҳар икки асарнинг жанри хусусиятларига, ҳаёт воқеаларини тасвирлаш усулларига эътиборни қаратмоқ лозим.

Шу жиҳатдан эпосда рақиблар ҳар қанча муболаға билан тасвирланишига қарамай, у конкрет жисмоний душман сифатида намоён бўлади. Қаҳрамон бевосита ақли ва жисмоний кучи билан ғолиб чиқади. Алпомишга қарши курашган қалмоқ паҳлавонлари тасвирига эътибор берайлик: 90 қўйнинг терисидан қалпоғи, сарҳовуздан катта косаси бўлсада, улар Алпомишдан енгилади. Эртакларда қаҳрамон ғалабани сеҳрли ёрдамчилар (сирли от, қурол, уртўқмоқ ва бошқалар), душман сирини билиб олиш (дев, парилар томонидан яширинганларини) йўли билан қўлга киритади ёки қаҳрамон ўз ақл-заковати билан йўлидаги ғов ва рақибларни енгиб ўтади.

Эпосда эртакларга хос фантастика, уйдирмалар ўрнини қаҳрамоннинг бўрттириб берилган баҳодирликлари, курашлари, шартларни моҳирона бажаришлари эгаллайди. Эпосларда учрайдиган уйдирма тасвирлар ҳам ҳаётий воқеалар, кишиларнинг мифологик тушунчалари заминида вужудга келган.

«Алпомиш» эпоси хусусида гап борар экан, унинг мотивлари жуда қадимда пайдо бўлиб, туркий халқлар орасида кенг тарқалганлигини айтиш лозим. В.Жирмунскийнинг VI-VII асрларда олтойликларнинг «Алп-Манаш» қаҳрамонлик эртаги, унда «Алпомиш»даги каби мотивлар мавжудлиги ва достон мотивларининг эртак ҳолида амал қилганлиги ҳақидаги фикрлари ўша даврларда «Алпомиш»нинг бобосюжети пайдо бўлган деган фикрига қўшилиш мумкин, лекин «Алпомиш»га хос «қаҳрамонлик эртаклари» деган фикрга ва бундай атаманинг бўлишига ишониш қийин.

Барча халқлар эртаклари уч турга, ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар, сеҳрли ва маиший эртакларга бўлинади. Шунинг учун «Алп-Манаш» қаҳрамонлик эртаги бўлмай, ривоя дейилса ўринли бўлар эди. Демак биз «Алпомиш»нинг дастлабки бобосюжети VI-VII асрларда Олтойда туғилган деган фикрга қўшиламиз. Лекин «Алпомиш» эпоси генезиси хусусида гап борар экан, фольклор асарларининг мотив ва жанр сифатида шаклланиш жараёнини тўғри тушунмоқ керак.

Жанр — бу мотивлар йиғиндисидан иборат тугал сюжетли асарларни ўз ичига олган адабий турнинг бир қисмидир. Мотивлар мавжуд асарлардан олдин тузилиб, кўплаб фольклор асарларида намоён бўлиши мумкин. Чунончи, фарзандсизлик ҳақидаги мотив, бешик мотиви, шартлар ва уларнинг бажарилиши мотиви ва ҳоказо.

Бу мотивлар бир асардан иккинчисига кўчиб, ўтиб юрувчи ва ҳар бир асарда маълум бадиий вазифани ўтовчи ҳисобланади. Демак, мотивлар орқали асарнинг яратилиши даврини фольклоримизнинг анъанавий эпик жанрлари мисолида аниқлаш амримаҳолдир. «Алпомиш» эпосининг мотивлари жуда қадимги замонлардан, мифлар, афсоналарда намоён бўлиб келган.

«Алпомиш» достонида тасвирланган мотивлар негизини туркий халқлар ҳаётидан, ўтмишдаги унинг яшаш тарзи, кураши, дунёқараши, удум, урф-одат, маросимлари замонидан изламоқ даркор.

Хуллас, «Алпомиш» достонининг барча нусха ва намуналари орасида энг мукаммал, бадиий жиҳатдан юксак, эпос жанри талабларига тўла жавоб берадиган, муайян халқнинг ҳозирга қадар давом этиб келаётган этномаданият анъаналарини чуқур, атрофлича қамровчи намунаси Булунғур достончилик мактаби вакили Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда ёзиб олинган нусхаси бўлиб, дастлаб Ҳамид Олимжон томонидан айрим қисқартиришлар билан нашрга тайёрланиб, босилган. Сўнгра шу вариантни Х.Зарифов ва Т.Мирзаевлар бир неча бор тўлдирган нашрлари амалга оширилган.

«Алпомиш»да халқимиз этномаданияти дунё тўғрисидаги маърифий қарашлари, Ватан келажагига хизмат этувчи маънавий қадрият ўрин олган.

Истеъдод жилолари

Бир неча йилдирки, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида «Ниҳол» ижодкор ёшлар уюшмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Уюшмани ташкил этишдан мақсад истеъдодли ёшларга ижод сабоқларидан сабоқ бериш, машқларини муҳокама қилиш, сара асарларини институтнинг «Нафосат» газетаси ва республика газета-журналларига тавсия этишдан иборат. Уюшма машғулотларининг мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлашда институт профессор-ўқитувчиларидан С.Мирвалиев, Э. Худойбердиев, М.Сатторов, Р.Жомонов, Т.Расуловаларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Бундан ташқари уюшма аъзолари ташаббуси билан республиканинг таниқли ёзувчи ва шоирлари билан ҳам учрашувлар ўтказилмоқда. Бу учрашувларда институт ижодкорлари ўзлари ёзган шеър, ҳикоя, қатра ва мақолалари билан қатнашмоқдалар.

Уюшма аъзолари ойдан-ойга кўпайиб бормоқда. Бунда институтда чиқадиган «Нафосат» газетасининг ҳиссаси катта. Газета ҳар бир сонида ёш қаламкашларнинг ижодларидан намуналар бериб, уларни ижодий ишга илҳомлантириб келяпти. Ўз шеърлари билан таниқли санъаткорлар назарига тушган шоира Рислиғой Ҳотамовадир.

1998 йили Рислиғой Жиззахда ўтказилган ёш ижодкорларнинг республика семинарида иштирок этиб, ажойиб истеъдоди билан кўпчилик ғолиб чиқиб, фахрли 1-ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Бир қанча шеърлари Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова томонидан куйланди («Совчилар», «Бахт қуши», «Қиёматни ўйланг», «Дард»).

Рислиғой Ҳотамова ҳозирги кунда халқ бадиий ижодиёти факультетининг «Ашула ва рақс» бўлими 1 курс талабаси.

Ҳамробек Сиддиқов ҳам I курсда ўқийди. Унинг шеъриятга меҳри баланд. Ҳамробек ўзбек тили ҳақидаги ўз фикрларини жуда содда, шу билан бирга халқона сатрларида ифодалайди:

Она тилим, ягона тилим,
Ёйилсин кенг жаҳона тилим.
Ота-бобом қонига сингган,
Дурлар ичра дурдона тилим.

Ноила Холматова баҳор мисолида кишини ўйлашга чорловчи мисралар ижод қилади:

Баҳорлар ўткинчи, кунлар ўткинчи,
Ҳатто, тоғлар тоши
бир кун кўчгувчи,
Ёниб турган олов тутаб ўчгувчи,
Ўткинчи баҳорга алданиб қолма.

Ноила шеърларида фалсафий мушоҳадалар юритишга ҳаракат бор:

Бу не дунё,
Сенга вафо этмаса?
Дўст дўстини
йиқилганда, тутмаса!
Қаламқошлар ваъда
бериб, кутмаса...

Ноила Холматованинг газетада эълон қилинган бу илк шеърлари унинг келажагига умид уйғотади. Ёш ижодкорлар ичида насрга қизиқадиганлар ҳам йўқ эмас. Айрим қатралар, ҳажвий асарларни ўқиб, институт талабалари орасида яхшигина ёзувчилар ҳам бор эканлигига амин бўласиз.

Институт I курс талабаси В.Шодиева қатрасини «Инсон қалби» деб номлайди. Қатра — кичик жанр. Ёзувчи шу кичик майдонда муҳим ғояни айта билиши керак. В.Шодиева ҳам ўзининг қисқа-қисқа қатраларида ўқувчига янги гапайтишга ҳаракат қилади.

«Нега мен инсон қалбини ойга ўхшатаман? — дейди у. — Негаки, ой атрофини қора булутлар қамраб олса ҳам, ана шу булутлар орасидан чиқишга ва яна ёруғ нур сочиб, оламни мунаввар этишга интилади».

«Ниҳол» уюшмасининг фаол аъзоларидан бири А.Аҳмедов ўзининг «Адашган талаба» асарида жуда нозик мавзуга қўл уради. Бугун юртимизга турли диний экстремистик гуруҳлар суқулиб кириб олиб, ёшларимиз онгини заҳарлашга уринаётгани ҳеч кимга сир эмас, «Адашган талаба» ҳикояси қаҳрамони ҳам шу оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар тимсоли.

«Ниҳол» уюшмаси аъзолари орасида публицистикага қизиқувчилар ҳам анчагина. Албатта, ёш ижодкорларнинг асарларида ҳали камчиликлар кўп. Лекин биз учун энг муҳими, уларнинг изланаётганлиги, ёзишга интилаётгани. «Ниҳол» ижодий уюшмаси аъзолари орасидан етук ижодкорлар етишиб чиқишига умид ва ишонч уйғотади.

Дилдора ИСАМУҲАМЕДОВА,
ижтимоий-маданий фаолият факультети 1 курс талабаси





Ёшлар куйлаганда...

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз, хусусан, ўлмас меросимиз ҳисобланмиш миллий қўшиқчилигимизга бўлган эътибор анча ортди. Ҳукуматимиз томонидан санъат соҳасидаги анча тарқоқ уюшмалар бақувват марказлашган бирлашмаларга айлантирилди.

Ана шундай ижодий жамоалардан бири — «Ўзбекнаво» концерт-гастроль бирлашмасидир. «Ўзбекнаво» бағрида қатор хайрли ишларга қўл урилмоқдаки, бунинг ижобий ҳосиласи сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиз.

«Ўзбекнаво» Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда турли ажойиб тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, устозлар хотирасига бағишлаб республика ёш қўшиқчилар танловининг ўтказилиши анъана тусига кириб бормоқда. Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Отажон Худойшукуров каби барҳаёт сиймолар халқимиз қалбидан нечоғлик жой олгани уларнинг бой ижодий мероси тимсолида гавдаланади.

Бугунгача Маъмуржон Узоқов ва Комилжон Отаниёзов номли кўрик-танловлар икки мартадан ўтказилган бўлса, Ҳожи Абдулазиз ва Отажон Худойшукуровлар танловларини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу каби танловлар халқимизга ажойиб истеъдод соҳибларини тақдим этаяпти. Масалан, Ороллмирза Сафаров, Гулсара Ғойипова, Зариф Азизов, Сойиб Ниёзов, Равшан Матёқубов, Комилжон Жабборов каби ёш хонандалар ушбу кўрик-танловлар орқали эл назарига тушдилар.

Танловлар ташкилий қўмитаси ва ҳомийлар кўрик ғолиблари ҳамда совриндорларини моддий томондан рағбатлантириб келмоқдалар. Аммо, баъзан танловларда ғолиб чиққан ва совриндор бўлганларнинг кейинги ижодий фаолияти аксарият ҳолларда ҳеч кимни қизиқтирмай қўяди. Аслида уларнинг кейинги ижоди ҳам доимо диққат-эътиборда турмоғи, уларга моддий ва маънавий, ташкилий ёрдам кўрсатилиши керак.

Яна бир фикр, миллий қўшиқчилигимизда мактаб яратган бошқа устозлар хотираси ҳам ёдга олиниб, уларнинг номига бағишланиб ёш қўшиқчилар республика танловларининг ўтказилиши хусусида юқоридаги ташкилотлар бир ўйлаб кўришса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Жумладан, Юнус Ражабий, Расулқори Мамадалиев, Жўрахон Султонов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ҳожихон Болтаев каби устозлар ҳам ана шундай ҳурматга сазовор санъаткорлардир.

Матназар ХУДОЙНАЗАРОВ



Умидбахш оҳанглар

«Қўшиқнинг қаноти бор» дейдилар. Шубҳасиз, бу нақл бежиз айтилмаган. Таъбир жоиз бўлса, мен қўшиқни қалблар кўзгусига қиёслагим келади. Оллоҳ назари тушган ана шундай инсонлардан бири, хушовоз хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ороломирзо Сафаров билан бўлган ажиб дилкаш суҳбатни сиз, азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этмоқни истадим. Зеро, ушбу суҳбат сизга ҳам манзур бўлади, деган умиддаман.

— Ороломирзо, қўшиқчилик соҳасидаги устозларингиз сифатида кимларни таъкидлаб ўтган бўлардингиз?

— Санъаткорлар орасида шундай нақл юради: «Ўзингдан бир кун олдин бўлса-да қўшиқ айтган ҳамма хонанда устоздир». Шундай экан, қўшиқ гулшанига етаклаган, қайси бир маънода тўғри йўл кўрсатган устозларим (бир қанча) борки, мен уларнинг барчасига чуқур миннатдорчилик изҳор этгим келади. Болалик чоғларимдан то бугунги кунгача ижодий ҳамкорим, адабиёт ўқитувчиси — ўз оғам Абдуҳамид Абдуманнопов, Самарқанд шаҳар 59-сон кўзи ожизлар интернатида мусиқа муаллими бўлиб ишлаган Болта ака Ражабов, қўшиқчиликда ўз йўлимни топишим учун кўп маслаҳатлар берган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳрулло Лутфуллаев шулар жумласидандир.

— Авлодингизда сиздан бошқа санъаткорлар борми?

— Оиламизнинг барча аъзолари санъатни чуқур севадилар ва талқин қиладилар. Отам мумтоз қўшиқларнинг мухлиси, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров куйлаган кўп ариялари маҳорат билан куйлайдилар. Қишлоғимиздагилар Абдуҳамид акамни Юнус Ражабийга таққослайдилар. Онам эса доира, чанқовуз каби асбобларни маҳорат билан ижро этганига ўзим шоҳидман. Хуллас, санъаткорлик бизнинг қонимизда бор.

— Ҳаётингиздаги энг бахтли кунингиз?

— Аслида ҳар бир ўтаётган кун инсон ҳаётида ўз мазмун ва моҳиятига эга. Бироқ шундай кунлар бўладики, бу кунлар инсоннинг хотирасида такрор-такрор гавдаланаверади. 1991 йил 27 декабрда «Алпомиш» спорт саройида республика ёш хонандаларининг «Камолот-91» кўрик-танлови бўлиб ўтган ва мен унда мутлоқ ғолиб бўлган эдим. Ана шу кундан бошлаб, менинг ҳаётимда туб бурилиш юз берди десам, муболаға бўлмас.

— Сиз кейинчалик, аниқроғи, тўрт йил муқаддам Марғилонда ўтказилган Маъмуржон Узоқов номидаги 1-Республика хонандалар танловида ҳам ғолиб бўлган эдингиз. Бу муваффақиятингиз замирида нималар ётади?

— Тўғрисини айтсам, мазкур танловга қадар марҳум устознинг ижоди билан у қадар яқиндан таниш эмас эдим. Тошкент шаҳар саралаш босқичида Марғилонга борадиганлар сафига қўшилганимдан кейин устоз Маъмуржон Узоқов ижро этган ҳар бир қўшиқни диққат билан ўргандим ва улар орасидан юксак маҳорат билан ижро этилган «Сувратинг», «Бухоро талқини», «Феруз-1» асарларини танлаб олдим. Муваффақиятнинг биринчи мезони ана шу танланган қўшиқлар, иккинчиси, менинг ижроим озми-кўпми Марғилон аҳлига ёққан бўлса, не ажаб.

— Оилангиз хусусида икки оғиз сўзласангиз.

— Турмуш ўртоғим Хуршидахон билан Баҳрулло, Нилуфар исмли бир ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказмоқдамиз.

— Муштарийларга тилакларингиз.

— Янги асрнинг дастлабки йили барча юртдошларимизга бахт-қувонч келтирсин. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, нурли истиқбол ато этишини истайман.



Ҳофизнинг бу тилакларига қўшилган ҳолда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти «Халқ ижодиёти» факультети «Халқ ашула ва рақс» кафедраси катта ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали нишондори, мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами муносабати билан ҳукуматимизнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлган умидли ҳофиз Ороломирзо Сафаровга юксак ижодий парвозлар тилаб, умидбахш оҳанглар унинг қалбини сира тарк этмасин, дея Яратгандан сўраб қоламан.

Суҳбатдош:
Н. ҚОСИМОВ

Маърифат китобдан бошланади

Ҳар бир кишининг болаликдан орзулари, ўз олдига қўйган эзгу ниятлари бўлади, албатта. Инсон қалбидаги бу орзулар болалик дунёсида куртак отса, ўқувчилик йилларида юксакликка бўй чўзади, янги-янги фикрлар, мақсадлар туғилади. Назаримда, инсоннинг маънавий бойлиги ортгани сайин дунёни теранроқ англайди. Жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўла бошлайди.


Ҳар қандай киши жамиятда ўз ўрнини топиши учун, энг аввало, маърифатли бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Маърифатли бўлиш эса китоб мутолаасидан бошланиши сир эмас. Одамзод фақат китоблар орқалигина ўз билимини ошириб, тафаккурини кенгайтира олади. Шу маънода менда баъзи мулоҳазалар туғилади. Биринчиси, мактаб ўқувчиларининг китоб ўқишга бўлган қизиқиши масаласи. Мени мактабимиз кутубхонасида ҳам, туман ва шаҳар кутубхоналарида ҳам бир ҳолат ўйлантиради. Кўп ўқувчиларда қўлларига тушган китобни танлай олиш ёки бошқа кишилардан маслаҳат олиш имконияти йўқ. Ваҳоланки, йирик кутубхоналарда бу борада махсус мутахассислардан фойдали маслаҳатлар олиш мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчи ёшларнинг аксарияти китобдан фойдаланишнинг оддий қоидаларини билмайдилар ёхуд унга амал қилмайдилар. Улар китобга маънавий бойлик, муқаддас битик сифатида эмас, балки оддий бир буюм тарзида муомалада бўлаётганлигини кўриб, ачиниб кетасан, киши. Масалан, ҳозирги пайтда биз битирувчилар катта ҳаёт синови — абитуриентлик арафасида турибмиз. Ҳар биримиз «Ахборотнома» бўйича тайёрланишга, имкон қадар берилган саволларга аниқ жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Лекин кутубхонадан олинган кўпгина китобларда ёзилган, чизилган, йиртиб олинган саҳифаларга дуч келамиз. Хўш, бу нимадан дарак беради? Назаримда, бу «маърифатсизлик» нишонасидир.

Ўз тенгдошларим орасидаги яна бир ҳолат мени ўйга толдиради. Маълумки, кутубхонада янги нашр қилинган асарларнинг миқдори у қадар кўп эмас. Шу боисдан ҳам ҳамма бир пайтда ўша китобдан фойдалана олмайди. Бунинг учун эса кутубхонадан олинган китоб ўз вақтида қайтарилиши лозим.

Аксарият китобхонлар кутубхонага тегишли китобларни белгиланган муддатда топширмайдилар. Натижада кимгадир зарур бўлган китоб, эгалланиши лозим бўлган билим ўз эгасига етиб бормайди.

Она — Ватан истиқболи кўп жиҳатдан биз ёшларга боғлиқ. Ёшлардаги билимга чанқоқлик, ўз мустақил фикрига эга бўлиш, аввало, китоб мутолааси билан боғлиқ. Чунки француз файласуфи Д.Дидро ёзганидек, «Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар». Ваҳоланки, юртбошимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари лозим»лигини қайта-қайта уқтириб келмоқдалар. Демак, биз ҳам юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир хатти-ҳаракатимизга онгли муносабатда бўлмоғимиз, Ватан равнақи йўлида дадил қадам ташлай оладиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс бўлиб етишмоғимиз зарур.



Гўзал НАЗИРОВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги Чўлпон номли 258-мактаб битирувчиси

Театр ва бадиий тарбия

Театр санъатига бундан икки ярим минг йил илгари асос солинган бўлса ҳам, у ҳамон томошабинларнинг энг севимли санъат тури бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби, театр санъати томошабин билан ҳар бир спектакль орқали тирик мулоқотда бўлишида деб биламиз. Томоша залидаги ҳар бир киши у хоҳ катта ёшли, хоҳ навқирон йигит ва хоҳ ўсмир бўлсин, сахнадаги образлар билан бирга шодланади, қувонади, изтироб чекади. Шунинг учун, сахнадаги ижрочи бутун вужуди, эҳтироси билан ўз қаҳрамони кечинмаларини очиб беради. Унинг томошабинни алдашга ҳаққи йўқ.

Театр ўзи нима? У ҳаётнинг маълум бир бўлагини бадиий воситалар билан бойитиб, сахнада қайта акс эттириш санъатидир. Демак, томошабин сахнада ўз аксини, ҳаётда ўзига таниш бўлган воқеликни кўради ва унга бефарқ бўлмайди, хулоса чиқаради. Шу боис, давлатимиз театр санъатига халқнинг онгини бойитувчи, миллий мафкурани сингдирувчи ғоявий қурол сифатида ёндошади. Театр сахнаси орқали мустақиллигимиз, миллийлигимиз, бой маънавиятимизни тараннум этади. Театрга мукаммал ва ишончли тарбия ўчоғи, деб қарайди.

Айниқса, бу ёшлар тарбиясида аҳамият касб этувчи санъат. Профессионал театрлар ёшлар тарбиясига оид қатор спектаклари билан жиддий ёндошиб келмоқда. Буни Ҳамза номли академик драма театри, Аброр Ҳидоятов номли ёшлар театри, Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрлари орқали кузатиш мумкин.

Ёшлар тарбиясига муносабат масалаласи драматург Ўлмас Умарбеков асарларида кенг ва алоҳида ўрин олган. Ҳамза номли академик театрда сахналаштирилган «Кузнинг биринчи куни» спектакли оилада бола тарбиясига бўлган муносабат масаласига қаратилган бўлса, «Қиёмат қарз» спектаклида инсоний фазилатлар ва унга содиқ қолиши Сулаймон ота образи орқали мукаммал очиб берилган.

Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрида сахналаштирилган «Фотима ва Зуҳра» спектаклида эса ҳозирги куннинг долзарб муаммоси, ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, қиморбозлик ва гиёҳвандликка бўлган қарашлар кенг ўрин олган.

Уч-тўрт йилдан бери ўтказилиб келинаётган талаба ёшларнинг «Ниҳол» театр фестивали ёшларга тегишли муаммоларни ҳаваскор театрлар орқали ўз спектаклларида кўтариб чиқаётганликларини кўрсатиш мумкин. Демак, ёшлар ҳам ўзларига тегишли бўлган муаммоларга лоқайдлик билан қарамаяптилар. Бу эса шуни кўрсатадики, улар келажакка бефарқ эмаслар. Келажак эса уларнинг қўлида эканлигини англаб етмоқдалар.

Театр сахнаси муқаддас даргоҳ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил. Театр сахнасидаги ёшлар тарбияси эса доимо долзарблигича қолади.

Ҳусан МИРПЎЛАТОВ,
ижтимоий-маданий фаолият факультети декани



Куй ҳузури

Ҳамкасблар ҳазили

Профессор М.МУРОДОВга
Фольклорчи халқи зотан, муболаға, лофга ўч,
Бу сифат бегонамас қаҳрамонимиз учун.
Фикр денгизида суз, хаёл осмонида уч,
Билиш қийин гапининг қайси ёлғон, қайси чин!

Доцент У.КАРИМОВга
Масъул котиб, сидқидил, қабулда ишлар қалай?
Ўн икки йил дўст, бу йил душман топдинг бир талай...

Доцент Э. ХУДОЙБЕРДИЕВга
Институт очилдию Эркин ака келди,
Йигирма беш йилдан буён югурди-ю елди.
Штат қисқарар дамо-дам, домлалар-чи, толар?
Институт ёпилса ҳам Эркин ака қолар....

Қатралар

Эчкига жон қайғуси — қассобга ёғ қайғуси
Компьютер. Талаба. Домла.
Талаба: — Яшасин, тест бўлди, баҳо есть бўлди!
Домла (бир четга); — Падарига лаънат, тест бўлди, пес бўлди!

Замоннинг зайли
6-синф болалари. Пул тўплашяпти. Бир бола оломондан сўраяпти:
— Тағин нимага йиғяпсизлар?
— Ипподромдан синфга дўкон очмоқчимиз...

Эшагига яраша тушови
Мактабни тугатиш кечасида тадбиркор ота ўғлига калит совға қиляпти:
— Бой отадан «Тойота».

* * *

Профессор талабадан сўраяпти:
— Яхши йигит, сиз ўлимдан кейинги ҳаётга ишонасизми?
— Йўқ, бўлиши мумкин эмас...
— Бекор қиласиз! Чунки сиз ўтган ҳафтада бобонгизни кўмиш учун рухсат сўраган эдингиз. Кеча бобонгиз ўзи келиб, сизнинг қандай ўқиётганингиз билан қизиқди!

* * *

Йўловчи аэропортга телефон қилиб сўради:
— Синглим, айтингчи Тошкентдан Самарқандгача неча соат учади?
— Тошкентдан Самарқандга дединг изми? Бир минут...
— О, жуда зўр экан-ку, — деб қувонди йўловчи ва трубкани жойига қўйди.

* * *

Иммануил Кантга савол беришибди:
— Айтинг-чи қандай аёл турмуш ўртоғига кўпроқ садоқатли: сариқ сочлими ёки қора?
— Сочи тўкилганлари, — деб жавоб берибди буюк философ.

* * *

Аёл эрига:
— Вой боғчадан кимни олиб келганингизни биласизми? Ахир, бу бизнинг ўғлимиз эмас-ку! Нималар қилиб қўйдингиз?
— Шунгаям ота гўри қозихонами? Эртага яна барибир боғчага олиб борамиз-ку!

Guliston
3
2001

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан
На узбекском языке

Ушбу сон масъул муҳаррири — филология фанлари номзоди, доцент
Маҳмуд САТТОРОВ

Мусаҳҳиҳ
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
Владимир ГРАНКИН

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент — ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари — 133-08-57
Масъул котиб — 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
16.05.2001 йил.
Қоғоз ҳажми 60X84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 1937.
2909 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "ГУЛИСТОН" 3/2001.



Ётоқхонада.



Ошхонада.



Наврўз байрамида.



Мусиқа машғулотида.



398
4/6

Guliston

Индекс: якка обуначилар учун – 820
ташкилотчилар учун – 806
Баҳоси: чакана савдода келишилган нархда.

Институт кутубхонасида.



Талабалар жисмоний тарбия машғулотида.



Талабаликнинг олтинга татигулик лаҳзалари.



